

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК КУРСИДАН
МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
20 йиллигига бағишланади*

ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК КУРСИДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар
таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари учун
ўқув қўлланмаси*

Тошкент – 2011

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Тузувчи-муаллифлар:

юримдик фанлар номзоди **Ш.Н. Бердияров** («Конституциявий ҳуқуқ» бўлими); юримдик фанлар номзоди, доцент **Н.Т. Исмоилов**, **Э.Х. Норбўтаев**, **Б.А. Абдуҳамидов** («Маъмурий ҳуқуқ» бўлими); **О.А. Ниятов**, **А.Н. Қаршиев** («Фуқаролик ҳуқуқи» бўлими); **С.И. Ҳамроев**, **Х.М. Қиличев**, **С. С. Шарипов** («Жиноят ҳуқуқи» бўлими); **И.Э. Хожаназаров**, **Р.З. Нажмитдинов** («Жиноят процесси» бўлими); **А.А. Пардиев**, **Ж.А. Ядгаров** («Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органларининг фаолияти» бўлими).

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедрасининг бошлиғи **З. Я. Бобокалонов**;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедрасининг доценти, юримдик фанлар номзоди **И. А. Соттиев**

Б–48 Бердияров Ш. Н. Юримдик тайёргарлик курсидан масалалар тўплами: Ўқув қўлланмаси / Ш.Н. Бердияров, Н.Т. Исмоилов, Э.Х. Норбўтаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – 119 б.

Ушбу тўпланда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, амалдаги қонунлари, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг тўғри ва ўринли қўлланишига оид масалалар акс этган. Улар «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят процесси» ҳамда «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти» каби бўлимларга тааллуқли бўлиб, ички ишлар органларининг бўлажак сержантларида қонунчилик нормаларини қўллашга доир билим ва кўникмаларни шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг курсантларига мўлжалланган.

ББК 67я73

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2004 йил 19 июль фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2004 йил 23 сентябрь қарори шулар жумласидан. Ички ишлар органлари ходимларининг халқ ишончини қозонувчи янги авлодини шакллантириш мақсадида мазкур ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси таркибида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилди. Айтилган вақтда ушбу таълим муассасаси самарали фаолият кўрсатиб, юридик билимларга эга, кескин вазиятларда тез ва тўғри қарорлар қабул қилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган етук ходимларни тайёрлаб бермоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шакллантирилмоқда. Бу жараёнда қонунийликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадга эришишда ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига ҳам алоҳида талаблар қўйилади. Хусусан, қонунчиликни, уни қўллашни ва тезкор қарорлар қабул қилишга доир билим ҳамда кўникмаларни мукамал эгаллаш талаб этилади.

Мазкур масалалар тўплами бўлажак сержантларнинг амалий фаолиятидаги вазифаларни самарали бажаришлари ҳамда қонун нормаларини тўғри қўллаш малакаларини шакллантиришга мўлжалланган. Унда баён этилган масалалар уларнинг юридик тайёргарлик бўйича билимларини бевосита амалда қўллашга кўмаклашади.

Бундан ташқари, улар ушбу масалалар тўпамидан ўз фаолиятларида ҳуқуқбузарликларнинг турларини тўғри аниқлаш, уларни содир этган шахсларни ушлаш, ўқотар қуроллар ва куч ишлатиш қоидаларини қўллаш, ушланган шахсларнинг ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни таъминлаш ва ички ишлар органлари ходимларининг мажбуриятлари каби масалалар борасидаги билимларни ҳам олишлари мумкин. Шунингдек, тўпланда

ёритилган масалалар ички ишлар органлари учун тайёрланаётган сержант ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунлари ва бошқа қонунларини тўғри қўллаш борасида кўникмалар ҳосил қилишларига ёрдам беради.

Ушбу масалалар тўпламини яратишда бевосита сержантлар таркибининг хизмат фаолиятлари йўналишлари, умуман ички ишлар органларининг фаолиятига хос хусусиятлар инобатга олинди.

Албатта, ушбу тўпланда масалалар тўлиқ ва мукамал ифодасини топган, деган фикрдан йироқмиз. Муаллифлар тўпланим ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларни миннатдорлик билан қабул қиладилар, улардан келгусидаги илмий ва ўқув-услубий ишларни тайёрлашда ижодий фойдаланадилар.

Конституциявий ҳуқуқ

5-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

1-масала

Наманган вилоятида бир гуруҳ террорчилар Конституцияга хилоф тарзда ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибини тузишга ҳаракат қилдилар.

Топшириқ: *ушбу ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *қандай конституциявий норма бузилган?*

2-масала

Қозоғистон Республикасининг фуқароси А. Мақсудов Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан қўлга олинди. Шунда у содир этган ҳаракати Қозоғистон Республикасида жиноят ҳисобланмаслигини, Ўзбекистон Республикасида бу қилмиш жиноят ҳисобланишини билмаганини таъкидлаб, озод этишни талаб қилди.

Савол: *ушбу талаб тўғрими?*

Савол: *қандай конституциявий норма бузилган?*

3-масала

Профилактика инспектори Т. Мансуров ўз ҳудудидаги рекламалар учун махсус мўлжалланган жойларда давлат тили ўзбек тили эканлигини таъкидлаб, русча матндаги рекламаларни йўқотишни уларнинг муаллифларидан талаб қилди.

Савол: *профилактика инспекторининг талаби тўғрими?*

Савол: *профилактика инспекторининг талабида конституциявий норма бузилганми?*

6-мавзу. ШАХСНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ. ФУҚАРОЛИК. ИНСОННИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ ТИЗИМИ

1-масала

Профилактика инспектори А. Йўлдошев маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тўрт нафар шахсни қўлга олди. Уларнинг икки нафари рус,

икки нафари қозоқ миллатига мансуб эди. У жазо тариқасида рус миллатидаги фуқароларга жариманинг энг кам, қозоқ миллатига мансуб фуқароларга эса энг кўп миқдорини белгилади. Ҳолбуки, улар бир турдаги ҳуқуқбузарликни содир этган эдилар.

Савол: *профилактика инспекторининг қарори тўғрими?*

Савол: *ушбу ҳаракатлар орқали конституциявий норма бузилганми?*

2-масала

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси А. Алимов Россия Федерациясига кетиб, у ерда беш йил муддат истиқомат қилиб, сўнг Россия фуқаролигини олди. Аммо у бу даврда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиши тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилмади. Натижада икки фуқаролликка эга бўлди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *у айти вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши мумкинми?*

3-масала

Жиноят қидирув бўлимининг ходими А. Азимов фуқаро А. Толиповни жиноят содир этганликда гумон қилиб, ҳибсга олди ва кўшимча далилларни топгунга қадар тўрт сутка давомида ўз хизмат хонасида сақлади. У ушбу ҳаракатлари билан Жиноят-процессуал кодекснинг нормаларини бузди.

Савол: *жиноят қидирув бўлимининг ходими А. Азимовнинг ҳаракатларида конституциявий норманинг бузилиши аломатлари мавжудми?*

Савол: *конституциявий норма бузилганда, қандай жавобгарлик вужудга келади?*

4-масала

Терговчи А. Зоҳидов фуқаро С. Неъматовнинг уйига расмий рухсатсиз, ўғирланган нарсалар сақланаётганлиги важи билан кириб, тинтув ўтказди. У бу ҳаракатлари орқали Жиноят-процессуал кодекснинг нормаларини бузди.

Савол: *терговчи А. Зоҳидовнинг ҳаракатларида конституциявий норманинг бузилиши аломатлари мавжудми?*

Савол: *конституциявий нормалар билан жиноят-процессуал нормаларнинг фарқлари қандай?*

5-масала

Фуқаро Б. Орипов 2007 йилдаги Президент сайловида иштирок этди.

Савол: *у қандай конституциявий ҳуқуқини амалга оширган?*

Савол: *бу ҳақда қандай конституциявий норма мавжуд?*

6-масала

Фуқаро А. Баҳромов насроний динини қабул қилиб, унга эътиқод қила бошлади. Аммо маҳалладошлари унинг бу ҳаракатини қоралаб, рухий тазйиқ ўтказа бошладилар. Ҳатто уни маҳалладан қувиб юборишга уриндилар.

Савол: *А.Баҳромов маҳалладошларининг ҳаракатлари тўғрими?*

Савол: *А.Баҳромовнинг ҳуқуқлари паймол бўлганми? Агар паймол бўлган бўлса, улар қандай ҳуқуқлар эди?*

7-масала

Пост-патруль хизматининг ходими кичик сержант М. Салимов ўз раҳбариятига уч йилдан буён меҳнат таътилига чиқмаётганлиги хусусида эътироз билдириб, меҳнат таътили беришни талаб қилди.

Савол: *талаб қилинаётган ҳуқуқ қандай ҳуқуқ ҳисобланади?*

Савол: *М.Салимовнинг раҳбарияти конституциявий нормани бузганми?*

8-масала

Фуқаро С. Раҳимов Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлди.

Савол: *у ўзининг қандай ҳуқуқини амалга оширди?*

Савол: *партияга аъзо бўлиш чекланганми?*

9-масала

Пост-патруль хизматининг ходими кичик сержант Л. Қурбонов метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатида ноқонуний савдо қилаётган фуқаро М. Норовни ҳибсга олиб, бир сутка давомида ушлаб турди.

Топшириқ: *кичик сержант Л. Қурбоновнинг ҳаракатларига баҳо беринг.*

Савол: *конституциявий норма бузилганми?*

7-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

1-масала

Ўзбекистонда беш йил муқим яшаган, 30 ёшли афғон миллатига мансуб Ўзбекистон фуқароси А. Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловда номзодини қўйишга ҳаракат қилди.

Савол: *фуқаро А.Раҳмонов ўз номзодини қўйишга ҳақлими?*

Савол: *у ўзининг қандай ҳуқуқини амалга оширмақчи?*

2-масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Н. Нодиров жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ички ишлар органларининг ходимлари томонидан қўлга олинди.

Савол: *ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатлари тўғрими?*

Савол: *депутат Н. Нодиров жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинми?*

3-масала

«Салим ота» фермер хўжалиги билан Тошкент Трактор заводининг маъмурияти ўртасида тузилган шартнома хусусида низо келиб чиқди.

Савол: *ушбу низога кўриб чиқиш қайси судлов органига тегишли?*

Савол: *бу масала конституциявий норма билан тартибга солинадими?*

4-масала

Бухоро вилояти Халқ депутатлари кенгаши чиқарган қарорнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Савол: *ушбу қарорнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ёки номувофиқлигини аниқлаш кимнинг ваколатига киради?*

5-масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилиб, Қонунчилик палатасига қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси депутатлари учдан икки қисмининг овози билан яна маъқулланди.

Савол: *мазкур қонун навбатдаги қандай жараёндан ўтиши лозим?*

Савол: *бу масала қандай норма билан тартибга солинади?*

6-масала

Самарқанд вилоятининг ҳокими Жиззах вилоятининг ҳокими билан вилоятнинг Ғаллаорол туманига қарашли Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалигини Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига қўшиб юборишга келишди.

Савол: *уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *ушбу ҳаракатларда конституциявий норма бузилдими?*

Маъмурий ҳуқуқ

10-мавзу. АЙРИМ ТУРДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

1-маишгулот

1-масала

Мирзо Улуғбек тумани, 4-Қорасув даҳаси, 15-уй, 16-хонадонда яшовчи фуқаро Н.никига ҳар куни бегона эркаклар келиб турар эди. Бундан шубҳаланган профилактика инспектори фуқаро Н.нинг уйини кузата бошлади. У уйда бегона бир эркак ва фуқаро Н.ни ярим ялонғоч ҳолатда турганлигида тутди. Профилактика инспектори капитан Ш. Аъзамов фуқаро Н. билан суҳбатлашганда, оиласи моддий жиҳатдан қийналиб қолганлигини, шу сабабли пул эвазига жинсий алоқа қилаётганлигини маълум қилди.

Топшириқ: *фуқаро Н.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро Н. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг қайси моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим?*

2-масала

Чилонзор туманидаги Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида жойлашган болалар майдончасидаги ўриндикда фуқаро А. ўртоғи фуқаро С. билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирганида, профилактика инспектори капитан И. Тўраев томонидан милиция таянч пунктига олиб келинди.

Топшириқ: *фуқаро А. ва фуқаро С.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *ҳуқуқбузарларни милиция таянч пунктида қанча муддатга ушлаб туриш мумкин?*

3-масала

АҚШ фуқароси Б. Тошкент шаҳрида жойлашган Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғидаги ошхоналардан бирида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда кўчага чиқди ва шу ерда турган қизларга шилқимлик қилиб, уятли сўзлар билан сўқинди.

Топшириқ: *АҚШ фуқароси Б.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *мазкур ҳуқуқбузарликни қайси орган (мансабдор шахс) кўриб чиқади?*

4-масала

Мирзо Улуғбек тумани, 3-Қорасув даҳаси, 2-уй, 3-хонадонда яшовчи, 1986 йилда туғилган фуқаро А. 2009 йил 9 сентябрь туғилган куни муносабати билан соат тахминан 23¹⁵ да уйига ўртоқлари билан маст ҳолда кириб келди ва магнитофоннинг овозини баланд қилиб қўйди. Қўшнилари мусиқа шовқинидан безовта бўлиб, фуқаро А. дан товушни пасайтиришини сўрадилар, лекин фуқаро А. мусиқа овозини янада баландроқ қўйди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

5-масала

Фуқаро Р. Овчилар жамиятига аъзо, у ов қилиш мақсадида рухсат этилган ҳудудга борди ва у ерда ов қилаётган вақтида аҳоли яшаш пунктига ўтиб кетганини сезмай, у ерда ҳам овини давом эттирди.

Топшириқ: *фуқаро Р.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

«Мустақиллик» маҳалласида яшовчи фуқаро К. экин майдонини ағдариб, мевали кўчатлар экаётган эди. Шу пайт қўшнисини, 15 ёшли С. келиб қолди, фуқаро К. қўшнисини С.ни ёрдамга чақирди. Кўчатларни экиб бўлгач, фуқаро К. қўшнисини С. ни уйига таклиф қилиб, у билан биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилди. Шундан сўнг, С. уйига чиқиб кетди. С. уйига киргач, онаси фуқаро Ў. ароқ ҳидини сезиб,

ўғлини сўроққа тутди, ўғли бўлган воқеани онасига айтиб берди. Шундан сўнг, С.нинг онаси профилактика инспекторининг қабулига бориб, кўшниси фуқаро К.нинг ҳаракатига қонуний чора кўришни сўраб, ариза ёзиб топширди.

Топшириқ: *фуқаро К.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-масала

15 ёшга тўлган фуқаро К. уйининг ҳовлисида, отасига тегишли ов милтиғидан деворга ёпиштириб қўйилган қоғоз нишонга қараб, ўқ ота бошлади.

Савол: *унинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари борми?*

8-масала

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани, 2-Қорасув даҳаси, 1-уйда яшовчи фуқароларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя қилиш ҳолатлари текширилганда, 29-хонадонда яшовчи фуқаро Т. уйига Қашқадарё вилоятидан келган фуқаро Б.ни доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтмасдан яшашига рухсат бергани аниқланди. Текширувда фуқаро Б. Тошкент шаҳрига уй таъмирлаш ишлари билан шуғулланиш мақсадида келганлигини ва шу хонадонга жойлашганига энди 15 кун бўлганини айтди.

Савол: *ушбу ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати борми? Агар ҳуқуқбузарлик аломати бўлса, кимларни жавобгарликка тортиш керак?*

2-машғулот

1-масала

Мирзо Улуғбек тумани, 5-Қорасув даҳаси, 14-уй, 17-хонадонда яшовчи фуқаро Б. Мирзо Улуғбек тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Аризада кўшниси, фуқаро Ж. сабабсиз, маст ҳолда уни ҳақоратлагани баён этилган.

Савол: *ариза ИИБда қандай тартиб ва муддатда кўриб чиқилади?*

2-масала

Мирзо Улуғбек тумани, 3-Қорасув даҳасида жойлашган «Гунча» номли 43-болалар боғчасининг ошпази фуқаро В. 2009 йил 19 сентябрь куни соат 18⁰⁰ларда уйига кетаётган вақтида, назорат ўтиш жойида

турган қоровул ва шу боғчанинг мудираси унинг сумкасини текшириб, унда 2 кг. гўшт, 1 кг. шакар, 1 кг. сариеғ маҳсулотлари борлигини кўрдилар, бу озиқ-овқатлар «Гунча» болалар боғчасининг омборхонасидан олингани аниқланди.

Топшириқ: *фуқаро В.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-масала

Фуқаро Х. Марғилон шаҳридаги деҳқон бозори ҳудудида яширинча дори-дармон воситаларини сотаётган пайтда, давлат солиқ инспекторлари томонидан ушланди.

Топшириқ: *фуқаро Х.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қайси орган (мансабдор шахс) кўриб чиқиш ваколатига эга?*

4-масала

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги «Отчопар» бозори ёнида жойлашган ун чиқариш заводида ишловчи фуқаро П. иш жойидан ноқонуний 10 кг. миқдордаги унни олиб чиқиб кетаётганда, завод қоровуллари томонидан ушланди.

Топшириқ: *фуқаро П.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *уни қандай жавобгарликка тортиш мумкин?*

5-масала

Фуқаро М.нинг Чиноз туманидаги сув омборида транспорт воситасидан олинган электр токидан фойдаланиб, балиқ тутаётганлиги аниқланди.

Топшириқ: *фуқаро М.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Мирзо Улуғбек тумани, 6-Қорасув даҳасида жойлашган деҳқон бозорида фуқаро Н.нинг турли озиқ-овқат маҳсулотларини санитария-гигиена қоидаларига амал қилмай, ерга қўйиб сотаётгани аниқланди.

Савол: *фуқаро Н.нинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари борми?*

7-масала

Юнусобод туманининг 17-даҳасида яшовчи фуқаро Ж. қўшниси фуқаро М. билан суҳбатлашиб ўтирганда, улар ўртасида низо чиқди, фуқаро Ж. куч ишлатиб, фуқаро М.га енгил тан жароҳати етказди.

Топшириқ: *фуқаро Ж.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-маишзулот

1-масала

Йўл-патрул хизматининг инспектори П. Ҳасанов давлат рақами 10 F 2020 бўлган ВАЗ-2109 русумли автомашинани тўхтатмоқчи бўлганда, ҳайдовчи автомашинани тўхтатмади. Шундан кейин, кўрилган чора-тадбирлар натижасида автомашина тўхтатилганда, ҳайдовчи фуқаро Қ.нинг мастлиги аниқланди.

Савол: *фуқаро Қ.нинг ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?*

Савол: *унга нисбатан қандай маъмурий жазо чораларини қўллаш мумкин?*

2-масала

Арнасой туманининг ҳокимиятида бўлган йиғилишда ИИБ ҲООБ бошлиғи подполковник Р. Ҳошимов барча фермер хўжалиklarининг раисларига ўзларига тегишли экин майдонлари, шунингдек йўл ёқаларидаги ариқ четларида ўсиб ётган ёввойи наشا ўсимлигини йўқ қилиб юбориш чораларини кўришлари кераклигини тайинлади. Огоҳлантирилишига қарамасдан, «Норбой ота» фермер хўжалигининг раиси фуқаро О. экин майдонларининг четларида ўсиб ётган ёввойи нашаларни йўқ қилишнинг чораларини кўрмади.

Топшириқ: *фуқаро О.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фермер хўжалигининг раиси қандай жавобгарликка тортилиши мумкин?*

3-масала

Кўйлик бозори ёнидаги автомобиль тўхташ жойида тўхтаб турган ВАЗ-2101 русумли, давлат рақами 01 А557АА бўлган автомобиль ЙПХ ходимлари томонидан текширилди. Текширув натижасида ушбу автомобиль фуқаро А.га тегишлилиги, автомашинанинг ойналари давлат стандартлари талабларига зид қорайтирилган ҳолда эканлиги аниқланди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро А.ни қандай жавобгарликка тортиши мумкин?*

4-масала

Фуқаро Б. ўртоғи фуқаро Ж. билан бирга «Барлос» кафесига бориб, унинг туғилган кунини нишонлади, зиёфат вақтида фуқаро Б. 200 гр. алкоголь ичимлиги истеъмол қилди ва зиёфат тугагач, ўзига тегишли автомашинани бошқариб, уйига йўл олди. «Буюк Ипак йўли» кўчасида хизмат олиб бораётган ЙПХ ходими сержант К. Эшонов фуқаро Б. бошқараётган автомобилга тўхташ ишорасини берди. Фуқаро Б. ЙПХ ходимининг талабини бажариб, автомашинани тўхтатиб, ҳужжатларини тақдим қилди ва шу вақтда ЙПХ ходими К. Эшонов ҳайдовчи Б.нинг спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини аниқлади.

Топшириқ: *фуқаро Б.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *ҳайдовчининг мастлигини аниқлашнинг қандай ҳуқуқий тартибини биласиз?*

5-масала

Самарқанд шаҳридаги Сартепо даҳасида яшовчи фуқаро Б. «Сиёб» бозоридан нарса харид қилиш учун кўшниси фуқаро Х.га тегишли «Москвич-412» русумли автомашинани ҳеч қандай ҳужжатларсиз ноқонуний бошқариб кетаётган вақтида, унга ЙПХ ходими Ж. Аминов тўхташ ишорасини берди, ҳайдовчи фуқаро Б. автомашинани йўл четига тўхтатди ва бошқарувидаги автомобиль ўзига тегишли эмаслигини айтди.

Савол: *фуқаро Х.га нисбатан қандай чора кўрилади?*

6-масала

Фуқаро Т. ўзига тегишли «Матиз» русумли автомашинани бошқариб кетаётганида, ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширилди. Текширув давомида ушбу автомашинанинг давлат рақами давлат стандартига мос келмаслиги аниқланди.

Савол: *ушбу фуқаро МЖТКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортилади?*

7-масала

Фуқаро Ш. ўзига тегишли «Лассети» автомашинасини бошқариб кетаётганида, ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилди ва автомашинага уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмалар ўрнатилганлиги аниқланди.

Савол: *ушбу фуқаро МЖТКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортилиши лозим?*

8-масала

Фуқаро П. шахсий уйини иситиш мақсадида маҳалла қўмитасининг раисини оғзаки хабардор қилиб, уйи яқинидан ўтган газ тармоғига ўзбошимчалик билан қўшимча иситиш қурилмасини улаб, уни қўшган.

Топшириқ: *фуқаро П.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

9-масала

Фуқаро Қ. бошқараётган транспорт воситаси ЙПХ инспектори томонидан тўхтатилиб текширилганда, бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатсиз уни бошқараётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатга фуқаро Қ.нинг отаси С. ўғли ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун таҳсил олаётганлигини ва уни машина ҳайдашга ўргатаётганлигини айтиб, эътироз билдирди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро Қ.нинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиси борми? Маъмурий жавобгарликка кимни тортиши мумкин?*

4-маишғулот

1-масала

Фуқаро Ш. от-аравада кетаётиб, уни бошқара олмай, фуқаро А.га қарашли дала ҳовлининг томорқасига экилган теракларга шикаст етказди. Ушбу ҳолатга фуқаро Ш. отининг ҳуркиб, йўлдан четга чиқиб кетганлигини ва ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик содир этмаганлигини айтиб, эътироз билдирди. Фуқаро А. келтирилган зарарни ундириш учун судга мурожаат қилди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга юридик баҳо беринг.*

Савол: *ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарлик аломатлари борми, агар бор бўлса, қайси моддага асосан жавобгарлик белгиланади?*

2-масала

Фуқаро Р. Бағдод тумани маъмурий ишлар бўйича судига гувоҳ сифатида чақирилганда, ҳеч қандай сабабларсиз суд мажлисига келишдан бош тортди.

Топшириқ: *фуқаро Р.нинг ҳаракатида ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро Р.ни жавобгарликка тортиши мумкинми?*

3-масала

«Ўзбекдон» масъулияти чекланган комбинат директори Ш. суд мажлисида халқ маслаҳатчиси бўлиб қатнашаётган комбинат ишчиси фуқаро Х.нинг судга боришига тўсқинлик қилди.

Савол: *бу ҳолат юзасидан қандай чора кўрилади?*

4-масала

Фуқаро Ш.нинг биринчи қаватда яшовчи қўшниси Х. унинг айвони томондан ёзда ўтиришга мўлжалланган қўшимча хона қурганлиги туфайли маҳалла қўмитасининг раисига шикоят хати билан мурожаат қилди.

Савол: *фуқаро Х.нинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари борми?*

5-масала

Қўйлиқ кийим бозори ёнида фуқаро Ш.нинг эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассета ва дискларни ноқонуний тарзда сотиб ўтирганлиги аниқланди.

Топшириқ: *фуқаро Ш.нинг ҳаракатида ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Мирзо Улуғбек тумани, 2-Қорасув даҳасида жойлашган бозорчада фуқаро Н.нинг турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотаётганлиги аниқланди.

Савол: *фуқаро Н.нинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари борми?*

7-масала

Фуқаро Д. Юнусобод тумани жиноят ишлари бўйича судига гувоҳ сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган эди, лекин у судга боришга қасддан бўйин товлади.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга юридик баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро Д.нинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари борми?*

8-масала

Тошкент шаҳрининг Миробод тумани деҳқон бозори ёнида фуқаро А. ноқонуний валюта олибсотаридан 50 АҚШ долларини 95000 сўмга сотиб олаётган вақтда, Миробод туман ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Топшириқ: *жавобгарлик субъектларини кўрсатинг.*

5-маишгулот

1-масала

Фуқаро Ш.нинг бошқарувидаги 22-йўналиш бўйича қатновчи «РАФ» русумли кичик автобусга фуқаро С. манзилга етиб олиш учун чиқиб, ушбу транспортда сигарет чекди ва машинанинг ўриндиқларини унинг чўғи билан куйдирди.

Топшириқ: *фуқаро С.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *у қандай жавобгарликка тортилади?*

2-масала

Мирзо Улуғбек тумани 6-Қорасув даҳасида яшовчи фуқаро Б. «Роҳат» автосалонидан «Матиз» русумли автомабиль сотиб олиб, унга ишлаб чиқарган корхона кўйган товуш чиқарувчи ва ёритувчи мосламаларни олиб ташлади ва уларни ўзгартириб кўйди.

Савол: *фуқаро Б.нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик борми?*

3-масала

Тошкент–Самарқанд йўналиши бўйича қатновчи тезюрар поездда кетаётган йўловчи фуқаро Б. поезднинг белгиланмаган жойи, яъни ўз купесида сигарет чекиб ўтирган пайтида, вагон назоратчиси А. бу ҳолатни кўриб қолди.

Топшириқ: *фуқаро Б.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *у қандай жавобгарликка тортилади?*

4-масала

Кўйлик–ТТЗ йўналиши бўйича қатновчи трамвайнинг ҳайдовчиси фуқаро А. уни бошқариб кетаётган пайтда, чанқоғини қондириш учун

ичимлик ичиб, унинг бўш идишини трамвай ойнасидан шаҳарнинг кўчаларидан бирига улоқтириб юборди.

Топшириқ: фуқаро А.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

Савол: фуқаро А.ни қандай жавобгарликка тортиш мумкин?

6-масала

Фуқаро О. Чилонзор туманидаги Гафур Гулом номли истироҳат боғининг болалар майдончасидаги ўриндикда ўтириб, ўзи билан олиб келган елим халтачадан 1 дона шиша идишда спиртли ичимлик чиқарди ва уни шу жойда истеъмол қилаётганда, профилактика инспектори уни тутиб олди ҳамда жавобгарликка тортиш учун ҳужжатларни расмийлаштираётганда, фуқаро О.нинг 6 ой аввал худди шундай ҳуқуқбузарликни содир этиб, маъмурий жавобгарликка тортилгани аниқланди.

Топшириқ: фуқаро О.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

7-масала

Фуқаро Р. Алишер Навоий номли кўчада светофорнинг тақиқловчи қизил чироғи ёнганлигига қарамасдан, автомашинасини тўхтамасдан ўтиб кетди. Бу ҳолатни кўрган ЙПХ ходими сержант Р. Баротов унга тўхташ ишорасини берди, лекин ҳайдовчи Р. буни инобатга олмай, ҳаракатини давом эттирди.

Топшириқ: фуқаро Р.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Савол: фуқаро Р. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг қайси моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилади ва бундай ишларни қайси орган (мансабдор шахс) кўриб чиқиши мумкин?

6-машғулот

1-масала

Фуқаро Б. ов қилиш қондасини бузганлиги боис ички ишлар идораси томонидан унга ов қуроллари ва ўқ-дориларни сақлаш учун берилган рухсатнома бекор қилинди. У ҳуқуқбузарлик қуроли бўлган ов милтиғини пулини тўлаш шарти билан олиб кўйиш жазосига тортилди. Фуқаро Б. айбини тан олмасдан ов қуроли ва ўқ-дориларини сотишдан бўйин товлади.

Топшириқ: фуқаро Б.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

2-масала

Мирзо Улуғбек тумани ИИБга фуқаро С. ариза билан мурожаат қилди. Аризада ўзига тегишли фуқаролик паспортини йўқотиб қўйганлиги баён этилган.

Топшириқ: *фуқаро С.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-масала

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант А. Азизов ўзига бириктирилган ҳудудда «Арсенал» тадбири бўйича Овчилик жамиятига аъзо шахсларнинг ов қуролларини текшириш жараёнида фуқаро Б.га тегишли «ТОЗ-12» рақамли қуролнинг қайта рўйхатдан ўтказиш муддати ўтиб кетганлигини аниқлади.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *профилактика инспектори қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин?*

4-масала

Фуқаро А. муқаддам оғир жиноятларни содир этганлиги учун уч маротаба судланган, ҳозирги пайтда Мирзо Улуғбек тумани ИИБда маъмурий назоратда туради, 2009 йил 9 сентябрь куни соат 24⁰⁰ ларда уйдан чиқиб, ўртоғи фуқаро П.никига борган. У ерда ўртоғи билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтиргани ҳақида профилактика инспектори катта лейтенант А. Юнусов хабар топди ва бу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни тузди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро А. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг қайси моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим?*

11-мавзу. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР Тўғрисидаги ИШЛАРНИ Кўриб чиқишга ВАКОЛАТЛИ ОРГАН (МАНСАБДОР ШАХС)ЛАР

1-масала

Тошкент–Самарқанд йўналиши бўйича қатновчи 133-рақамли поездда Самарқанд шахрига кетаётган, 1983 йил туғилган, Самарқанд шахрида яшовчи фуқаро Т. купеда чекиш тақиқланганига қарамасдан, сигарет чеккани туфайли маъмурий жавобгарликка тортилди.

Савол: *ушбу маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қайси орган кўриб чиқиши мумкин?*

2-масала

Фуқаро З. ўрмон хўжалиги ҳудудида овчилик қилиб юриб, белгиланган ҳудуддан чиқиб, аҳоли яшаш пунктига ўтиб кетди, профилактика инспектори Ф. Ғаниев фуқаро З.га нисбатан тегишли ҳужжатларни тузиб, уни судга олиб чиқди. Суд ҳуқуқбузарлик қуролини мусодара қилиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги жарима жазосини тайинлади.

Савол: *судьянинг қарори қонунийми? Агарда қарор қонуний бўлса, унинг ижросини қайси орган амалга оширади?*

3-масала

Фуқаро Б. 20 август кунини маст ҳолатда фуқаро А.га енгил тан жароҳати етказди. Профилактика инспектори фуқаро Б.га нисбатан тегишли ҳужжатларни йиғиб, уни судга олиб чиқди. Суд фуқаро Б.га МЖТК 52-моддасининг 2-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорида жарима солди.

Савол: *жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини қайси орган таъминлайди?*

4-масала

Мирзо Улуғбек тумани ИИБнинг Жамоат тартибини сақлаш бўлими фаолиятига оид ҳужжатларни текшириш учун Ички ишлар вазирлигидан бир гуруҳ ходимлар келишди.

Савол: *бу қандай текширув ҳисобланади?*

5-масала

Фуқаро А. ўта оғир жиноятни содир этганлиги учун 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Фуқаро А. озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб, бўшатиладиган сўнг, унга ўзи яшаб турган туман суди томонидан маъмурий назорат ўрнатилди.

Савол: *суд томонидан ўрнатилган маъмурий назоратни қайси орган амалга оширади? Маъмурий назорат қанча муддатга ўрнатилиши мумкин?*

Фуқаролик ҳуқуқи

15-мавзу. ИШОНЧНОМА. ДАЪВО МУДДАТИ. МУЛК ҲУҚУҚИ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1-масала

«Бажарамиз» фирмасининг раҳбари фирма номидан «Ишонч» фирмаси билан маҳсулот сотиб олиш тўғрисидаги шартномани имзолашга фуқаро Абдуллаевга ишончнома берди. Фуқаро Абдуллаев «Ишонч» фирмаси билан шартнома тузиш мақсадида музокара олиб бораётганда, «Бажарамиз» фирмасининг раҳбари лавозимидан бўшатилиб, унинг ўрнига бошқа раҳбар тайинланди.

Савол: *фуқаро Абдуллаевга берилган ишончнома ўз кучини сақлаб қоладими?*

Топшириқ: *ишончноманинг бекор бўлиш шартларини айтиб беринг. Ишончноманинг турларини санаб беринг.*

2-масала

ЙҲХ инспектори транспорт воситасини тўхтатиб, ҳужжатларини текширганда, ҳайдовчи уни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома билан бошқариб юрганлигини, ушбу ишончнома бир ярим йил аввал берилгани ва амал қилиш муддати кўрсатилмаганини аниқлади.

Савол: *ЙҲХ инспекторининг ушбу ишончномани ҳақиқий деб ҳисоблаши учун асос борми?*

Савол: *ишончноманинг умумий амал қилиш муддати қанча?*

3-масала

Фуқаро Абдуллаев фуқаро Ҳамидовдан 2000 йилда бир йил муддатга 100000 сўм миқдорида қарз олиб, нотариусда расмийлаштирган эди. Фуқаро Ҳамидов қарзни «ўзи қайтарар», деган фикр билан сўрамасдан юраверди. 2005 йилда маблағдан қийинчилик туғилганда, фуқаро Абдуллаевдан қарзини сўради, лекин у пулни қайтариб беришнинг умуман иложи йўқлигини билдирди.

Савол: *берган пулни даъво қўзғатиш йўли билан олишга фуқаро Ҳамидовнинг ҳуқуқий асоси борми?*

Савол: *умумий даъвонинг муддати қанча? Даъво муддатининг тўхтатилиши ва узилиши деганда, нимани тушунасиз?*

4-масала

Фуқаро Абдуллаев «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли самолётда Тошкентга учиб келганида, унинг бир дона жамадони йўқолгани аниқланди. У жуда шошилгани боис, аэропорт маъмуриятига мурожаат этмади. Икки ой ўтгач, у вақт топиб, авиакомпания маъмуриятига бўлган воқеани баён этиб, мурожаат қилди ва тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Авиакомпания маъмурияти эса дарҳол мурожаат этмагани учун унинг даъвосини қабул қилмади.

Савол: *авиакомпания маъмуриятининг ҳаракати қонунийми?*

Савол: *даъво муддати қачондан бошланади?*

5-масала

Фуқаро Ҳамидова «LG» русумли кир ювиш машинасини харид қилган вақтида, дўкондан унга бир йил кафолат муддати берилгани тушунтирилган эди. Ўн ой ўтгач, кир ювиш машинаси ишдан чиқди. Фуқаро Ҳамидова оғир бетоб бўлиб, касалхонада уч ой ётиб қолди ва мурожаат қилган вақтда кафолат муддатидан бир ой ўтиб кетган эди.

Савол: *фуқаро Ҳамидова кафолат муддатидан фойдаланишига ҳақлими?*

Савол: *«LG» фирмаси кир ювиш машинасини тузатиб беришига мажбурми? Кафолат муддати истеъмолчига қандай ҳуқуқлар беради?*

16-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ БИТИМЛАР ВА ШАРТНОМАЛАР

1-масала

Археологик экспедициянинг бошлиғи қазилмалар олиб бориш пайтида 17 асрга мансуб тилла тангаларни топиб олди ва ушбу тилла тангаларни ўзи топгани боис шахсий мулкига айлантирди.

Савол: *археологик экспедиция бошлигининг ушбу ҳаракати қонунийми?*

Савол: *ҳазина тўғрисидаги қоидалар унга тегишлими? Ҳазина деганда, нимани тушунасиз ва унинг топилмадан фарқи нимада?*

2-масала

Фуқаро Абдуллаев тоғдан замбуруғлар териб, бозорда сотиш билан тирикчилик қилар эди. Ўша тоғнинг бағрида яшовчи фуқаро

Асқаров Абдуллаевдан ҳар кунги даромадининг 25 % ни ўзига беришини талаб қилди, чунки бу замбуруғлар унга ҳам тегишли экан.

Савол: *фуқаро Асқаровнинг Абдуллаевга қилган даъвоси ўринлими?*

Савол: *фуқаро Асқаровнинг ҳам ушбу замбуруғларда улуши борми?*

17-мавзу. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1-масала

Фуқаро Абдуллаев фуқаро Аҳмедовдан бир бош қорамол сотиб олди. Бир ой ўтгач, ушбу қорамолни фуқаро Аҳмедов фуқаро Эргашевдан ўғирлаб олиб, сотганлиги аниқланди.

Савол: *етказилган моддий зарар қандай тартибда ҳал этилади?*

2-масала

Фуқаро Абдуллаев фуқаро Ботировдан 100000 сўмга пулини бир ҳафта муддат ичида тўлаш шарти билан бир бош қўй харид қилди. Лекин бир ҳафтадан кейин ҳам, икки ой ўтгач ҳам фуқаро Абдуллаев қўйнинг пулини бермади. Шунда фуқаро Ботиров қўйини қайтариб беришни сўради, унга жавобан фуқаро Абдуллаев икки ой давомида боқишга кетган харажатларини тўласа, қўйини қайтариб беришини айтди.

Савол: *улар ўртасидаги низо қонуний қандай ҳал этилиши лозим?*

3-масала

Фуқаро Фозилов фуқаро Олимов билан автоуловини 1000000 сўмга савдолашиб, харид қилиш мақсадида 100000 сўм гаров берди, у билан бир ҳафта ичида қолган пулини тўлаб, шартномани расмийлаштиришни келишди. Аммо фуқаро Олимов уч кун ўтгач, автоуловини 1200000 сўмга бошқа шахсга сотиб юборди.

Савол: *фуқаро Фозилов ва Олимов ўртасидаги низо қандай ҳал этилиши лозим?*

4-масала

«Умар» хусусий қурилиш фирмаси фуқаро Абдуллаев билан унинг ҳовлисига чўмилиш ҳовузи қуриб бериш тўғрисида шартнома тузди. Қурилиш битирилгач, фуқаро Абдуллаев ҳовуз у айтган катталиқда

қурилмаганини важ қилиб, пулини тўламаслигини билдирди. Фирма фуқаро Абдуллаев айтган катталиқдаги ҳовузни қайтадан қуриб берса, пулини тўлашини айтди.

Савол: *ушбу низо қандай тартибда ҳал этилиши лозим?*

5-масала

Фуқаро Асқаров йўқотилган молини топгани учун 100000 сўм миқдорда мукофот ваъда қилиб, газетада эълон берди. Уч кун ўтгач, жинойт-қидирув бўлимнинг ходими фуқаро Ҳамидов йўқотган молни топиб келди.

Савол: *ЖҚБнинг ходими фуқаро Ҳамидовдан мукофот пулини талаб қилишга ҳақлими?*

6-масала

Фуқаро Абдуллаев «Сайёр» қурилиш фирмаси билан бир йил муддат ичида уй қуриб беришга шартнома имзолади. «Сайёр» фирмаси буюртмалари кўпайиб кетганлиги боис, уйни бир йилу 6 ойда битирди. Фуқаро Абдуллаев келишилган нархдан камроқ пул беришини айтди, чунки қурилиш муддати 6 ойгача чўзилиб кетган эди.

Савол: *фуқаро Абдуллаевнинг ҳаракати қонунийми?*

7-масала

Фуқаро Соттиев фуқаро Ҳамидовдан бир ой муддатга 1000000 сўм қарз олиб, гаров сифатида 2000000 сўмлик автоуловини бериб кетди ва нотариусда шартнома расмийлаштирилди. Икки ой муддат ўтгач, фуқаро Ҳамидов автоуловни ўзининг номига расмийлаштириб, мулкига айлантирди.

Савол: *фуқаро Соттиев олган қарзини икки ой ўтгач қайтариб берса, ўзининг автоуловини қайтариб олишга ҳақлими?*

Жинойт ҳуқуқи

18-мавзу. «ЖИНОЯТ» ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

1-масала

Фуқаро Ш. тунги пайт тахминан соат 01³⁰ ларда «Тико» русумли автомашинасида меҳмондорчиликдан уйига қайтаётганида, тезликни 80 дан оширмаслик кераклигини билатуриб, ўзига ортиқча ишонган ҳолда, яъни бу пайт йўлда ҳеч ким бўлмаслигини тахмин қилиб,

тезликни оширди, оқибатда йўлдан кесиб ўтаётган пиёдани уриб кетди, пиёда олган жароҳати натижадасида вафот этди. Ушбу ҳолат юзасидан суд фуқаро Ш.ни ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айблаб, жавобгарликка тортди.

Топшириқ: ушбу содир этилган қилмишдаги жиноят белгиларини аниқланг.

Савол: агарда фуқаро Ш. тезликни оширмаган ҳолда пиёдани уриб кетиб, у вафот этганда, жиноят белгилари мавжуд бўладими?

2-масала

«Умар» фирмасининг бошлиғи фуқаро А. фирмада котиба бўлиб ишлайдиган фуқаро Н.ни чақириб, бугун меҳмондорчиликка бирга боришини ва яқин ўртоғи фуқаро В. билан жинсий алоқада бўлиши кераклигини айтди. Агар В. норозилик билдирса, ишдан бўшатилишини ва эрига хотининг бузуқлик билан шуғулланиб юрибди, деган уйдирма гаплар айтиб, шарманда қилиш билан кўрқитди ҳамда жинсий алоқада бўлишга мажбур қилди. Ушбу ҳолат юзасидан суд фуқаро А.ни ЖКнинг 121-моддаси 1-қисми билан айблаб, жавобгарликка тортди.

Топшириқ: ушбу содир этилган қилмишдаги жиноят белгиларини аниқланг.

3-масала

Фуқаро М. ўртоғи фуқаро И. билан олдиндан тил бириктириб, ўзларига таниш бўлган фуқаро Д.нинг уйига тунда ниқоб кийиб кирдилар. Фуқаро Д.ни ошхона пичоғи билан кўрқитиб, уйдаги тилла тақинчоқларини беришини талаб қилдилар, натижада фуқаро Д. жонини сақлаб қолиш умидида барча тилла тақинчоқларини берди. Фуқаро М. ва ўртоғи И. воқеа жойидан яшириндилар. Ушбу ҳолат юзасидан суд фуқаро М. ва фуқаро И.ни ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми билан айблаб, жавобгарликка тортди.

Топшириқ: ушбу содир этилган қилмишдаги жиноят белгиларини аниқланг.

4-масала

Фуқаро А. акасининг ўғли Ш. билан ўз уйида овқат тайёрлаб, спиртли ичимлик истеъмол қилди. Натижада иккаласининг кайфи ошиб, жанжаллашиб қолдилар, шу пайт фуқаро А. стол устида турган ошхона пичоғини фуқаро Ш.нинг кўкрак қисмига уриб, тан жароҳати етказди. Ушбу ҳолат юзасидан экспертиза хулосасига асосланиб, суд

фуқаро А.ни ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортиб, тўрт йилу 7 ой муддатга озодликдан маҳрум этди.

Топшириқ: ушбу содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси турини аниқланг.

Савол: агарда суд иш ҳолатларини ўрганиб, фуқаро А.нинг ҳаракатини ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми билан квалификация қилганида, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тури қандай бўлар эди?

5-масала

Фуқаро Б. тунда қўшниси фуқаро А.нинг даласидан бир бош сигирини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинди. Тезкор суриштирув ишлари давомида ушбу жиноятни фуқаро Б. содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди. Суд томонидан фуқаро Б.нинг ҳаракати ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиниб, икки йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Топшириқ: содир этилган ушбу қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқланг.

Топшириқ: суд фуқаро Б.ни аввал ҳам худди шунга ўхшаш жинояти учун ҳукм қилинганини, хавfli рецидивист эканини назарда тутиб, унга ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандини қўллаб, беш йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этди. Ушбу содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини аниқланг.

6-масала

Фуқаро А. хотини фуқаро Л. билан жанжаллашиб, уни урди ва натижада ўлдириб қўйди. Шундан сўнг, хотинининг ўлимида ўзини айблаб, виждон азобида қийналиб, ИИБга мурожаат қилди. Тезкор суриштирув давомида ҳақиқатан ҳам фуқаро А. ушбу жиноятни қилганлиги аниқланиб, унинг қилмиши суд томонидан ЖК 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинди.

Топшириқ: содир этилган ушбу жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини аниқланг.

Савол: агарда фуқаро А.нинг хотини ҳомиладор бўлиб, шунга қарамасдан, уни ўлдирилганда ва суд фуқаро А.нинг ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “б” банди билан квалификация қилганда, бу ҳолат бўйича содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси қандай бўлар эди?

7-масала

Самарқанд шаҳрининг Наримонов кўчасидаги 12-уй, 3-хонадонда яшовчи фуқаро А.нинг ўз уйида ўлдирилиб кетилганлиги ҳақида ИИБга хабар берилди. Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида фуқаро А. укаси Б. томонидан қасддан ўлдирилганлиги аниқланди. Фуқаро Б. ўзини «Акамни ўзининг илтимосига биноан, оғир ва тузалмас касалликдан қутқариш мақсадида ўлдирдим», деган ваз билан оқлашга уринди, олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида аниқланишича, ҳақиқатан ҳам фуқаро Б. акасининг илтимосига биноан уни қасддан ўлдирган. Суд фуқаро Б.га ҳаракати учун ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан жавобгарлик белгилади.

Топшириқ: *содир этилган ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқланг.*

Савол: *агарда фуқаро Б. акасининг қимматбаҳо буюмларига эгалик қилиш мақсадида ўлдирганда ва бу ҳолат бўйича суд фуқаро Б.ни 97-модданинг 2-қисми “и” банди билан жавобгарликка тортганда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қандай бўлар эди?*

8-масала

Фуқаро П. хотинига хизмат сафари билан Россия Федерациясига бораётганлиги ҳақида маълум қилиб, тезда нарсаларини йиғиштириб, уч-тўрт кун ичида қайтишини айтди ва уйдан чиқиб кетди. Об-ҳаво ёмонлиги сабабли Россия Федерациясига учадиган авиарейс эртанги кунга қолдирилди, шунда фуқаро П. ноилож уйига қайтди. Фуқаро П. уйига қайтганда, мудҳиш воқеанинг устидан чиқиб қолди, яъни унинг хотини бегона эркак билан бирга ярим ёланғоч ҳолатда ётганини кўрди. Шу пайт фуқаро П. кучли рухий ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйди. Натижада хотинини қўлига тушган нарса билан урди, оқибатда хотини воқеа жойида жон берди. Ушбу ҳолат бўйича фуқаро П. ЖКнинг 98-моддаси асосида жавобгарликка тортилди.

Савол: *содир этилган ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қандай?*

19-мавзу. «ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК» ТУШУНЧАСИ ВА АСОСЛАРИ. «ЖИНОЯТ ТАРКИБИ» ТУШУНЧАСИ

1-масала

Фуқаро Н. фуқаро А.нинг кўнглини олиб, у билан жинсий яқинлик қилишга ҳаракат қиларди, аммо фуқаро А. рози бўлмасди. Шунда

фуқаро Н. ўз мақсадига алдов йўли билан эришмоқчи бўлди. У фуқаро А.га ФХДЁга никоҳдан ўтиш учун ариза беришни таклиф қилди. Шундан сўнг, фуқаро А. у билан жинсий яқинлик қилишга рози бўлди, қулай вазиятдан фойдаланган фуқаро Н. ўз мақсадига эришгач, фуқаро А. билан никоҳини қайд эттиришдан воз кечди. Натижада фуқаро А.нинг ота-онаси прокурордан фуқаро Н.нинг алдов йўли билан қизнинг номусига теккани учун жиноий жавобгарликка тортишини сўраганлар.

Савол: *фуқаро Н.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.*

2-масала

Ўз жонига қасд қилган 18 ёшли талаба фуқаро С. ўлими олдидан қолдирган хатида фожеага курсдоши фуқаро А.нинг айбдорлигини, чунки унинг ҳомиладорлигини билгач, никоҳни қайд эттиришдан воз кечганлигини ёзган.

Жабрланувчининг ота-онаси қизининг ўзини ўзи ўлдириш даражасига олиб боргани учун фуқаро А.ни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилмоқдалар. Фуқаро А. эса уйланишга ота-онаси рухсат бермаганлигини айтди.

Савол: *фуқаро А.ни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос борми?*

3-масала

Тузалмайдиган хасталик билан тўшакда ётиб қолган фуқаро С. ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлди, аммо бошқа кишининг ёрдамсиз у бу ишни қила олмас эди. Шундан сўнг, фуқаро С. юқоридаги сабаб билан дўсти фуқаро Р.дан илтимос қилди. Фуқаро Р. дўсти С.нинг қийналиб ётганини кўриб, илтимосни рад этолмай рози бўлди, электр симидан сиртмоқ ясаб, уни фуқаро С. ётган кроват орқасига боғлади ҳамда сиртмоқни фуқаро С.нинг бўйнига тақишига ёрдам берди ва хайрлашиб жўнади. Шундан сўнг, жабрланувчининг хотини эрининг ўзини ўзи ўлдиришига ёрдам бергани учун фуқаро Р.ни жиноий жавобгарликка тортишни сўраб, тегишли органга мурожаат қилди.

Топшириқ: *фуқаро Р.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-масала

Фуқаро А. фуқаро Т.га 50000 сўм пул бериб, фуқаро Б.ни қаттиқ дўппослашга кўндирди. Терговчи жабрланувчига етказилган оғир шикастни эътиборга олиб, фуқаро А.нинг ҳаракатини ЖК 28-моддасининг 3-қисми ва 105-моддасининг 1-қисми билан квалификация

қилди. Ҳимоячи эса фуқаро А.ни жиноий жавобгарликка тортиш асосланмагани, унинг ҳаракатида ЖК 105-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятнинг барча белгилари йўқ, деган фикрни айтиб, ЖКнинг 16-моддаси 2-қисмини асос қилиб кўрсатди.

Савол: *ҳимоячининг фикри қонунийми?*

5-масала

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи эр-хотин фуқаролар Д. ва У. саёҳатчи сифатида чет давлатга бориб, у ердан турли маҳсулотларни сотиб олганлар ҳамда уларни тан-нардда фойдаси билан Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ўтказганлар. Лекин бундай савдо фаолияти билан шуғулланишга эр-хотиннинг рухсатномаси йўқ эди.

Топшириқ: *бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Туман суди фуқаро В.ни ЖКнинг 107-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 15 % ни ушлаб қолган ҳолда, икки йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди. ЖКнинг 72-моддасига кўра, суд ҳукми икки йиллик синов муддати билан шартли, деб топди. Жабрланувчининг фикрича, суд фуқаро В.га нисбатан шартли ҳукми асоссиз қўлади, чунки у бундан олдин озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланган эди.

Савол: *жабрланувчининг фикри асослими?*

Савол: *туман суди фуқаро В.га қандай жазо бериши лозим?*

7-масала

Фуқаро А. ЖКнинг 134-моддасига асосан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган. ЖКнинг 72-моддасига асосан суд ҳукми уч йиллик синов муддати билан шартли, деб белгилади.

Савол: *фуқаро А.га нисбатан у содир этган жиноятнинг таркибини ҳисобга олиб, шартли ҳукми қўлаш қонунга асосланганми?*

Топшириқ: *суднинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

8-масала

Туман суди фуқаро Т.ни ЖКнинг 120-моддасига асосан уч йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Ҳукм чиқарилган кундан бир йил ўтгач, ЖКнинг 72-моддасига асосан юқори турувчи

суд фуқаро Т.нинг ўталмаган муддатини уч йиллик синов муддати билан шартли, деб белгилади.

Савол: юқори суд шартли ҳукм қилиш қоидаларига амал қилдимми?

Топшириқ: туман судининг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

9-масала

2007 йил 20 апрелда фуқаро Б. ЖКнинг 132-моддаси 1-қисмида кўрсатилган, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдордаги жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланадиган жиноятни содир этди, аммо жиноят очилмади.

Топшириқ: бу жиноят бўйича жиноий жавобгарликка тортиш муддатини аниқланг.

Топшириқ: Ушбу жиноят номаълум шахслар томонидан содир этилганда, жавобгарликка тортиш муддатини аниқланг.

10-масала

Туман суди фуқаро Г.ни ЖКнинг 130-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка (порнографик нарсаларни тайёрлашда айблаб) тортиб, иш ҳақидан 30 % ни ушлаб қолган ҳолда, икки йил ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилган эди. Жазони ижро этиш бошланганидан икки ой ўтгач, фуқаро Г. иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Шу сабабли жазодан озод қилиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилди.

Савол: фуқаро Г.нинг илтимосномаси қонунийми?

20-мавзу. ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

1-масала

Кимсасиз кўчада кечки пайт фуқаро Р. фуқаро А.ни тўхтатиб, уни пичоққа ўхшаш қурол билан кўрқитиб, номусига тегди. Уч кундан кейин фуқаро А. эри ва унинг ўртоқлари билан фуқаро Р.ни ушлаб, ички ишлар органининг ходимларига топширдилар. Прокуратура терговчиси фуқаро Р.нинг ҳаракатини ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми билан квалификация қилди.

Топшириқ: ушбу жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.

2-масала

Фуқаро Ш. ва фуқаро К. енгил автомашиналарни ўғирлаш билан шуғулланишга аҳд қилдилар. Қулай машина топиб, эгасидан уларни

айтилган манзилга олиб боришни илтимос қилдилар. Фуқаро Ш.нинг илтимоси билан ҳайдовчи автомашинани кимсасиз кўчада тўхтатганда, фуқаро К. унинг бўйнига сиртмоқ солди. Ҳушини йўқотган ҳайдовчини йўл ёқасига ташлаб, ўзлари ўғирлаган автомашинада жўнаб кетдилар. Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, ҳужум вақтида ҳайдовчига ўртача оғирликдаги шикаст етказилган.

Топшириқ: *фуқаро Ш. ва фуқаро К. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.*

3-масала

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган безорилик жинояти судда кўрилаётган вақтида, сохта гувоҳ фуқаро Ж. судланувчи мазкур ҳаракатда қатнашмаганини, бу вақтда фуқаро Ж. у билан бирга балиқ овида бўлганлигини айтди. Қўшимча текширувлар натижасида фуқаро Ж. судланувчининг қариндошларининг илтимосига кўра, ёлғон гувоҳлик берганлиги аниқланди.

Топшириқ: *фуқаро Ж. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.*

4-масала

Автожамланманинг навбатчи механиги фуқаро Э. кўтарма кран ҳайдовчиси фуқаро А. ни маст ҳолатдалиги учун ишдан четлатди. Фуқаро А. навбатчи механикнинг хизмат хонасига бостириб кирди, уни жамланма хизматчилари олдида ҳақорат қилиб, юзига бир неча марта урди, ёзув столини ағдариб ташлади, китоб жавони ва дераза ойналарини синдирди. Терговчи фуқаро А.нинг ҳаракатини ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилди.

Топшириқ: *фуқаро А. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.*

5-масала

Фуқаро И. алдов йўли билан 68 ёшли фуқаро М.нинг уйига кириб, жабрланувчининг қўл-оёғини боғлаб, оғзига елимли қоғоз ёпиштириб, қимматбаҳо буюмларини олиб чиқиб кетган. Воқеадан тахминан уч соат кейин жабрланувчига ёрдам кўрсатилган. Терговчи фуқаро И.нинг ҳаракатини ЖК 166-моддасининг 3-қисми «в» банди билан квалификация қилди.

Топшириқ: *фуқаро И.нинг қилмишида кўрсатилган жиноятнинг объектив белгиларини аниқланг.*

6-масала

Фуқаро С. акасининг ўғли фуқаро М. билан ўзининг уйида биргаликда дам олиш мақсадида овқат пишириб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирди. Натижада иккаласининг кайфи ошиб, жанжаллашиб қолдилар. Шу пайт фуқаро С. стол устида турган ошхона пичоғини олиб, фуқаро М.нинг кўкрак қисмига уриб, оғир тан жароҳати етказди.

Тошириқ: *ушбу содир этилган қилмишда жиноят предметини аниқланг.*

7-масала

Фуқаро М. кўшниси фуқаро И.нинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тунда уникига ғайриқонуний равишда кириб, бир дона телевизор ва бир дона гиламини ўғирлаб кетди. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро И. ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Ички ишлар идоралари ходимлари тезкор қидирув ва суриштирув ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни кўшни фуқаро М. содир этганлигини аниқлаб, ўғирлаб олинган нарсаларни топди.

Тошириқ: *ушбу содир этилган қилмишда жиноят предметини аниқланг.*

8-масала

Фуқаро М. ва ўртоғи фуқаро И. ўзаро олдиндан тил бириктириб, ўзларига таниш бўлган фуқаро Д.нинг уйига тунда ниқоб кийиб кирдилар. Фуқаро Д.ни пичоқ билан кўрқитиб, уйида бор бўлган тилла тақинчоқларини беришини талаб қилдилар, фуқаро Д. жонини сақлаб қолиш умидида барча тилла тақинчоқларини берди. Тилла тақинчоқларни олган фуқаролар М. ва И. жинсий эҳтиёжни қондириш мақсадида унинг номусига тегиб, воқеа жойидан яшириндилар.

Тошириқ: *ушбу содир этилган қилмишда жиноят предметини аниқланг.*

9-масала

Андижон вилоятида яшовчи фуқаро А. пул топиш мақсадида Жиззах вилоятига кетишини ўғай акаси фуқаро З.га айтиб, агар хоҳласангиз бирга ишлаб келамиз деб, уни шерик қилиб олмоқчи бўлди. Шундан сўнг, ўғай ака рози бўлиб, уйдаги сигир-бузоғини сотди ва улар йўлга чиқдилар. Жиззах вилоятига етиб келгач, дала шийпонига жойлашдилар. Укаси фуқаро А. акаси фуқаро З.нинг пулини олиш учун ичириб, маст қилди, ухлаб ётган жойида болта

билан уриб, ўлдирди ва акасининг чўнтагидаги бор пулини олиб, жиноятни яшириш мақсадида жасадни даланинг четига судраб бориб, кўмиб ташлади.

Тошириқ: *ушбу содир этилган қилмишда жиноят предметини аниқланг.*

10-масала

Фуқаро М. кўчада кетаётиб, бекатда турган енгил автомашинанинг олдига борди, киракашга манзилига олиб бориб қўйишини сўраб, нархини келишди. Йўлда кетаётган вақтда киракаш дўконга кириб чиқишини айтиб, кириб кетди. Фуқаро М. калит машинада қолганлигини кўриб, қасди пайдо бўлди ва машинани ўт олдириб, манзилига етиб олиш учун олиб қочиб кетди.

Тошириқ: *ушбу содир этилган қилмишда жиноят предметини аниқланг.*

11-масала

Фуқаро С. маст ҳолатда кўшнисини фуқаро И.никига қарз сўраб кирди. Кўшнисининг уйида 5 ёшли ўғлидан бошқа ҳеч ким йўқлигини билган С. сервантдаги биллур гулдонни олиб, қўйнига яшириб чиқиб кетди.

Тошириқ: *фуқаро С. содир этган жиноятнинг объектив томонини аниқланг.*

12-масала

Фуқаро А. уйдан иш билан чиқиб кетаётиб, 72 ёшли кўшнисидан майдончада ўйнаётган тўрт ёшли ўғли фуқаро А.га қараб туришни сўради. Кўшнисини фуқаро М. рози бўлиб, болани уйига олиб кирди. Фуқаро М. ошхонада иш билан машғул бўлган вақтда, фуқаро А. меҳмонхонада ўйнаётиб, қўли билан очиқ электр симини ушлади ва ток уриб, вафот этди. Фуқаро А. фуқаро М.ни ЖКнинг 117-моддаси билан жинойий жавобгарликка тортилишини талаб қилди.

Тошириқ: *фуқаро М. содир этган жиноятнинг объектив томонини аниқланг.*

13-масала

Фуқаро П. фуқаро С.га уйланди. Фуқаро С.нинг биринчи турмушидан бўлган ўғли фуқаро Б. ўғай отасини менсимай кўполлик қилар, унинг устидан кулар эди. Фуқаро Б.дан хафа бўлган ўғай ота фуқаро П. бир неча марта уни тартибга чақирди. Фуқаро Б. ота-онасидан мотоцикл сотиб олиб беришларини сўради, унинг 16 ёшга тўлмаганлиги сабабли илтимоси бажарилмади. Бир куни кутилмаганда

фуқаро П. ўзининг шахсий пулига фуқаро Б.га мотоцикл сотиб олиб келди. Орадан кўп вақт ўтмай, фуқаро Б. автоҳалокатга учраб, вафот этди. Фуқаро С. эса эри фуқаро П.ни жиноий жавобгарликка тортишни сўраб ИИБга мурожаат қилди. Унинг фикрича, фуқаро П. фуқаро Б.га мотоциклни қасддан, уни ўлдириш учун олиб берган.

Тоширик: *фуқаро П.нинг ҳаракати билан фуқаро Б.нинг ўлимидаги сабабий боғланишни аниқланг.*

14-масала

Фуқаро А. кийим дўконига кириб, у ердаги кастюмни кийиб кўриш хонасида чопонининг ичидан кийиб, ҳеч ким кўрмади дея ўйлаб, чиқиб кетмоқчи бўлганида, уни кузатиб турган сотувчи томонидан тўхтатилди. Терговчи фуқаро А.нинг қилмишини ЖК 25-моддасининг 2-қисми ва 166-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи эса фуқаро А.нинг ҳаракатини ЖК 25-моддасининг 2-қисми ва 169-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш лозимлигини таъкидлади.

Тоширик: *бу қилмишда жиноят содир этиши усулини аниқланг.*

15-масала

Фуқаро С. трамвайда тик туриб кетаётган эди. У пул олиш учун кўлини чўнтагига солганида, трамвай ҳайдовчиси қаттиқ тормоз берди. Йиқилишдан кўрқиб фуқаро С. тутқични ушламоқчи бўлди, аммо кўли ёнида турган аёлнинг кўзига тегиб, ўртача оғир шикаст етказди.

Савол: *фуқаро С.нинг ҳаракатида ЖКнинг 105-моддасидаги жиноят белгилари борми?*

21-мавзу. ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

1-масала

Яшаш жойи номаълум 13–14 ёшли ўсмир киссавурликка суиқасд қилгани учун ушланди. Ўзини фуқаро О. деб таништирган ўсмир ёши, турар жойи, туғилган кунини айтиб беролмаслиги сабаб терговчи унинг ёшини аниқлаш учун суд тиббиёт экспертизасига юборди. Экспертлар хулосасида фуқаро О.нинг ёши 13–14 да эканлиги маълум бўлди.

Савол: *ушбу ҳолат бўйича фуқаро О.ни ЖК 169-моддасининг 2-қисми ва 25-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиши мумкинми?*

2-масала

Фуқаро П. 10 ёшли фуқаро А. билан бесоқолбозлик қилмишини содир этди. Терговчи фуқаро П.ни ЖКнинг 120-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортди. Фуқаро П.нинг ота-онаси ўғлининг руҳан соғлом эмаслиги сабабли жиноий жавобгарликка тортиб бўлмаслигини айтдилар. Экспертлар фуқаро П.ни текшириб, уни руҳан соғлом, аммо ақлий жиҳатдан ўз тенгдошларидан бир-икки йил орқада эканлиги ҳақида хулоса бердилар.

Савол: *ушбу ҳолатда фуқаро П. қилган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортиладими?*

3-масала

ЖКнинг 210-моддаси билан айбланиб, тергов қилинаётган фуқаро С.нинг ноодатий ахлоқи терговчини суд тиббий экспертизасини тайинлашга ундади. Экспертлар фуқаро С.нинг айни вақтда чуқур депрессияда эканлигини, бу ҳол жиноий жавобгарликка тортилиши ва камокқа олиниши билан боғлиқлиги, у ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олмаслиги ҳақида хулоса бердилар. Фуқаро С.ни ақли норасо деб ҳисоблаб, терговчи ЖКнинг 18-моддасига асосан жиноий ишни тўхтатди ва уни озод қилди.

Савол: *терговчининг ушбу ҳолат юзасидан чиқарган қарори қонунда асосланганми?*

4-масала

Тошкент темир йўл станциясида фуқаро Ч. Тошкент–Москва йўловчи поездининг вагон кузатувчиси фуқаро С.дан хотини ва ўзига Москвагача тамбурда кетишларига рухсат беришини сўради. Бунинг учун вагон кузатувчисига 1000 Россия рубли берди. Терговчи бу қилмиш бўйича фуқаро С.ни ЖКнинг 210-моддаси, фуқаро Ч. ни ЖКнинг 211-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортди.

Савол: *ушбу ҳолат бўйича фуқаро С.ни ЖКнинг 210-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиши қонунда асосланганми?*

5-масала

Ўрта мактабнинг ўқувчилари 12 ёшли Я. ва 13 ёшли Б. чақимчилиги учун синфдоши И.ни жазолашга қарор қилдилар.

И.нинг сувда суза олмаслигини била туриб, бундан фойдаланмоқчи бўлдилар. Бир куни Я. ва Б. И.ни автомашинанинг камерасида сузиш учун анҳорга таклиф қилдилар. И. камерада соҳилдан узоқлашгач, Я. ва Б. камеранинг клапинини очиб, ҳавосини чиқариб юбордилар, натижада И. чўкиб кетди. Терговчи Я. ва Б.нинг ҳаракатини ЖК 97-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилди.

Савол: *ушбу ҳолат юзасидан терговчининг айбланувчиларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда чиқарган қарори тўғрими?*

6-масала

Фуқаро Б. ёшлар кечасига кетиш мақсадида ва бундан касал эрини ранжитмаслик учун унга ухлатадиган дори беришга қарор қилди. Шифокор фуқаро Б.га ухлатувчи дори билан эҳтиёткор муносабатда бўлишини, эрининг касалига дорининг чораги ҳам таъсир қилиб, оғир оқибатга олиб келишини уқтирган эди. Аммо фуқаро Б.да кечага бориш истаги шунчалик юқори эдики, у дори кучли таъсир қилмайди, деб ишонди ва у берган юқори меъёрдаги дори таъсиридан эри вафот этди.

Топшириқ: *фуқаро Б. эрининг ўлимида айбдорми? Айбдор бўлса, айб шаклини аниқланг.*

7-масала

Фуқаро М. ва фуқаро В. фирма биносидаги сейфда камида икки млн. сўм бор, деб ҳисоблаб, сейфни ўғирлаганлар. Аммо сейф очилганда, унинг ичидан 1565 сўм чиққан. Терговчи фуқаро М. ва фуқаро В.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 25-моддаси ва 169-модданинг 4-қисми «а» банди билан, яъни жуда кўп миқдорда ўғрилик қилишга суиқасд, деб квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича, фуқаро В. ва фуқаро М.нинг ҳаракатлари ЖК 169-моддасининг 2-қисми «в» банди билан, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўғрилик содир этиш (тамом бўлган жиноят), деб квалификация қилиниши лозим эди.

Савол: *бу борада сизнинг фикрингиз қандай?*

8-масала

Фуқаро Р.нинг уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида ака-ука фуқаролар И. ва С. билан уй эгаси фуқаро Р. ўртасида жанжал чиқди. Жанжал вақтида фуқаро И. ва фуқаро Р. кроват устига йиқилдилар. Электр лампочкаси синдирилганлиги

туфайли хонада ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Электр дазмол билан қуролланган фуқаро С. фуқаро Р. деб ўйлаб, акасининг бошига бир неча марта урди. Терговчи фуқаро С.нинг ҳаракатини ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи эса фуқаро С.нинг ҳаракатини ЖКнинг 102-моддаси билан квалификация қилиш лозимлигини айтди.

Топшириқ: *жиноятнинг субъектив томонини аниқланг.*

9-масала

Фуқаро Ф. ва фуқаро С. ўзлари ишлайдиган бирлашма кассасидан хизматчиларга ойлик маош бериш учун олиб келинган 8 млн. сўмни ўғирламоқчи бўлдилар. Қоровулни ухлатгач, фуқаролар Ф. ва С. касса биносига кириб, сейфни очдилар. У ерда 5300 сўм бор эди, холос. Терговчи фуқаролар Ф. ва С.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 25-моддаси ва 169-моддаси 4-қисми «а» банди билан, яъни жуда кўп миқдорда ўғрилик қилишга суиқасд деб, квалификация қилди.

Топшириқ: *жиноятнинг субъектив томонини аниқланг.*

10-масала

Ички ишлар идорасининг ходими лейтенант М. оилавий жанжал вақтида хотинини кўрқитмоқчи бўлди. Шу мақсадда М. сохта ғазаб билан ўқланмаган, деб ўйлаган тўппончасини хотинига қаратди. Фуқаро М. кутмаганда тўппонча отилди, аммо ўқ тегмади. М.нинг қайнонаси туман ИИБ бошлиғига М.ни қизининг ҳаётига суиқасд қилган, деб жиноий жавобгарликка тортишни сўради.

Топшириқ: *фуқаро М.нинг субъектив томонини аниқланг.*

22-мавзу. «ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ» ВА «ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК» ТУШУНЧАЛАРИ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

1-масала

Шаҳар касалхонасининг санитарии фуқаро А. катта ҳамширанинг хонасидаги шкафда 10 та ампула морфий борлигини билиб қолди. Тунда навбатчилик пайтида у шу хонага кириб, шкафнинг қулфини бузди ва сотиш мақсадида барча ампулаларни олиб кетди. Бироқ уйига келиб, у ампуладаги морфий эмас, балки муолажа учун мўлжалланган оддий анальгин эканлигини аниқлади.

Топшириқ: *жиноят содир қилиш босқичини аниқланг.*

2-масала

Завод кассасига ишчиларга иш хақи тўлаш мақсадида олиб келинган катта миқдордаги пулдан хабардор бўлган фуқаролар Ш. ва У. шу пулларни ўғирламоқчи бўлдилар. Тунда улар завод кассасига кириб, сейфни буздилар. Лекин сейфда фақат 500 сўм пул бор эди. Улар пулни олмадилар. Судда фуқаролар Ш. ва У. сейфни бузганликларини, лекин у ердаги пулни олмаганликларини айтдилар.

Топшириқ: *жиноят содир қилиш босқичини аниқланг.*

3-масала

Фуқаро Ғ. ГАЗ-53 автомобили билан ўлдириш мақсадида илгаридан келишмай келган фуқаро Х.ни уриб кетди. Фуқаро Х. уч кундан кейин рақ касаллиги билан вафот этди. У ушбу воқеа бўлишидан илгари рақ касалига чалинган эди.

Топшириқ: *жиноят содир қилиш босқичини аниқланг.*

4-масала

Ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан ушланган фуқаро А.нинг чўнтагидан ниқоб ҳамда Макаров пистолети топилди. Сўроқ пайтида фуқаро А. кичик корхонага босқинчилик қилиш нияти борлигини айтди.

Топшириқ: *жиноят содир этиш босқичини аниқланг.*

5-масала

Пост-патруль хизмати ходими фуқаро А. ўзига бириктирилган ҳудудда айланиб юрганда, ёпиқ турган кийимлар дўконининг ичкарасида номаълум шахс юрганини сезиб қолди. Фуқаро А. зудлик билан дўкон эгасини чақирди, дўкон очилгач, ўғирлаган чарм куртка ва жинси шимни кийиб ичкарида турган фуқаро З.ни қўлга олди.

Топшириқ: *жиноят содир қилиш босқичини аниқланг.*

6-масала

Фуқаро Ч. хотини фуқаро А. билан жанжаллашди, уни уриб, оқибатда ўлдириб қўйди. Шундан сўнг, онаси Б.га қўнғироқ қилиб, бўлган воқеани айтди ва зудлик билан етиб келишини сўради. Онаси

келгандан сўнг, мурдани унинг ёрдамида яшириш мақсадида дала ҳовлисига кўмиб ташлади.

Савол: *ушбу жиноятда иштирокчилик мавжудми?*

7-масала

Фуқаролар И. ва С. кафедра бирга ўтиришиб, сўнг уйларига кетаётиб, кўчада иккаласи биров гаплашиб турдилар. Шу вақт уларга яқин жойда нотаниш, ёши каттароқ киши маст ҳолда уяли телефонида гаплашиб кетаётган эди. Фуқаролар И. ва С. шу кишини дўппослаб, унинг уяли телефонини олиб, воқеа жойидан яшириндилар.

Топшириқ: *ушбу жиноятда иштирокчилик шаклини аниқланг.*

Савол: *ушбу жиноятда фуқаро И.нинг ҳаракати иштирокчиликнинг қайси турига киради?*

8-масала

Туман марказидаги ун заводининг ишчилари фуқаролар Б. ва М. тунда завод омборхонасидан 50 қоп унни ўғирлаб чиқишди. Фуқаро Б. уни опаси фуқаро В.нинг уйига олиб борди, опасига бизга бу унни ойлик маошимиз ҳисобига беришди, ҳозирча сизникида турсин деб, ташлаб кетди.

Савол: *фуқаро Б.нинг опаси фуқаро В. ушбу жиноятда иштирокчи ҳисобланадими?*

Савол: *ушбу жиноятда фуқаро Б.нинг ҳаракати иштирокчиликнинг қайси турига киради?*

9-масала

Фуқаро Р. ёз вақтида қўшни туманга бориб мардикорчилик қилиб, уч ой вақт фуқаро А.никида ишлаб келди. Уйига қайтиб келгач, орадан биров вақт ўтиб, фуқаро Р. оила аъзолари, яъни ўғли, қизи ва хотинига тунда қўшни туманга, ўзи ишлаган фуқаро А.нинг дала ҳовлисига бориб, унинг қорамолларини биргаликда ўғрилаб келиш мақсадини айтди. Шундан сўнг фуқаро Р. қўшнисини фуқаро З.нинг уйига бориб, уни бор гапдан хабардар қилди, унинг автомашинасида бориб-келиши эвазига ўғирламоқчи бўлган қорамолларидан бирини беришини ваъда қилди. Натижада қўшнисини рози бўлгандан сўнг, ҳаммалари биргаликда бориб, ўз мақсадларини амалга оширдилар.

Топшириқ: *ушбу жиноятда иштирокчилик турларини кўрсатинг.*

Савол: *ушбу жиноятда қўшни фуқаро З. иштирокчи бўладими?*

10-масала

Фуқаро А. кўриқлаш бўлимининг кўриқчиси бўла туриб, навбатчилик вақтида фуқаро Р.ни ўғирлаган нарсалари билан ушлади ва қўйиб юборди, ўғридан олинган нарсаларни эса ўзлаштириб олди.

Савол: *ушбу ҳолатда жиноятда иштирокчилик мавжудми?*

11-масала

Фуқаро Г. фуқаро Т.га фол очиб, ишингизни юриштириб бераман деб, ундан тилла тақинчоқлар ва кўп миқдорда пул олиб, фирибгарлик билан шуғулланиб юрган. Натижада фуқаро Г. фуқаро Т.нинг аризасига биноан ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Тергов жараёнида фуқаро Г.нинг олдин ҳам фуқаролар С. ва А.ни ҳудди шу йўл билан алдаб, тилла тақинчоқлари ва пуллари олиганлиги аниқланди.

Топшириқ: *ушбу жиноятда бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.*

12-масала

Фуқаро А. уй ҳовлисида безорилик қилаётган фуқаро Р.ни учратиб қолди, унга қирқма милтиқ тираб, отди ва уни ўлдирди. Эртаси куни фуқаро А.ни ушлаш вақтида у ИИБ ходими фуқаро Ф.ни ҳақоратлаб, унга ўртача оғирликда шикаст етказди.

Топшириқ: *ушбу жиноятда бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.*

13-масала

Вилоят ИИБ кадрлар бўлимининг бошлиғи фуқаро И. фуқаро Т.га 150000 (бир юз эллик минг) сўм пул эвазига ишга жойлаштириб қўйишини айтди. Фуқаро Т. рози бўлди ва пулнинг ҳамма миқдорини бирдан беришининг иложи йўқлигини айтди. Фуқаро Т. уч ой мобайнида фуқаро И.га уч мартаба 50000 (эллик минг) сўмдан берган.

Савол: *ушбу жиноятда такрорийлик белгиси мавжудми?*

14-масала

Фуқаро Ж. қасддан одам ўлдиргани учун ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан озодликдан маҳрум этилиб, жазони ўтаб чиқиб, қайтадан яна қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этди ва ЖК 97-моддасининг 2-қисми, “г” банди билан айбланиб, 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Топшириқ: *ушбу жиноятда бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.*

15-масала

Фуқаро Ш. ўғрилиқ жиноятини содир этиб, озоддикдан маҳрум қилинди ва жазони ўташ жойидан қочиб кетиб, бир йил давомида яшириниб, икки маротаба ўғрилиқ ва бир маротаба номусга тегиш жиноятини содир этди.

Топшириқ: *ушбу жиноятда бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.*

23-мавзу. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ХОЛАТЛАР

1-масала

Фуқаролар С. ва М. дискотекада фуқаролар Г. ва П. билан танишиб қолишди. Қизларни фуқаро М.нинг хонадонига мусиқа эшитиш, ўйин-кулгу қилиш учун таклиф қилишди. Қизлар рози бўлишди. Спиртли ичимлик ичишгач, фуқаро С. фуқаро Г.ни ётоқхонага олиб кириб, номусига тегишга ҳаракат қилди. Фуқаро Г. қаршилиқ кўрсатди ва кучи етмаслигига ақли етгач, пардоз столи устидаги қайчини олиб, фуқаро С. нинг юзига урди, қайчи С.нинг кўзига тегди. Фуқаро С.га етказилган тан жароҳатини экспертлар оғир даражада, деб топди.

Терговчи бу ҳаракатни зарурий ҳимоя ошириб юборилган ҳолатдаги оғир тан жароҳати етказиш деб, яъни ЖК 107-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилди. Адвокатнинг фикрича, фуқаро Г. зарурий мудофаа ҳолатида бўлган.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-масала

Тошкент шаҳрининг йўлларида бирида фуқаро Ж. шахсий «Жигули» автомашинасини йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда бошқариб борар эди. Тўсатдан фуқаро Д. яқин масофадан йўлни маст ҳолда кесиб ўтди. Фуқаро Д.ни босиб кетмаслик учун фуқаро Ж. рулни дарҳол ўнгга бурди. Натижада автомобиль йўлакка чиқиб кетди ва ўтиб кетаётган пиёда фуқаро Г. ва унинг қўлидаги чақалоғини уриб юборди. Олинган тан жароҳатлари туфайли улар воқеа жойида вафот этдилар.

Терговчи фуқаро Ж.нинг ҳаракатини ЖК 266-моддасининг 3-қисми «а» банди билан, яъни йўл ҳаракати қондасини бузган ва одам ўлимига сабаб бўлган, деб квалификация қилди. Ҳимоячи эса фуқаро Ж.нинг охири зарурат ҳолатида бўлганини ва бу ЖКнинг 38-моддасига асосан қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат эканлигини таъкидлади.

Савол: *ҳимоячининг фикри қонуний асосга эгами?*

3-масала

15 ёшли фуқаро К. сотувчи фуқаро А.нинг вақтинчалик йўқлигидан фойдаланиб, пештахтадан эгилиб, сотувдан тушган пулнинг бир қисмини олиб қочмоқчи бўлди. Шу пайт иккинчи сотувчи фуқаро А. фуқаро К.ни ушлаб олиб, бошини икки марта деворга урган ва унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган. Терговчи фуқаро А.нинг ҳаракатини қасддан ўртача оғирликдаги шикаст етказиш деб, ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилган. Ҳимоячи фуқаро А. фуқаро К.ни ижтимоий хавfli қилмиш содир этаётган пайтида ушлаб олган ва унга нисбатан ЖКнинг 39-моддасини қўллаб, жиноий жавобгар эмас, деб топиш керак, деган фикрни илгари сурди.

Савол: *ҳимоячининг фикри қонуний асосланганми?*

4-масала

Давлат боғдорчилик хўжалигининг раҳбари фуқаро Р. маҳсулотларни реализация қиладиган вакили фуқаро А.га маҳсулотларни Россиянинг шарқий туманларига жўнатиш учун қандай йўл билан бўлса ҳам рефрижератор топишни буюрган. Фуқаро А. жавобгарлиги ўз бўйнида бўлган пулдан темир йўл станциясининг бошлиғига пора бериб, бу топшириқни амалга оширган. ЖКнинг 27-моддаси ва 211-моддасининг 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган фуқаро Р.нинг тушунтиришича, у фуқаро А.га шундай топшириқни беришга мажбур бўлган, чунки тайёрланган маҳсулот 12 кун давомида темир йўл станциясида турган ва сифатини йўқота бошлаган. Агар у бундай топшириқни бермаганида, хўжаликка катта миқдордаги моддий зарар етиши мумкин эди. Фуқаро А.нинг айтишича, у фақат хўжалик раҳбарининг буйруғини бажарган. Ҳимоячининг фикрича, фуқаро А. жавобгар эмас.

Топшириқ: *ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

5-масала

Шаҳар четидаги шосседа қарама-қарши йўналишлар бўйлаб иккита автомашина соатига 60–70 км тезликда келар эди. Биринчиси – юк автомашинасининг ҳайдовчиси фуқаро Р. гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилган, иккинчиси – «Жигули» ҳайдовчиси фуқаро Э. хотини ҳамда икки нафар ёш боласи билан бўлган. Фуқаро Р. йўл ҳаракати қондасига зид равишда фуқаро Э.нинг ёриткич орқали берган сигналига қарамай, автомашинани чап томондан ҳайдашда давом этган. Орадаги масофа 20–30 метр қолганда, фуқаро Э. машинани чап қаторга бурди, чунки ўнг томондаги йўл торлиги туфайли бурилишнинг иложи йўқ эди. Шу вақтда фуқаро Р. ҳам ўнг қаторга ўтди. Натижада автомобиллар тўқнашиб, «Жигули»га қаттиқ шикаст етди, йўловчилари ва ҳайдовчи фуқаро Э. ҳар хил даражадаги тан жароҳатлари олдилар.

Терговчи ЖК 266-моддасининг 1-қисмидаги аломатлар борлиги туфайли фуқаро Э.га нисбатан жиноят иши қўзғатди.

Ҳимоячининг хулосасича, фуқаро Э. ЖКнинг 38-моддасига мувофиқ, йўл ҳаракати қондасини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

Савол: *ҳимоячининг фикрида қонуний асос борми?*

24-мавзу. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

1-масала

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 2-қисми «а» ва «д» бандлари билан айбланаётган фуқарога суд 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, унинг беш йилини турмада ўташини тайинлади. Бундай қарорни суд фуқаро Н. қотилликни болта билан содир этиб, ўзини айбдор деб топмаганлиги билан асослади.

Савол: *суднинг ҳукми тўғрими?*

2-масала

Фуқаро М.нинг уйида содир этилган ўғриликни тергов қилиш жараёнида, уни безорилик жинояти учун айни пайтда жазо ўтаётган фуқаро Ч. содир этганлиги аниқланди. Ўғрилик безориликдан олдин содир этилган.

Савол: *ушбу ҳолат бўйича суд фуқаро Ч.га жазо тайинлаётганда, қандай қоидага амал қилиниши лозим?*

3-масала

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун фуқаро С.га энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан жарима солди, лекин унинг қарамоғида 7 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, белгиланган жарима миқдори 10 бараварга камайтирилди.

Савол: суд енгиллаштирувчи ҳолат деб, айбдорнинг кўп болалигини инобатга олиши мумкинми? Суднинг ҳукми тўғрими?

4-масала

Фуқаро Б. кўшнисининг сигирини ҳовлисида ўғрилаб олиб чиқаётганда, уй эгаси томонидан кўлга олинди. Суд уни ЖК 25-моддасининг 2-қисмига асосан 169-модданинг 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятга суиқасд қилганликда айбдор деб топиб, жазо сифатида уч йил муддат ахлоқ тузатиш иши ва ойлик иш ҳақининг 30 фоизини ушлаб қолиш жазосини тайинлади.

Савол: ушбу ҳолат юзасидан суднинг ҳукми тўғрими?

5-масала

Суд фуқаро М.га ЖК 97-моддасининг 2-қисми «п» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун, унинг 7 ой муддат дастлабки тергов қамоқхонасида сақланганини ҳисобга олмай, 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган.

Савол: суд фуқаро М.нинг 7 ой муддатда дастлабки тергов қамоғида сақланганини ҳисобга олишга мажбурми?

6-масала

Суд фуқаро И.ни ЖК 173-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятда айбдор, деб топди. Суд фуқаро И.ни беш ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд ҳукм чиқарган кун бу воқеага уч йилу беш ой бўлган эди. Ушбу ҳукм юзасидан прокурор протест келтирди.

Савол: ушбу ҳолатда прокурор ҳақми?

Топшириқ: ушбу ҳолатда суднинг ҳаракатини кўрсатинг.

25-мавзу. ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ. СУДЛАНГАНЛИК

1-масала

Суд фуқаро А.ни ЖКнинг 98-моддасида белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги учун ЖКнинг 67-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этди ва унга рухий касалликлар шифохонасида доимий назоратдаги мажбурий даволаниш тайинлади. 6 йил муддатдан сўнг, фуқаро А. соғайиб чиқди.

Савол: *суд фуқаро А.ни жиноий жаобгарликка тортишга ҳақлими?*

2-масала

Гидам ишлаб чиқариш фабрикасининг ишчиси фуқаро Р. нархи 120 минг сўмлик гидамни ўғирлади. Суд жараёнида меҳнат жамоси уни ижобий тавсифлади. Унинг айбига чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, суд идорасига фуқаро Р.ни жиноий жавобгарликдан озод қилишлари ҳақида илтимоснома ёзишди. Фуқаро Р.нинг илгари ҳам ЖК 169-моддасининг 1-қисми асосида судланганлигини инобатга олиб, суд илтимосномани рад этди.

Савол: *ушбу ҳолатда суд тўғри йўл тутдими?*

3-масала

Фуқаро Ж. ЖК 140-моддасининг 2-қисмида (ҳақорат қилиш) назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди. Жиноят ишини судда кўриш жараёнида жабрланувчи фуқаро Р. фуқаро Ж. билан ярашганлиги туфайли уни кечиришини айтди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари ва асосларини кўрсатинг.*

Савол: *ушбу ҳолатда фуқаро Ж.ни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкинми?*

4-масала

Илгари унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, судланган фуқаро Б.га нисбатан бир қоп шакар ўғирлагани (ЖК 169-моддасининг 1-қисми) учун жиноий иш қўзғатилгандан сўнг, у ўғирланган мулкни ихтиёрий равишда жабрланувчи М. Карамовга қайтариб, ундан кечирим сўради. Бироқ фуқаро М. у билан ярашишни истамади.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда чин кўнгилдан пушаймон бўлиши тўғрисида жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари ва асосларини кўрсатинг.*

Савол: *ушбу ҳолатда фуқаро Б.ни жиноий жавобгарликдан озод қилиши мумкинми?*

5-масала

Жиноят ишлари бўйича туман суди 2006 йил 28 майда фуқаро И.ни ЖК 207-моддасининг 2-қисмига кўра ҳукм қилди. ЖКнинг 74-моддасига асосан суд озодликдан маҳрум қилиш ҳукмини икки йиллик синов муддати билан шартли, деб топди.

Савол: *бу жиноят бўйича судланганлик ҳолати қачон тугалланади?*

6-масала

2007 йил 2 июнда туман суди фуқаро Ж.ни ЖК 166-моддасининг 3-қисмига кўра, 6 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Жазо муддатининг тўрт йили ўталгандан сўнг, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган икки йил жазо муддати муддатидан илгари шартли озод қилинганга алмаштирилди.

Савол: *бу жиноят бўйича судланганлик ҳолати қачон тугалланади?*

Савол: *бу муддатни қачондан бошлаб ҳисоблаш зарур?*

7-масала

Туман суди фуқаро Ф.ни ЖК 165-моддасининг 2-қисмига кўра, 8 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Жазонинг беш йили ўталганидан сўнг, ЖКнинг 74-моддасига асосан суд жазонинг қолган уч йилини иш ҳақидан 20 % ушлаган ҳолда, иш жойида икки йил ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирди.

Савол: *бу жиноят учун қанча муддат ўтгандан сўнг судланганлик ҳолати тугалланади?*

Савол: *бу муддатни қачондан бошлаб ҳисоблаш зарур?*

8-масала

Ўзбекистон Республикаси ЖК 187-моддасининг 1-қисмига асосан фуқаро О. туман суди томонидан тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Бир йил ўтганидан сўнг, фуқаро О. судга ўзидан судланганликни олиб ташлаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилди.

Савол: *ушбу ҳолат юзасидан фуқаро О.нинг илтимоси қондирилиши мумкинми?*

9-масала

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмига асосан туман судининг ҳукмига кўра фуқаро Э. энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараварига тенг миқдорда жарима билан жазоланди. Фуқаро Э.нинг жаримани уч ой муддат тўлашдан бўйин товлаб юрганини ҳисобга олиб, суд тайинланган жазони 6 ой қамоқ жазоси билан алмаштирди.

Савол: *суднинг жазони алмаштириши қонунга асосланганми?*

Савол: *фуқаро Э.га нисбатан судланганлик ҳолати қачон тугалланади?*

26-мавзу. АЛОҲИДА ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-машғулот

1-масала

Фуқаро А. фуқаро Н.га жамоат олдида ўзини уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани туфайли пичоқ билан кўкрагига уч маротаба кетма-кет зарба берди, натижада фуқаро О. полга йиқилди, буни кўрган ён-атрофдагилар дарҳол тез ёрдам хизматига хабар қилдилар. Орадан сал вақт ўтиб, фуқаро А. шифохонага бориб, шифокордан фуқаро Н.нинг аҳволини сўради, шифокор эса куйидагича жавоб берди: «Нафас олиш қобилияти йўқ, юрак уриши 20 дақиқа тўхтаган, организмнинг ташқи муҳит таъсирига жавоб реакцияси ҳам йўқолган. Юрак ва ўпка фаолиятида қайта тиклаб бўлмайдиган даражада бузилиш юз берган».

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатларини ҳуқуқий баҳоланг.*

2-масала

ИИБга фуқаро А.нинг ўз уйида ўлдирилиб кетилгани ҳақида хабар келиб тушди. Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида фуқаро А.ни укаси фуқаро Б. қасддан ўлдиргани аниқланди. Фуқаро Б: «Акамни ўзининг илтимосига биноан оғир ва тузалмас касалликдан қутқариш мақсадида ўлдирганман», – деган важ билан ўзини оқлашга ҳаракат қилди, тергов ҳаракатларида аниқланишича, ҳақиқатан ҳам фуқаро Б. акасининг илтимосига биноан уни қасддан ўлдирган.

Савол: *фуқаро Б.нинг юқорида ўзини оқлаб, таъкидлаган сўзлари қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганини инкор этиши мумкинми?*

Савол: фуқаро Б. содир этган қилмиш жиноят бўлса, одам ўлдириш жиноятининг қайси турига киради?

Топшириқ: фуқаро Б. содир қилган қилмишда жиноят таркибининг аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқланг.

3-масала

Фуқаро А. кўшниси О.нинг уйига рўзғор анжомларини сўраб чиққан эди. Уйнинг кираверишида турган шкаф устида умумий нархи 400000 сўмлик тилла соатни кўриб қолди, пайт пойлаб, уни ўша захотиёқ ўғирлади. Тезроқ кетишга шошилган А.нинг нимадандир безовталанганини уй эгаси О. сезиб қолди. Уни уйига кузатаётган пайтда, тилла соат йўқолганини билиб қолди ва кўшнидан гумон қилиб, олган нарсасини қайтариб беришини талаб қила бошлади. Шунда кўшнилари олдида шарманда бўлиб, тилла соатни қайтариб беришни хоҳламаган А. фуқаро О.нинг ҳали ёшлиги ва ҳомиладорлигига қарамасдан, қасддан ўлдирди. Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари ва экспертиза хулосасига кўра, марҳум О.нинг ҳомиладор эмаслиги аниқланди, лекин айбдор А. ушбу ҳаракатни содир қилаётган пайтда уни ҳомиладор, деб ўйлаган эди.

Топшириқ: фуқаро А.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Савол: агар фуқаро А. фуқаро О.ни ҳомиладор, деб ўйламасдан ўлдирган бўлса-чи?

4-масала

Фуқаро А. «Пахтакор» марказий стадионига футбол ўйинини томоша қилиш мақсадида борди. Шу жойда илгари низолашган фуқаро О.ни кўриб қолди. Футбол ўйини тугагач, «Пахтакор» жамоасининг мағлубиятидан таъсирланган ашадий мухлислар томонидан оммавий тартибсизликлар юзага келди, шунда фуқаро А. келиша олмайдиган ўртоғи О.дан қасд олишнинг пайти келганлиги, уни ўлдирган тақдирда ҳам, тартибсизликлар пайтида ҳеч ким билмайди, деб ўйлаб, уни шишанинг синган бўлаги билан урди ва бўйин томирлари кесилган ҳолатда уни ташлаб кетди, фуқаро О. шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмди.

Топшириқ: фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

Топшириқ: фуқаро А. содир қилган жиноятни юридик таҳлил қилинг.

5-масала

Фуқаро А. хотинига хизмат сафари билан Россия Федерациясига

бораётганлиги ҳақида маълум қилди ва тезда нарсаларини йиғиштириб, уч-тўрт кун ичида қайтишини айтиб, уйдан чиқиб кетди. Об-ҳавонинг ёмонлиги сабабли Россия Федерациясига учаётган авиарейс эртанги кунга қолдирилди. Фуқаро А. ноилож уйига қайтди ва мудҳиш воқеанинг устидан чиқиб қолди, яъни хотинининг бегона эркак билан бирга эканини кўрди. Фуқаро А. кучли руҳий ҳаяжонланиб, ўзини йўқотди, натижада хотинини қўлига тушган нарса билан урди, оқибатда хотини воқеа жойида жон берди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Рус миллатига мансуб Россия фуқароси А. кечки соат тахминан 19³⁰ ларда меҳмонхонага қайтаётган пайтида, меҳмонхона кўриқчиси фуқаро Р.ни кўриб қолди. Фуқаро Р. жуда аламзада аҳволда эди. Фуқаро А. у билан саломлашиб, ўтиб кетмоқчи эди, аммо фуқаро Р. тўсатдан фуқаро А.га сал олдинроқ бир рус кишиси билан жанжаллашганини, рус миллатга мансуб кишиларни ёқтирмаслигини айтиб, ташланди, натижада Россия фуқароси билан муштлашиб кетди, уларни кўриб қолган атрофдагилар ажратдилар, муштлашиш натижасида фуқаро А.нинг оғир тан жароҳати олганлиги маълум бўлди.

Топшириқ: *фуқаро Р. содир қилган қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-масала

Пахта титиш цехи ишчиси фуқаро П. ҳамкасби фуқаро И. билан иш юзасидан тортишиб қолди. Тортишиш оқибатида П. ўзини тутолмасдан, И.нинг юзига тарсаки туширди, шу пайт П. кутмаган ва хоҳламаган ходиса юз берди, яъни фуқаро И. унга жавоб қайтариб, урмоқчи бўлган пайтда, унинг чап қўли цехдаги станокка тикилиб қолди, оқибатда И. бош бармоғидан ажралди.

Топшириқ: *фуқаро П.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

8-масала

Фуқаро А. хотини билан жанжаллашиб қолди ва ундан қасдини олиш мақсадида яқинлари кўз ўнгида унга турли тухматлар қилиб, руҳий таъсир эта бошлади, оқибатда хотини фуқаро Н. эзилиш натижасида руҳий касалликка чалинди.

Савол: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

9-масала

Фуқаро А. ИИБга келиб, иккита қўшниси ўзаро жанжаллашаётганини, тезда ёрдамга борилмаса, бир-бирларини ўлдириб қўйишлари мумкинлигини айтди. Тезда етиб борган тезкор гуруҳ ходимлари жанжал устидан чиқиб қолдилар ва уларни тинчлантирдилар. Суриштирувда аниқланишича, фуқаро А. ўзидан анча кичик ёшда бўлган қўшниси фуқаро О.ни уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани учун дўппослаган. Экспертизанинг хулосасига кўра, ушбу дўппослашиш натижасида фуқаро О. меҳнат қобилиятининг 25% ни йўқотган.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

10-масала

Фуқаро А. ўзининг «Тико» русумли автомашинасида ишдан уйига қайтаётганида, тезликни 60 дан оширмаслик кераклигини била туриб, оширди, шу пайт йўлдан кесиб ўтаётган пиёдани уриб кетди, оқибатда пиёданинг чап оёғи ҳаракат фаолиятини тамоман йўқотди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

11-масала

Фуқаро А. ўзининг «Дамас» русумли автомашинасида киракашлик қилиб юрганида, йўловчи Н. унинг машинасига ўтирди, шунда А. йўловчига шилқимлик қила бошлади. Н. эса ундан дарҳол шилқимликни тўхтатишини талаб қилди, акс ҳолда, ушбу ҳолат юзасидан ички ишлар идорасига мурожаат қилишини маълум қилди. Фуқаро А. эса фуқаро Н.га агар шу ҳолат юз берса, уни ҳозирок ўлдиришини айтиб, шилқимлигини давом эттирди ва оқибатда мажбурлаб, Н.нинг номусига тегди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

12-масала

«Наврўз» чойхонасида официант бўлиб ишловчи фуқаро Е. уйига қайтаётганда, фуқаро Н. олдиндан режалаштириб, ҳеч ким йўқ ва аҳоли яшамайдиган жойда уни кутиб олди, пайтдан фойдаланиб, унга зўрлик ишлатиб, номусига тегди. Бу ҳолатга чидай олмай фуқаро Е. воқеа жойида кўча четидан қандайдир шиша синиғини топиб олиб, ўз жонига қасд қилди.

Топшириқ: *фуқаро Н.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

13-масала

«Нирвана» фирмасининг бошлиғи А. Аҳмедов шу фирмада котиба бўлиб ишловчи фуқаро Н. Толиповани чақириб, бугун меҳмондорчиликка бирга боришларини ва яқин ўртоғи В. Собиров билан жинсий алоқада бўлишини айтди. Агар норозилик билдирса, ишдан ҳайдалишини ва эрига: «Хотининг бузуқлик билан шуғулланиб юрибди», – деган уйдирма гапларни етказиб, шармандасини чиқаришини айтди ва жинсий алоқада бўлишга мажбур қилди.

Топшириқ: *фуқаро А. Аҳмедовнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-маишулот

1-масала

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси А. хизмат сафари билан Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрига борганида, тожик миллатига мансуб шахс фуқаро А.ни камситиб, устидан кулди. Натижада аламзада бўлиб қайтган фуқаро А. тожик миллатига мансуб шахслардан қасдини олишни режалаштирди. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ва шу республика фуқаролари ҳисобланган тожик миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллани сув билан таъминловчи Дарғом каналига инсон соғлиги учун хавфли бўлган захарли моддаларни оқизиб юборди. Фуқаро А.нинг ҳаракати оқибатида ушбу маҳалладаги тожик миллатига мансуб фуқароларнинг ярмидан кўпроғи захарланиб, ҳаётдан кўз юмдилар.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-масала

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси И. Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида ишлайдиган фуқаро А.нинг таклифига биноан, ойига 1000 АҚШ доллари эвазига Ҳиндистон қуролли кучлари сафига қўшилиб, Покистон давлатига қарши жангларда иштирок этишга рози бўлди ва Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги қатор қуролли тўқнашувларда иштирок этди.

Топшириқ: *фуқаро И.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-масала

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи фуқаро А. 2008 йилнинг декабрь ойида тарқатиш мақсадида диний адоватни тарғиб

қилувчи материалларни тайёрлагани учун маъмурий жавобгарликка тортилганига қарамай, уч ойдан кейин яна шу иш билан шуғуллана бошлади. Оқибатда 2009 йилнинг 10 сентябрь куни фуқаро А.нинг ҳаракатлари ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан фош этилди.

Топшириқ: *фуқаро А. томонидан содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-масала

Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида яшовчи фуқаро А. хизмат сафари билан Бухоро шаҳрига борди. У ерда маҳаллий аҳолига қилган барча муурожаатларига ўз тилида эмас, балки тожик тилида жавоблар олди, бу ҳолат фуқаро А.ни аламзада қилди. Фуқаро А. юртига қайтгандан сўнг, яқин ўртада яшайдиган тожик миллатига мансуб барча фуқароларни ушбу ҳудуддан чиқариб юбориш, улар билан низоларни юзага келтириш мақсадида мазмуни турли уйдирма ва миш-мишлардан иборат варақаларни тарқата бошлади.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

5-масала

Темир материаллар билан шуғулланувчи «Жес» номли хусусий ташкилот бошлиғи фуқаро Д. катта ваъдалар эвазига қўшни Афғонистон ҳудудида террорчилик билан шуғулланадиган бир гуруҳ шахсларни икки йил давомида молиялаштириш билан шуғулланган. Оқибатда ушбу ҳаракат миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан фош этилди.

Топшириқ: *юқорида кўрсатилган ҳаракатни содир этган фуқаро Д.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Темир материаллар билан шуғулланадиган «Жес» номли хусусий ташкилот бошлиғи фуқаро Ш. қўшни Афғонистон ҳудудида террорчилик билан шуғулланадиган бир гуруҳ шахсларни катта вадалар эвазига икки йил давомида молиялаштириш билан шуғулланган. Оқибатда ушбу ҳаракат миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан фош этилди. Аниқланишича, фуқаро Ш.нинг ҳомийлиги туфайли террорчилар амалга оширган турли ҳаракатлар оқибатида юздан ортиқ бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмганлар.

Топшириқ: *фуқаро Ш.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-масала

Тожикистон ва Афғонистон давлатлари ҳудудларида фаолият олиб борадиган «Исломий ҳаракат» номли террорчи жиноий уюшма аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат органлари вакилларининг айримлари ҳаётига суиқасд қилинди.

Топшириқ: юқорида кўрсатилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

8-масала

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида АҚШнинг тарихида биринчи марта мисли кўрилмаган кучли портлаш содир бўлди. Содир этилган хуруж оқибатида бир неча минг бегуноҳ кишилар ҳаётдан кўз юмдилар. 110 қаватли (420 метрли) Жаҳон савдо маркази биносига самолёт келиб урилиши оқибатида бино ер билан яксон бўлди.

Топшириқ: содир этилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

9-масала

Ҳарбий Ҳаво кучларининг учувчиси фуқаро А. самолётда ўқув машғулотлари давомидаги учишларидан бирида олдиндан режалаштирилган ҳолда, давлат чегарасини бузиб учиб ўтиб, қўшни Қозоғистон Республикасининг ҳудудига кўнди ва у ердан сиёсий бошпана сўради. Олинган бошпана эвазига хабардор бўлган айрим давлат сирларини уларга етказди. Бунинг оқибатида давлатнинг мудофаа салоҳияти ва иқтисодиётига катта миқдорда зиён етказди.

Топшириқ: фуқаро А. томонидан содир этилган ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.

10-масала

Миллий хавфсизлик хизмати ходими П. ишдан қайтаётган вақтида метрода ухлаб қолди, оқибатда унинг қўлидаги давлат аҳамиятига эга, давлат сири ҳисобланган ҳужжатлар солинган дипломат ўғирланди.

Топшириқ: юқорида кўрсатилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

11-масала

Мудофаа вазирлигининг ходими фуқаро А. таниши фуқаро О.нинг туғилган кунини нишонлаш тантанасида кучли алкоголь ичимлигини истеъмол қилгани туфайли қаттиқ маст бўлиб қолди. Шунда фуқаро А.

меҳмонларга яқин кунларда республика чегарасидаги кўшинларнинг махфий бўлган ўрни ўзгартирилиши ҳақида гапирди.

Топшириқ: *фуқаро А. томонидан содир этилган ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-машғулот

1-масала

Фуқаролар А. ва О. йирик муассасанинг директори Р.дан ўзларини муассаса улушчилари қаторига кўшишини талаб қилдилар, акс ҳолда, талаб бажарилмаса, унинг уйи ва офисига ўт кўйишларини билдирдилар. Орадан бир ҳафта ўтгач, улар фуқаро Р.нинг олдига келдилар ва талабларига рад жавобини олдилар. Шунда фуқаро А. Макаров пистолетидан Р.нинг оёғига қаратиб ўқ узди ва унга оғир шикаст етказди. Улар кетаётганларида 5000 АҚШ доллари қийматида баҳоланадиган олтиндан ясалган ҳайкалчани олиб кетдилар ва бир ҳафтадан кейин хабар оламиз, деб огоҳлантирдилар.

Топшириқ: *фуқаролар А. ва О. томонидан содир қилинган ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-масала

Суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, босқинчилик жиноятини содир қилгани учун муқаддам судланган А. кўшниси фуқаро О.га талон-тарож жиноятини содир қилиш йўли билан ўзганинг мулкини кўлга киритишни таклиф қилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун улар ўйинчоқ қурол билан қуролланиб, тун қоронғусида йўловчи П.ни тўхтатдилар ва уни кўрқитиб, 25000 сўм пулини олиб кўйдилар.

Топшириқ: *фуқаролар А. ва О.нинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-масала

Вояга етмаган фуқаролар 13 ёшли С. ва 15 ёшли Р. фуқаро О.нинг умумий қиймати 1875800 сўмга баҳоланган бош кийими ва тилла занжирини юлиб олиб, велосипедда қочиб кетдилар.

Топшириқ: *юқоридаги шахслар томонидан содир қилинган ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-масала

Тунги соат тахминан 23⁰⁰ да «Nirvana» дўконига бир гуруҳ шахслар кириб, сотувчини дўппослаб, унинг баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказдилар ва кассадан 166240 сўмни олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлдилар.

Топшириқ: айбдорлар томонидан қилинган ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо беринг.

5-масала

Фуқаро О. ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш мақсадида пиёдалар йўлагига кетаётган фуқаро П.нинг қўлидан сумкасини юлиб олиб, қочиб кетди. Ушбу ҳолатдан жаҳли чиққан П. сумкасини қайтариб олиш учун фуқаро О.ни қувишга тушди ва фуқаро О.га етиб, сумкасини олмоқчи бўлганида, у чап бериб, четда ётган ташландиқ сув қувурини олиб, П.нинг бошига урди. Натижада П. шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди. Фуқаро О. эса фуқаро П.нинг чўнтагидан яна 2000 сўм пулини олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Топшириқ: фуқаро О.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

6-масала

Пул йиғувчи (инкассатор)лар «Эдем» дўконининг кунлик савдосидан тушган 2000000 сўм пулни махсус халтага солиб, дўкондан чиқаётган пайтда, кўрикчиликда турган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаро А. шу дўконда мол ташувчи бўлиб ишлайдиган фуқаро Д. билан пулларни ўзлаштириш мақсадида олдиндан тил бириктириб, инкассаторларга хужум қилдилар. Муддатдаги ҳарбий хизматчи фуқаро А. қўлидаги Калашников автоматидан ўт очиб, инкассаторларни отиб ўлдирди. Сўнгра улар махсус халтадаги пулларни олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлдилар.

Топшириқ: муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаро А. ва мол ташувчи фуқаро Д.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

7-масала

Фуқаро О. фуқаро А. содир қилган ўғрилиқ жиноятининг гувоҳи бўлиб қолди. Бундан фойдаланган фуқаро О. ушбу ҳолатни ҳеч кимга айтмаслик эвазига фуқаро П.дан ўғрилиқ натижасида қўлга киритилган мулкнинг бир қисмини ўзига беришини талаб қилди. Агарда рад жавоб бўлса, дарҳол содир қилинган қилмиш ҳақида ҳуқуқни муҳофаза

қилиш идораларига хабар беришини билдирди. Фуқаро П. О.нинг талабини бажарди.

Топшириқ: *фуқаролар О. ва П.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

8-масала

Фуқаро М. талабалар ётоқхонасида комендант бўлиб ишлайдиган таниши А. дан бозор нархидан анча арзон бўлган 10 метр гиламни сотиб олаётган пайтда, гиламда талабалар ётоқхонасининг муҳри борлигини кўриб қолди ва бу ҳақда фуқаро А.га билдирди. Фуқаро А. ушбу гилам ўғирланганлиги сабабли уни арзон нархда сотаётганини айтди. Фуқаро М. эса ўғирланганлигини била туриб, нархи арзонлиги учун ўша гиламни барибир сотиб олди.

Топшириқ: *фуқаро М. ва комендант А.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

9-масала

Маҳалла омборхонасининг ҳайдовчиси фуқаро О. сабзаётларни ташиш вақтида бир тонна пиёзни омборхонага туширмасдан, қонунга хилоф равишда, олдиндан келишган ҳолда, бозорда сотувчилик билан шуғулланадиган таниши фуқаро А.га ярим нархида сотди. Фуқаро А. ушбу молни сотиб олаётган пайтида, унинг ўғирланганлигидан хабардор бўлган.

Топшириқ: *ҳайдовчи О. ва сотувчи А.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

10-масала

«Геофизика» ташкилотининг қоровули фуқаро А. ойлик маош олгани муносабати билан шу ташкилотнинг кассири фуқаро О. билан қоровулхонада ичкиликбозлик қилди. Натижада фуқаро А. мастликдан ўзини йўқотиб, ухлаб қолди. Пайтдан фойдаланган фуқаро О. ташкилотнинг молия бўлимига кириб, пул сақланадиган сейфни бузиб очди ва икки млн. сўм пулни олиб, сездирмасдан чиқиб кетди.

Топшириқ: *фуқаролар А. ва О.нинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

11-масала

12 ёшли З. ва 13 ёшли Л. ўйинчоқлар дўконининг кўриқланиш даражаси яхшимаслигини билиб қолдилар, олдиндан келишиб, тунги

пайт дўконга дераза орқали кирдилар ва жами 74000 сўм қийматда баҳоланадиган ўйинчоқлар, конфетлар ва бошқа буюмларни олиб чиқиб кетдилар.

Топшириқ: *юқоридаги ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

12-масала

Ҳайдовчи А. корхона билан тузилган шартномага мувофиқ, ушбу корхонада ишлаб чиқарилган 1000 жуфт оёқ кийимларини ўз машинасида белгиланган дўконга олиб бораётиб, йўл устидаги қаҳвахона ёнида тўхтади ва бир кружка пиво ичиш мақсадида у ерга кирди. У ерда танишларини кўриб қолиб, тахминан бир соат қаҳвахонада ушланди. Бу пайт номаълум шахслар томонидан унинг машинасидаги 150 жуфт оёқ кийимлари ўғирланди. Оқибатда фуқаро А. шартнома талабларида белгиланган молни манзилга тўлиқ етказа олмади.

Топшириқ: *ҳайдовчи А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

13-масала

20 ёшли фуқаро А. танишлари вояга етмаган 16 ёшли О. ва 13 ёшли В.ни деразадан фуқаро С.нинг уйига ўғрилиққа тушишга ва шкафда турган пулларни олиб чиқишга кўндирди. Фуқаро С. ва унинг турмуш ўртоғи ишга кетишгач, фуқаролар О. ва В. дераза орқали уйга кирдилар ва ҳеч нарса топа олмасдан қайтиб чиқиб кетдилар. Эртаси кун улар яна шу мақсадда ушбу хонадонга кирдилар ва қиймати 300 АҚШ доллари бўлган иккита қимматбаҳо узукни токчадан олиб, чиқиб кетаётганларида уй эгалари томонидан ушландилар.

Топшириқ: *фуқаролар А, О. ва В.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

14-масала

Мева дўконининг сотувчиси фуқаро С. Содиқова тарози тошининг тагини кичик тешиб, унинг оғирлигини 50 граммга камайтирди. Фуқаро С. Содиқова тушгача ишлаб, тушлик пайтида ўрнига турмуш ўртоғини қолдириб, ўзи уйига кетди. Турмуш ўртоғи А. Содиқов тарозининг тоши енгиллаштирилганини билмай, меваларни сота бошлади, шу пайтда бу ҳолат солиқ органининг ходимлари томонидан аниқланди.

Топшириқ: *фуқаролар А. ва С.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

15-масала

Меҳнат қуроллари дўконининг мудирини А. Собиров фойда олиш мақсадида дўконга яқин жойда ноқонуний кичик дўкон очди. Ушбу дўконда умумий баҳоси 600755 сўмлик меҳнат қуроллари сотилди.

Савол: *фуқаро А. Собировнинг ҳаракатиغا ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-машғулот

1-масала

Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган тракторларнинг сақланиши учун масъул бўлган бош муҳандиснинг уларнинг сақланиш талабларини бузганлиги натижасида пахта теришга мослаштирилган бир нечта трактор техник жиҳатдан носоз ҳолатга келиб қолди. Оқибатда заводга 22 млн 800 минг сўм миқдорида зарар етказилди.

Топшириқ: *бош муҳандиснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-масала

Заводнинг кадрлар бўлими бошлиғи фуқаро А. олдиндан келишган ҳолда, таниши фуқаро О.нинг меҳнат дафтарчасига унинг металл эритиш цехида ишлаганлиги ҳақидаги сохта ёзувни киритди, бунинг натижасида фуқаро О. бир йил мобайнида ортиқча нафақа олди ва ноқонуний тарзда 450500 сўмни ўзлаштирди.

Савол: *фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-масала

Мактабда қоровул бўлиб ишлайдиган фуқаро А. мактаб директоридан ўзини шу мактабнинг ошпази лавозимига ўтказишини сўради. Директор эса бунинг эвазига фуқаро А.дан ўзининг шахсий машинасини таъмирлаб беришини сўради, иложсиз қолган фуқаро А. ушбу талабни бажарди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатини ҳуқуқий баҳоланг.*

4-масала

Адвокат П. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланаётган миждо фуқаро А.ни судьяга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаши учун 6000 АҚШ долларини беришга

кўндирди. Фуқаро А. бунга рози бўлгач, судьяга пулни адвокатнинг шахсан ўзи олиб бориб берди.

Топшириқ: *адвокатнинг жавобгарлик масаласини аниқланг.*

5-масала

Фуқаро А. жазони ўтаб, жазони ижро этиш муассасидан уйига қайтгач, унинг устидан маъмурий назорат ўрнатилди, маъмурий назоратнинг шартлари фуқаро А.га ёқмади. Натижада фуқаро А. маъмурий назоратдан бўйин товлаб, ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатини ҳуқуқий баҳоланг.*

6-масала

Прокуратура терговчиси А. қасддан одам ўлдирганликда гумон қилинаётган фуқаро М.нинг ушбу жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билиб туриб, жиноятни тезроқ очиш ва юқори турувчи орган олдида ўзини яхши томондан кўрсатиш мақсадида гумон қилинувчи фуқаро М.ни жавобгарликка тортди.

Топшириқ: *терговчи А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-масала

Ички ишлар идорасининг терговчиси А. гумон қилинувчи фуқаро О.дан кўрсатма олиш мақсадида уни дўппослади, натижада гумон қилинувчи жиноят содир этганлигини тан олди. Суд муҳокамаси жараёнида фуқаро О. жиноят содир этмаганини ва терговчининг дўппослашидан кўрққани боис айбни ўз бўйнига олганини айтди.

Топшириқ: *терговчи А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

8-масала

Эксперт А. моддий манфаат олиш эвазига дастлабки тергов вақтида терговчининг талабларини била туриб, нотўғри хулоса берди.

Топшириқ: *эксперт А. томонидан содир қилинган қилмишни ҳуқуқий баҳоланг.*

Топшириқ: *эксперт А. томонидан содир қилинган жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.*

9-масала

Дастлабки тергов жараёнида холис сифатида қатнашган фуқаро Г. прокурорнинг рухсатисиз номусга тегиш жинояти бўйича олиб

борилаётган жиноят иши тўғрисидаги маълумотларни ушбу жиноятдан манфаатдор бўлган шахсларга ошкор қилди.

Топшириқ: фуқаро Г.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Топшириқ: фуқаро Г. томонидан содир қилинган қилмишни юридик таҳлил қилинг.

10-масала

Фуқаро П. қўшниси фуқаро А.нинг уйига зарурият юзасидан кирди, шунда фуқаро П. қўшнисиникида ҳар хил портловчи моддалар, ўқ-дорилар борлигини кўриб қолди. Бу ҳақда қўшнидан сўраганда, у яқинда шериклари билан террорчилик ҳаракатини амалга оширишини ва бу тўғрисида унинг ҳеч кимга оғиз очмаслигини илтимос қилди, фуқаро П. эса бу маълумотни ҳақиқатан ҳам ҳеч кимга айтмади.

Топшириқ: фуқаро П.нинг ҳаракатини ҳуқуқий баҳоланг.

Топшириқ: фуқаро П. томонидан содир қилинган қилмишни юридик таҳлил қилинг.

5-машғулот

1-масала

Фуқаро А. пул топишнинг осон йўлини танлаб, ўзига яқин олтига ўртоғидан иборат иккита жиноий гуруҳ тузди. Биринчи гуруҳ наркотик моддаларни Афғонистондан Ўзбекистон ҳудудига ўтказиш, иккинчиси эса олинган махсулотларни Ўзбекистон ҳудудида сотиш билан шуғулланган. Шунингдек, фуқаро А. ушбу жиноий ҳаракатларни давом эттиришда гуруҳларга раҳбарлик қилиб турган.

Топшириқ: фуқаро А. томонидан содир қилинган қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг.

Топшириқ: фуқаро А. содир қилган жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

2-масала

Футбол ўйинининг ашаддий мухлиси фуқаро О. ишқибозлик қилаётган жамоаси ютқазди. Ўйин тугагандан кейин, фуқаро О. мухлисларни рақиб жамоадан алам олиш мақсадида оммавий тартибсизликни юзага келтиришга чақирди. Натижада айрим мухлислар унинг даъватига эргашиб, оммавий тартибсизликни юзага келтирдилар. Оқибатда, рақиб жамоанинг майдон яқинида турган транспорт воситаси (автобус)ни ҳоқимият вакилининг қаршилигига қарамасдан, ёқиб юбордилар.

Топшириқ: фуқаро О. томонидан содир қилинган ҳаракатни ҳуқуқий баҳоланг.

Топшириқ: фуқаро О. содир қилган жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

3-масала

Ақидапараслик ғоялари ифодаланган материалларни тайёрлагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган фуқаро Ғ. кўп вақт ўтмай, яъни етти ойдан кейин яна худди шундай ҳаракатни содир қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи томонидан қўлга олинди.

Топшириқ: фуқаро Ғ.нинг жавобгарлиги масаласини аниқланг.

4-масала

Фуқаролар А. ва В. Ўзбекистон Республикасининг Туркменистон Республикасига чегарадош ҳудудидан божхона назоратини четлаб, диний экстремизмни тарғиб қилувчи материалларни олиб ўтаётган пайтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олиндилар.

Топшириқ: фуқаролар А. ва В. томонидан содир қилинган ҳаракатларни ҳуқуқий баҳоланг.

5-масала

Овчилик билан шуғулланувчи фуқаро Н. ўқ-дориларни сақлашда бепарволикка йўл қўйди, яъни ўқ-дорилар сақланадиган темир қутини электр билан иситиладиган печнинг яқинига қўйди, оқибатда, қизиб кетган ўқ-дорилар портлаб, унинг 16 ёшли фарзанди ҳаётдан кўз юмди.

Топшириқ: фуқаро Н.нинг ҳаракатини ҳуқуқий баҳоланг.

6-масала

Фуқаро Р. бекатда автобус кутиб ўтирганида, кимдир унинг оёғини беҳосдан босиб олди. Жаҳли чиққан Р. ўзидан дарҳол кечирим сўрашини талаб қилди ва рад жавобини олгач, жиғибийрон бўлиб, нотаниш кишини ҳамманинг кўзи олдида дўппослади, оқибатда унинг баданига енгил шикаст етказди.

Топшириқ: фуқаро Р.нинг ҳаракатини ҳуқуқий баҳоланг.

Топшириқ: фуқаро Р. томонидан содир этилган жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

7-масала

Фуқаролар А., О. ва Р. спорт машғулотларидан қайтаётган пайтларида, йўлда бир маст одам уларга уятли сўзлар билан сўкинди, бундан жаҳли чиққан фуқаролар А., О. ва Р. ушбу шахсни қувишга тушдилар ва уни метрога кираверишда одамлар гавжум жойда ушлаб олдилар. Уни атрофдагиларга намоишкорона уятли сўзлар билан сўкиб, дўппосладилар, у дўппосланиш оқибатида енгил шикастланди.

Топшириқ: *фуқаролар А., О. ва Р. томонидан содир қилинган ҳаракатларни ҳуқуқий баҳоланг.*

Топшириқ: *фуқаролар А., О. ва Р. томонидан содир қилинган жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.*

8-масала

Фуқаро А. ва В. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда Олой бозорида тиланчилик билан шуғулланиб юрган ногирон чолни ҳамманинг кўзи олдида масҳаралаб, уятли сўзлар билан сўкиб, дўппосладилар, оқибатда чолнинг баданига енгил шикаст етказдилар. Шу пайтда яқин жойда жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили бу ҳолни кўриб қолди ҳамда фуқаро А. ва В.дан ушбу ҳолат учун чолдан дарҳол кечирим сўрашларини талаб қилди. Бу талаб уларнинг жаҳлини чиқарди ва ҳокимият вакилига жамоат олдида уятли сўзлар билан сўкиниб, қаршилиқ кўрсатдилар.

Топшириқ: *фуқаро А. ва В.нинг ҳаракатларини юридик таҳлил қилинг.*

Топшириқ: *фуқаро А. ва В.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

9-масала

Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида Наврўз байрамига бағишланган оммавий тадбир бўлиб ўтаётганда, фуқаро Р. оиласи билан айланиб юрган эди. Шу пайт 10 ёшли бир бола унинг фарзанди билан тортишиб қолди, буни кўрган Р. ҳамманинг кўзи олдида ўша болани уятли сўзлар билан сўкиб, дўппослади, оқибатда бола енгил тан жароҳати олди.

Топшириқ: *фуқаро Р.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Топшириқ: *агар жиноят аломатлари мавжуд бўлса, унда ушбу жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.*

10-масала

Фуқаро П. осон пул топиш мақсадида ўз уйида қонунга хилоф равишда қиморхона ташкил этди.

Топшириқ: *фуқаро П.нинг ҳаракатини юридик таҳлил қилинг.*

Топшириқ: *фуқаро П.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-машғулот

1-масала

«Қалдирғоч» фермер хўжалигининг ишчиси фуқаро А. хўжаликка тегишли бўлган ер майдонига фойда олиш ва уни ўтказиш мақсадида мойли кўкнори ўсимлигини экди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-масала

Илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган фуқаро Х. шундай воситалар сақланадиган махсус омборхонадан кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини ўғрилайётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан қўлга олинди.

Топшириқ: *фуқаро Х.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг ва ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро Х.нинг илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги кейинги ҳаракатига таъсир қиладими?*

3-масала

Фуқаро Р. ўз уйида фойда олиш мақсадида қонунга хилоф равишда психотроп моддани тайёрлади ва таниши фуқаро К. Ориповага сотди. Ушбу ҳолат аниқланиб, фуқаро Р.дан содир қилган ҳаракатининг сабаби сўралганда, у аҳволи ночорлиги, шу иш билан шуғулланишдан бошқа иложи йўқлигини айтди.

Топшириқ: *фуқаро Р. томонидан содир қилинган ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-масала

«Норбой ота» фирмасининг ҳисобчиси фуқаро К. шу фирманинг ишчилари фуқаролар Э. ва П. билан бирга байрам муносабати билан тоққа дам олишга борди. Дам олиш давомида фуқаро К. фуқаролар Э.

ва П.ни гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга таклиф қилди. Фуқаролар Э. ва П. ушбу таклифга рози бўлиб, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилаётган пайтда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Топшириқ: *фуқаролар К., Э. ва П. томонидан қилинган ҳаракатларни ҳуқуқий баҳоланг.*

Савол: *фуқаролар К., Э. ва П.нинг ҳаракатларига нисбатан қонунда алоҳида жавобгарлик ҳолати белгиланганми?*

5-масала

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани 2-Қорасув даҳаси, 14-уй, 12-хонадонда яшовчи фуқаро А.нинг уйидан икки кг миқдорда гиёҳвандлик моддаси топилди. Фуқаро А. сўроқ қилинганда, у уйда гиёҳвандлик воситасини сақлашда ҳеч қандай ўтказиш мақсади йўқлигини айтиб, ўзини оқлашга ҳаракат қилди. Тезкор тергов ҳаракатлари давомида аниқландики, ҳақиқатан ҳам фуқаро А.нинг ўз уйда гиёҳвандлик воситасини сақлашдан ҳеч қандай ўтказиш мақсади бўлмаган.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро А.нинг ҳаракатидаги мақсад жавобгарлик масаласига таъсир қиладими?*

6-масала

Фуқаро А. Туркия давлатида яшайдиган қариндоши фуқаро Т.нинг топшириғига бўйсуниб, гиёҳвандлик воситаларини жўнатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлади. Фуқаро А. озгина вақт ўтгач, ўз ихтиёри билан жўнатиш мақсадидан воз кечиб, айбини бўйнига олган ҳолда, тайёрлаган маҳсулотини ҳокимият органларига топширди.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро А.нинг ҳаракати жиноят деб баҳоланиб, жазо тайинланиши мумкинми?*

7-масала

Фуқаро А. ўзи билан бирга ишловчи уч нафар ўртоғини гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга қизиқтирди ва жалб қилди.

Топшириқ: *фуқаро А. томонидан содир қилинган қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Топшириқ: фуқаро А. томонидан содир қилинган жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

7-машғулот

Йўл ҳаракати хавфсизлиги йўналиши

1-масала

Бухоро–Андижон йўналишидаги поезд ҳайдовчиси (машинисти) фуқаро А. йўналишдаги поездни бошқараётиб, темир йўл қоидаларини бузгани туфайли поезд ҳалокатга учради.

Топшириқ: фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Топшириқ: ушбу ҳаракат жиноят деб топилган тақдирда, унда жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

2-масала

«Туризм» ташкилотининг ходими фуқаро Е. саёҳатчиларни вертолётда саёҳатга олиб чиқди. Вертолёт қўнаётган вақтда ҳаво транспорти ҳаракати қоидалари бузилиши натижасида яқиндаги қоя тошига урилди, оқибатда ундаги саёҳатчиларнинг икки нафари оғир шикастланди.

Топшириқ: фуқаро Е.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Топшириқ: ушбу ҳаракат жиноят деб ҳисобланган тақдирда, унда жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

3-масала

25-автокорхонанинг йўналишларга чиқишга рухсат берадиган ходими фуқаро А. автобус ҳайдовчисининг маст эканлигини била туриб, унга ишонди ва йўналишга чиқишга рухсат берди. Натижада ўша куни ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидасини бузиб, автоҳалокат содир қилди, оқибатда битта йўловчи оғир шикастланди.

Топшириқ: фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Топшириқ: ушбу ҳаракат жиноят деб ҳисобланган тақдирда, унда жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.

4-масала

«Taxi luyks» хусусий автокорхонаси транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул ходими фуқаро П. транспорт воситасининг техник жиҳатдан бузуклигини била туриб, корхонага кўпроқ фойда тушишини кўзлаган мақсадда, транспорт

воситасининг йўлга чиқишига рухсат берди. Натижада транспорт воситаси ўша куни носозлиги, яъни тўхтатиш мосламаси (тормози) яхши ишламаслиги туфайли бир нафар йўловчини уриб кетди, оқибатда одамнинг ўлими юз берди.

Топшириқ: *фуқаро П.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Топшириқ: *ушбу ҳаракат жиноят деб топилган тақдирда, унда жиноятнинг таркибий элементларини аниқланг.*

5-масала

Темир йўл яқинида яшовчи фуқаро Э.нинг уйи олдидан ҳар куни поездлар катнови сабабли унинг тинчи бузиларди. Фуқаро Э. ушбу ҳолатдан кутулиш учун темир йўлни яроқсиз ҳолга келтириб қўйди, оқибатда шу йўналишдаги поезд ҳалокатга учради.

Топшириқ: *фуқаро Э.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Топшириқ: *фуқаро Э.нинг қилмишида жиноят мавжуд бўлса, унинг таркибий элементларини аниқланг.*

6-масала

Бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб, паровозни йўналишга тайёрлаётган поезд ҳайдовчиси (машинист)га зўрлик ишлатдилар ва паровозни олиб қочдилар.

Топшириқ: *паровозни олиб қочган бир гуруҳ шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.*

7-масала

Фуқаро В. ўзининг автомашинасида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги сабабли ҳалокат содир қилди. Ушбу ҳалокат оқибатида йўловчилардан бири оғир шикастланди.

Топшириқ: *фуқаро В. томонидан содир қилинган ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

8-масала

Фуқаро К. транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини содир қилганлиги учун суднинг ҳукми асосида 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Жазони ўтаб чиққанидан кейин, кўп вақт ўтмай, у яна шундай жиноятни такроран содир қилди.

Топшириқ: *фуқаро К.нинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.*

9-масала

«Очил бобо» фермер хўжалигининг ишчиси фуқаро О. от-аравада ғаллани уйига ташиётган пайтда, оти кўкқисдан ҳуркиб кетди ва йўлдаги йўловчини уриб юборди. Оқибатда йўловчи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди.

Савол: *фуқаро О.нинг ҳаракатида жиноят аломатлари борми?*

Савол: *фуқаро О.нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжуд бўлса, унга ҳуқуқий баҳо беринг.*

10-масала

Фуқаро К. ҳеч қандай рухсатсиз йўлнинг устини бузиб, унинг нариги томонидан ўз уйига сув қувурини ўтказди. Йўловчи машиналардан бири йўлда кетаётиб, унинг бузилгани натижасида йўналишини йўқотди. Натижада йўл четидаги автобус бекатига бориб урилди, оқибатда унинг ҳайдовчиси ўртача оғирликдаги шикаст олди.

Топшириқ: *фуқаро К.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-машғулот

Хорижга чиқиш-келиш йўналиши

1-масала

Фуқаро А. Туркменистон Республикасига қариндошиникига бориш мақсадида давлат чегарасидан ноқонуний ўтди, бу ҳаракат шу заҳотиёқ тегишли органлар томонидан аниқланиб, у қўлга олинди. Фуқаро А. Туркменистонга ўтишдан ғаразли мақсади йўқлигини айтди.

Топшириқ: *фуқаро А. томонидан содир этилган ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *фуқаро А.да ғаразли мақсаднинг йўқлиги унинг жавобгарликдан озод қилинишига асос бўладими?*

2-масала

Фуқаролар Л., А. ва Ғ. олдиндан тил бириктириб, қўшни Қозоғистон давлатидан арзон нархдаги техника маҳсулотларини ўтказиш мақсадида чегарани қонунга хилоф равишда бузиб ўтдилар. Ушбу ҳолат тезликда тегишли ҳокимият органлари томонидан аниқланди.

Топшириқ: *Л., А. ва Ғ.нинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *Л., А. ва Ғ.нинг олдиндан тил бириктириши уларни жавобгарликка тортиш масаласига таъсир қиладими?*

3-масала

Махсус келишув асосида чет элга чиқиши мумкин бўлган мансабдор шахс фуқаро А. Россия Федерациясига бориш учун қонунга хилоф равишда давлат чегарасини бузиб ўтди. Тергов жараёнида аниқланишича, фуқаро А.нинг чет элга чиқишининг сабаби яқин ўртоғининг тўйига таклиф этилгани экан. Агар тегишли органлардан рухсат олиб борадиган бўлса, маълум вақтни йўқотиши, натижасида ўртоғининг тўйига улгурмаслиги мумкин экан.

Топшириқ: *фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.*

4-масала

Россия Федерациясининг фуқаролари ҳисобланган П. ва А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, давлат чегарасини бузиб ўтди.

Топшириқ: *фуқаролар П. ва А. томонидан қилинган ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.*

5-масала

Доимий яшамайдиган, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс А. Тошкент шаҳрида вақтинчалик рўйхатдан ўтди ва белгиланган вақт тугагач, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан чиқиб кетишдан бўйин товлади.

Топшириқ: *А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, 2-Қорасув даҳаси, 18-уй, 15-хонадонда тўрт йил давомида яшаб келаётган фуқаро К.нинг Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари ҳақиқий эмаслиги аниқланди. Сўроқ қилиш жараёнида аниқланишича, ушбу шахс илгари ҳам шундай қилмиши учун маъмурий жавобгарликка тортилган экан.

Топшириқ: *юқоридаги ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-масала

Мансабдор шахс О. чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилишнинг тартибини бузди.

Топшириқ: *фуқаро О. томонидан содир этилган ҳаракатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Топшириқ: *фуқаро О.нинг илгари ҳам худди шундай қилмиши учун маъмурий жавобгарликка тортилганини ҳисобга олиб, унинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-машгулот

Жазони ижро этиш хизмати йўналиши

1-масала

Қаттиқ тартибли колониядаги маҳкумлар муассасада пиширилган овқатларни тўсатдан, оммавий тартибда, қасддан ейишдан бош тордилар. Тезкор ходимлар томонидан суриштирув ишлари ўтказилиб, ушбу ҳолатнинг ташкилотчи гуруҳи аъзолари қўлга олинди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда гуруҳ ташкилотчиларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

2-масала

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги умумий тартибли колонияда маҳкумлар тўсатдан, оммавий тартибда очарчилик эълон қилиб, норозилик билдирдилар. Тезкор ходимлар томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ташкилотчи гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда гуруҳ ташкилотчиларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

3-масала

Маҳкум Ф. Ўзбекистон Республикаси ЖК 159-моддасининг 3-қисми ва 244-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилинган. У жазо муддатини ўташ вақтида муассасада ўрнатилган кун тартибини бузди, оғзаки огоҳлантиришлардан тўғри хулоса чиқармади ва муассаса бошлиғининг қарори билан интизомий қисмга киритилди. Шундан сўнг, у яна сурункали равишда уч маротаба шу жойга киритилди. Интизомий қисмда ҳам кун тартибига риоя этмаганлиги сабабли

карцерга ўтказилди. Маҳкум Ф. карцерда ҳам жазони ижро этиш маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаган.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда маҳкум Ф.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-масала

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги қаттиқ тартибли колонияда маҳкум А. муассаса ҳудудида маҳкум З. билан жанжаллашиб қолиб, оқибатда унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда маҳкум А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

5-масала

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги қаттиқ тартибли колонияга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келган машинадаги юкларни тушириш вақтида маҳкум А. машинанинг остки қисмига яшириниб олди. Машина назорат ўтиш пунктидан чиқиб кетаётганида, у ерда турган назоратчиларнинг машинани синчковлик билан тўлиқ текширувдан ўтказиши вақтида унинг остки қисмидаги маҳкум А.ни кўриб қолиб, дарҳол қўлга олдилар.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда маҳкум А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Маҳкум Б. умумий тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга конвой билан олиб кетилаётган вақтда, ўзини гўёки беҳуш ҳолатга солди. Шунда олиб кетаётган назоратчи ходимлар унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётганларида, назоратчиларга қаршилик кўрсатиб, уларга ташланди. У ўз касбини пухта эгаллаган назоратчилар томонидан қўлга олинди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда маҳкум Б.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

7-масала

Маҳкум В. колониядан озодликка чиқиш мақсадида ўзига шикаст етказди, яъни қасддан мих ютиб, Тошкент шаҳридаги шифохонага ётқизилди. Шифохонадаги назоратчи ходимларнинг эътиборсизлиги туфайли у ердан қочиб кетди.

Топшириқ: ушбу ҳолатда маҳкум В.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

8-масала

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги умумий тартибли колонияга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келган юк машинасидан маҳсулотларни тушириш вақтида маҳкум Ш. унинг юкхонасига яшириниб олди. Назорат ўтиш пунктидан чиқиб кетаётганида, у ерда турган назоратчиларнинг хизматга совуққонлиги туфайли машина текширувдан ўтказилмади, натижада маҳкум Ш. муассасадан қочиб кетди.

Топшириқ: ушбу ҳолатда маҳкум Ш.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

7-маишзулот

ИИБ хузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси, ички ишлар идораларининг Пост-патруль ва жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати йўналишлари

1-масала

Фуқаро А. кўчада кетаётиб, ўртоғи фуқаро К. билан жанжаллашиб қолди. Шунда фуқаро А. фуқаро К.нинг бошига кўлидаги тош билан ура бошлади. Натижада фуқаро К. ҳушидан кетди. Фуқаро А. воқеа жойидан яширинди. Суд тиббиёт экспертизасининг эксперти у олган тан жароҳати туфайли меҳнат қобилиятининг 30 % ни йўқотгани тўғрисида хулоса берди ва у даволаниш муассасида 21 кун даволаниб чиқди.

Топшириқ: ушбу ҳолатда фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

2-масала

Фуқаро П. чойхонада ўтириб, спиртли ичимлик истеъмол қилди ва маст бўлиб, ўртоғи фуқаро Б. билан жанжаллашиб қолди. Натижада фуқаро Б. кўлидаги ошхона пичоғини фуқаро П.нинг қорнига санчди. Фуқаро П. кўп қон йўқотиб, ҳушидан кетди. Шундан сўнг, фуқаро Б. воқеа жойидан яширинди.

Топшириқ: ушбу ҳолатда фуқаро Б.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

3-масала

Фуқаро С. ўртоғи фуқаро А. билан ўзаро жанжаллашиб қолди. Жанжал оқибатида фуқаро С. фуқаро А.га тан жароҳати етказди. Ушбу

жароҳат суд тиббиёт эксперти томонидан енгил тан жароҳати, деб топилди. Орадан олти ой ўтиб, фуқаро С. кўчада кетаётиб, илгари келишмай юрадиган фуқаро Р.ни кўриб қолди, у билан тортишиб, унга ҳам тан жароҳати етказди. Суд тиббиёт эксперти бу тан жароҳатини ҳам енгил тан жароҳати, деб топди.

Топшириқ: *ушбу ҳолатда фуқаро С.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

4-масала

Фуқаро М.га нисбатан туман суди маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарди. Фуқаро М. маъмурий назоратда турганлигига қарамай, жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилди ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Орадан яна бир ой ўтиб, фуқаро М. ИИБга рўйхатдан ўтиш учун сабабсиз равишда келмади, суд томонидан ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларига амал қилмаганлиги учун яна қайтадан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Топшириқ: *фуқаро М.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

5-масала

Фуқаро Э.га нисбатан туман суди томонидан олти ой муддат маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарилди. Орадан бир ой ўтгач, ҳудуд профилактика инспектори фуқаро Э.нинг маъмурий назорат қоидаларига амал қилаётганини текшириш мақсадида унинг яшаш жойига борди, лекин фуқаро Э.нинг уйида эмаслигини аниқлади. Суриштирув ишлари натижасида фуқаро Э.нинг қўшни вилоятга ишга кетганлиги маълум бўлди. Маъмурий назорат қоидаларини бузганлигини учун фуқаро Э. маъмурий жавобгарликка тортилди. Шундан сўнг ҳам фуқаро Э. уйида бўла туриб, ҳеч қандай сабабсиз ИИБга рўйхатдан ўтишга келмади.

Топшириқ: *ушбу ҳолат бўйича фуқаро Э.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

6-масала

Фуқаро Н.га нисбатан туман суди томонидан бир йил муддат маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарилди. Фуқаро Н. маъмурий назоратда бўла туриб, ўзига ижобий хулоса чиқармай, яъни соғлом ҳаёт кечирмасдан, жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, суд томонидан яна маъмурий жавобгарликка тортилди. Фуқаро

Н. бундан яна тегишли хулоса чиқариш ўрнига яна маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этди.

Топшириқ: ушбу ҳолат бўйича фуқаро Н.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

7-масала

Фуқаро Ш. сотиб олмоқчи бўлган уяли телефон апаратини беҳосдан кўлидан тушириб юборди, натижада телефонга шикаст етди. Шунда сотувчи фуқаро С.дан етказилган зарарни қоплашини талаб қилди, лекин фуқаро Ш. зарарни қоплашдан бош тортди. Натижада иккаласи ўртасида жанжал чиқиб, фуқаро Ш. сотувчи фуқаро С.ни кўпчиликнинг олдида уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, унга енгил тан жароҳати етказди.

Топшириқ: ушбу ҳолат бўйича фуқаро Ш.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

8-масала

Фуқаро Л. бекатда тиланчилик қилиб ўтирган кўзи ожиз фуқаро А.нинг ёнига келиб, бу ерда тиланчилик қилмаслигини айтди ва уни жамоат олдида тепиб йиқитди. Яна кийимини ечиб олиб, ҳамманинг кўз олдида шарманда қилиш учун уни кўча томонга судрай бошлади. Бу ҳаракатлар натижасида А.га енгил тан жароҳати етказди.

Топшириқ: ушбу ҳолат бўйича фуқаро Л.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

9-масала

Киракашлик билан шуғулланувчи фуқаро Ф. автомашинаси билан бекатда турган вақтида, бошқа бир киракаш фуқаро Ч. билан мижоз таллашиб, жанжаллашиб қолди. Жанжалда фуқаро Ф. фуқаро Ч.нинг машинаси ойналарини кўпчиликнинг олдида синдириб ташлади. Етказилган зарар эса анча миқдорни ташкил этди.

Топшириқ: ушбу ҳолат бўйича фуқаро Ф.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жиноят процесси

27-мавзу. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

1-масала

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 4-курс тингловчиси А. Байрамов Тошкент шаҳри Миробод тумани ИИБнинг

тергов бўлимида амалиёт ўтаётган эди. У лавозимга тайинлангани ҳақида буйруқ чиққан ёки чиқмаганини билмай туриб, бўлим бошлигининг топшириғига асосан терговчи номидан сўроқлар, юзлаштиришлар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жабрланувчи сифатида тан олиш ҳақидаги қарорларни чиқарди ва бошқа процессуал тергов ҳаракатларини амалга оширди.

Савол: *А. Байрамовнинг процессуал ҳолати қандай?*

Топшириқ: *А. Байрамов ва тергов бўлими бошлигининг ҳаракатларини тавсифлаб, баҳолаб беринг.*

2-масала

2008 йилнинг 26 декабрь куни Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ИИБнинг навбатчи қисмига фуқаро С. Ёқубовдан беш нафар номаълум шахслар уни ҳайвонот боғида тўхтатиб, ҳеч қандай сабабсиз урганлиги ҳақида ариза тушди. Ушбу факт юзасидан тўпланган ҳужжатлар туман тергов бўлимига юборилиб, жиноят иши қўзғатилди. Фуқаро С. Ёқубовга етказилган жисмоний зарар боис, у терговчининг қарорига асосан жабрланувчи деб тан олинди. Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, фуқаро С. Ёқубовга нисбатан безорилик эмас, балки талончилик жинояти содир этилган экан. Табиийки, жабрланувчига нафақат жисмоний, балки маънавий ва моддий зарар ҳам етказилди.

Савол: *С. Ёқубовни иккинчи мартаба жабрланувчи, деб тан олиш керакми?*

Савол: *бундай ҳолатда ким томонидан қандай қарор қабул қилиниши мақсадга мувофиқ?*

3-масала

Фуқаро Д. Зокиров ҳуқуқий маслаҳат олиш учун таниши адвокат С. Қодировга мурожаат қилди. Фуқаро Д. Зокировнинг тушунтиришича, унинг иш жойида бир нечта турдаги радиодеталларнинг ўғирланишида ўзининг ҳам алоқаси бор. Д. Зокиров адвокатдан ўз айбини бўйнига олиб, ички ишлар идораларига бориши лозим ёки лозим эмаслигини, шунингдек жиноят содир этаётганда қўлга олинганда ҳам айбига иқроп бўлиши керак ёки керак эмаслиги ҳақида маслаҳат беришини сўради.

Савол: *дастлабки терговни олиб бораётган терговчи фуқаро Д. Зокировнинг адвокати С. Қодировни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиши мумкинми?*

Савол: агар С. Қодиров гувоҳ тариқасида сўроқ қилинса, у ушбу жиноят иши бўйича Д. Зокировнинг адвокати сифатида қатнашиши мумкинми?

4-масала

Терговчи талончилик содир этишда айбланаётган фуқаро Х. Эсоновнинг хонадонида тинтув ҳаракатини ўтказди. Тинтув ўтказиш вақтида терговчи холис сифатида қўшнилар А. Азимова ва ўн етти ёшли М. Ҳамдамовни иштирок этишлари учун жалб қилди. Келгусида терговчида тинтув пайтида топиб олинган баъзи буюмларнинг Х. Эсоновга тегишлилиги тўғрисидаги масала бўйича А. Азимова ва М. Ҳамдамовни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш зарурати пайдо бўлди.

Савол: терговчининг тергов ўтказишига холисларни жалб қилиш бўйича ҳаракатини баҳоланг.

Савол: терговчи А. Азимова ва М. Ҳамдамовни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш учун ички ишлар идорасига олиб келиш ва сўроқ қилишига ҳақлими?

5-масала

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани ИИБга 2009 йил 20 февраль куни фуқаро Д. Комиловдан номаълум шахс унга тегишли бўлган 35 кг пахта ёғини ўғирлаб кетгани ҳақида ариза тушди. Ушбу сабаб боис профилактика инспектори томонидан Д. Комиловдан батафсил тушунтириш хати олинди. Жиноят иши кўзгатилаганидан сўнг, терговчи уни жабрланувчи сифатида сўроқ қилди, лекин зарур бўлган маълумотларни охиригача аниқлай олмади. Д. Комиловни яна сўроқ қилиш керак эди. Терговчида Д. Комиловни кўшимча сўроқ қилиш зарурати туғилди.

Савол: тергов жараёнида Д. Комиловнинг процессуал ҳолати қандай фактларга асосан аниқланиши лозим?

Савол: Д. Комилов қандай ҳуқуқларга эга бўлади?

6-масала

2009 йил 15 май куни Тошкент шаҳри Ҳамза туманининг жиноят ишлари бўйича судида 1/250-жиноят иши бўйича суд муҳокамаси бошланди. Ушбу жиноят иши бўйича судланувчи Ж. Қўзиев судга мурожаат қилиб, жиноят ишини кўраётган судья ва давлат номидан айбловни қўллаб-қувватлаётган прокурордан воз кечиб, унга бошқа судья ва прокурор таъминлаб берилишини талаб қилди. Судланувчи

Ж. Қўзиевнинг тушунтиришича, юқоридаги қатнашчиларнинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд.

Савол: *судланувчи Ж. Қўзиевнинг юқоридаги эътирози қандай ҳал этилиши мумкин?*

Топшириқ: *жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатларни тушунтиринг.*

7-масала

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги Муртазоев кўчаси, 61-уйда яшовчи фуқаро А. Абдуллаева 2009 йилнинг 11 март куни соат 20⁰⁰ да уйига келган меҳмонларнинг бири, яъни фуқаро С. Собировадан эри фуқаро М. Латиповни рашк қилди. У алкоғол истеъмол қилиб, мастлик ҳолатида фуқаро С. Собировани ошхона пичоғи билан ўлдириб, бу тўғрисида милицияга хабар берди ва ўзига нисбатан қонуний чора кўрилишини сўради. Дастлабки терговда гумон қилинувчи А. Абдуллаева маблағи йўқлиги сабабли ҳимоячининг ёрдамидан воз кечиб, ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзи ҳимоя қилишини айтди.

Савол: *гумон қилинувчи А. Абдуллаеванинг ҳимоячиси бўлиши шартми?*

Савол: *гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг маблағи бўлмаса, уларга ҳимоячининг ёрдам кўрсатиши масаласи қандай тартибда ва ким томонидан ҳал этилади?*

Топшириқ: *ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларни кўрсатинг.*

8-масала

Тошкент шаҳри Миробод туманининг Бехтерев кўчаси, 160-уй, 18-хонадонда яшовчи фуқаро Б. Норбоевнинг уйдан 2008 йил 27 декабрь куни номаълум шахслар Корея Республикасининг “Samsung” фирмасида ишлаб чиқарилган рангли телевизорини ўғирлаб, жиноят жойидан яширинганлар. Ушбу факт юзасидан фуқаро Б. Норбоев Миробод тумани ИИБ профилактика инспектори лейтенант Н. Юсуповга мурожаат қилиб, ўғриларга нисбатан қонуний чора кўриши ва телевизорини топиб беришини илтимос қилди. Профилактика инспектори лейтенант Н. Юсупов ушбу факт бўйича жиноят иши кўзғатиб, дастлабки терговни ўтказди, жиноят очилмагач, иш юритувни тўхтатиб туриш ҳақида қарор чиқарди ва жиноят ишини архивга топширди.

Савол: *профилактика инспекторининг ҳаракатлари тўғрими?*

Савол: *ким жиноят ишининг судга қадар босқичида қўзғатиши ва юритишига ҳақли?*

9-масала

Терговчининг иш юритувида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддасига асосланиб қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлиб, ушбу иш бўйича бир қанча тергов ҳаракатлари амалга оширилди. Жабрланувчига холислар ва статистлар иштирокида таниб олиш учун айбланувчи кўрсатилди. Жабрланувчи жиноятни содир этган айбланувчини таниб олди. Терговчидан уни бошқа чақирмаслигини, тинч яшашига ҳалақит бермаслигини талаб қилди ҳамда бошқа ҳеч қандай тергов ҳаракатларида қатнашмаслигини билдирди.

Савол: *терговчи жабрланувчининг талабларини қаноатлантириши шартми?*

Топшириқ: *жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатилган жиноят процесси иштирокчиларининг қайси гуруҳга тааллуқлилигини аниқланг. Терговчининг ҳаракатларида хатолар бўлса, уларни айтинг.*

10-масала

2008 йил 11 апрель куни тунги соат 02³⁰ да Тошкент шаҳри Бектемир тумани ИИБнинг навбатчилик қисмига ўзини таништирмаган шахсдан телефон орқали қотиллик содир этилганлиги ҳақида хабар тушди. Тезкор навбатчи етказилган хабарни текшириш мақсадида жиноят содир этилган манзилга тезкор тергов гуруҳини жўнатди. Воқеа жойига етиб келган тезкор тергов гуруҳи ҳеч қандай мурдани топмади, фақат катта йўлнинг четроғида бир оз қон излари ва автоулов ойнасининг синган, ҳамма ерда сочилиб ётган қолдиқлари борлигини аниқлади. Терговчи ушбу жойда ҳеч қандай гувоҳ ёки холислар топа олмагач, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириб, қон ва шиша қолдиқларидан намуналар олди.

Савол: *тезкор тергов гуруҳи раҳбари терговчининг ҳаракатлари тўғрими?*

Савол: *терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши мумкинми ёки йўқми?*

11-масала

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ тергов бўлимининг катта терговчиси капитан О. Ориповнинг иш юритувида 3/2480-жиноят иши мавжуд бўлиб, ушбу ишда фуқаро М. Ботиров терговчининг қарорига асосан жабрланувчи сифатида тан олинган.

Чунки 2009 йилнинг 17 июль куни номаълум шахслар унинг Мирзо Улуғбек тумани, Ж. Обидова кўчасидаги 120-уйидан унга тегишли бўлган жами 15 500 000 сўм миқдоридаги тилла буюмларини ўғирлаб, жиноят жойидан яширинганлар ва бир кундан сўнг ушланганлар.

Савол: *фуқаро М. Ботировнинг фуқаровий даъвогар сифатида тан олинishi учун ким томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозим?*

Савол: *агарда ўғирланган тилла буюмлар М. Ботировнинг хотинига тегишли бўлса, унда ким фуқаровий даъвогар, деб эътироф этилади ва кимга етказилган моддий зарар қайтарилади?*

12-масала

Дастлабки терговда гумон қилинувчи А. Бобоев ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигини кўзлаб, зарурий юридик ёрдам кўрсатилиши учун ўзига адвокат кераклиги, аммо унга тўлашга пули йўқлиги тўғрисида терговчига мурожаат қилди. Терговчи А. Бобоевга давлат ҳимоячисини таъминлаб берди. А. Бобоевнинг ҳимоясини амалга ошираётган адвокат С. Ғуломов айбланувчи А. Бобоевнинг сўроғи ўтказилганидан сўнг, терговчига мурожаат қилиб, А. Бобоев пули йўқлиги сабабли ҳимоясини давом эттирмаслиги, ушбу жиноят ишида ҳимоячининг қатнашишини хоҳламаётганини айтди.

Топшириқ: *А. Бобоев ва С. Ғуломовнинг ҳаракатларини баҳоланг.*

Савол: *терговчи адвокатнинг илтимосини қаноатлантириши мумкинми ёки мумкин эмасми?*

13-масала

Айбланувчи Ф. Ориповнинг хотини эрига нисбатан ўтказилаётган дастлабки тергов ҳаракатларидан қониқмади. Унга қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхатга алмаштириш ва эрини қамоқдан чиқариш мақсадида жиноят ишини тергов қилаётган терговчига мурожаат қилиб, эрининг ҳимоясини бошқа адвокатга топшириш истагини билдирди. У Ф. Ориповнинг жиноят иши бўйича унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган адвокат И. Муродовдан воз кечиб, адвокат У. Ҳалиловни ёллаганлигини айтди.

Савол: *ким гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун адвокатни ёллашга ҳақли?*

Савол: *ким адвокатнинг ёрдамидан воз кеча олади ва унинг тартиби қандай?*

14-масала

Айбланувчи У. Холов дастлабки тергов давомида унга нисбатан қўйилган айбловга рози бўлмай, адвокати борлигига қарамай, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини янада яхшироқ ҳимоя қилиш мақсадида терговчидан яна қўшимча адвокат ёллаш учун ёрдам сўради. Рад жавобини олгач, бу тўғрида назорат қилувчи прокурорга мурожаат қилди.

Савол: *терговчининг айбланувчи У. Холовнинг илтимосини рад қилганлиги қонун бузилишига олиб келмадими?*

Савол: *терговчи айбланувчи У. Холовнинг талабини қаноатлантириши зарурми?*

15-масала

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ИИБнинг навбатчи қисмига телефон орқали ўғрилик тўғрисида хабар тушди, навбатчи инспектор жиноят содир этилган жойга тергов гуруҳини юборди. Ҳодиса жойига етиб келган тезкор тергов гуруҳи дарҳол вазиятни аниқлади, терговчи ва ЖҚБнинг тезкор вакили жабрланувчи ҳамда унинг қўшниларини гувоҳ сифатида сўроқ қила бошладилар. Эксперт-криминалист лейтенант Э. Баҳодиров эса ўғрилик содир этилган жойни кўздан кечириш баённомасини тузиб, ушбу тергов ҳаракатида қатнашиш учун фуқаро Л. Муродов ва вояга етмаган фуқаро О. Мансуровни холислар сифатида жалб этди, улар иштирокида барча маълумотларни ёзиб, уларга имзолатди.

Савол: *ким ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришини амалга ошириш ва баённома тузишга ҳақли?*

Савол: *холислар тергов ҳаракатида иштирок этишга жалб қилинганларида, қандай талабларни инобатга олишлари лозим?*

16-масала

Вояга етмаган З. Йўлдошев жиноят ишида айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганда, ишда иштирок этиш учун ҳимоячи С. Алимов ҳам таклиф этилган эди. Лекин З. Йўлдошев ўзини айбдор эмас деб ҳисоблаб, суд ўзига нисбатан оқлов ҳукмини чиқаришига ишониб, ҳимоячининг иштирок этишини хоҳламаслигини маълум қилди ва ҳимоячи билан суҳбатлашишдан бош тортди.

Савол: *ушбу иш бўйича терговчи қандай қарор қабул қилиши лозим?*

17-масала

Халқ маслаҳатчиси Б. Абдуллаев ишдан қайтаётганда, фуқаро С. Воҳидов содир этган безорилик ҳаракатининг бевосита гувоҳи бўлган. С. Воҳидов суд томонидан айбдор деб топилиб, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Адвокат О. Исомов жазони камайтириш ҳақида апелляция тарзида берган шикоятда суднинг таркиби қонунга хилоф эканлигини, яъни ушбу иш кўриб чиқиладиган вақтда гувоҳ тариқасида ҳеч ким сўроқ қилинмаганлигини, аммо воқеанинг ягона гувоҳи бўлган Б. Абдуллаев эса мазкур иш бўйича халқ маслаҳатчи сифатида иштирок этганлигини таъкидлади.

Прокурор ушбу иш юзасидан Б. Абдуллаев халқ маслаҳатчиси тариқасида судда қонуний асосда иштирок этаётганини ва иш бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаслигини таъкидлаб, адвокатнинг шикоятига раддия билдирди.

Савол: *прокурорнинг ҳаракатлари тўғрими?*

Савол: *суднинг таркиби қонунийми?*

18-масала

Фуқаро Т. Ақромов фуқаро Л. Камоловага нисбатан талончилик жиноятини содир этишда гумон қилинди ва ушланиб, вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасига жойлаштирилди. Эртаси куни терговчи А. Бобоев сўроқ қилиш чоғида Т. Ақромовдан бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беришни талаб қилди. Аммо Т. Ақромов ўзига жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиши тўғрисидаги қарор эълон қилинмаганини рўқач қилиб, кўрсатма беришдан бош тортди.

Савол: *Т. Ақромовнинг ҳаракатлари тўғрими?*

Савол: *айбланувчи қандай процессуал ҳуқуқларга эга?*

19-масала

Фуқаро Э. Тиллаев жанжаллашаётганларни ажратмоқчи бўлган вақтида, безорилар томонидан ўлдирилди. Кўп вақт ўтмай, мазкур жиноятни содир этган шахслар қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Терговчига ҳалок бўлганнинг ота-онаси томонидан уларни иш бўйича жабрланувчилар тариқасида тан олиш сўралган ариза тушди. Терговчи Э. Тиллаевнинг унаштириб қўйилган умр йўлдоши ҳам жиноятчилар жазодан қутулиб қолмасликлари учун жабрланувчи тариқасида барча тергов ҳаракатларида иштирок этишини маълум қилди.

Савол: *терговчи қандай ҳаракат қилиши лозим?*

28-мавзу. ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИ

1-масала

Терговчининг юритувида кўп қаватли уйдаги хонадонларнинг бирида ўғрилик содир этилганлиги ҳақидаги жиноят иши мавжуд. Ушбу иш бўйича гумон қилинувчилар бўлмаганлиги сабабли, терговчи мазкур ўғрилик жиноятини тергов қилиш билан шуғулланмади. Уч кундан сўнг терговчига ушбу жиноят иши бўйича қандай ҳаракатлар амалга оширилгани назорат қилувчи прокурор томонидан текширилиши маълум бўлди. Ушбу жиноят ишининг материаллари ўн беш саҳифадан иборат эди. Терговчи ўғрилик содир этилган уйнинг йўлакларини текширди, шунингдек кўшни уйларга ҳам борди ва хонадон эгаларини сўроқ қилди. Лекин ҳеч ким содир этилган жиноятга оид бирор маълумотга эга эмас эди. Терговчи сўроқ қилиш баённомаларини тузди, уларда: «Менга 2009 йилнинг 15 август куни Тошкент шаҳрининг Беруний кўчасидаги 36-уйнинг 5-хонадонида содир этилган ўғрилик ҳақида ҳеч нарса маълум эмас», – деган ёзувлар билан бирга, сўроқ қилинаётган кишиларнинг ўша куни эрта тонгдан кечгача нималар қилганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этган эди. Бунга сўроқ қилиш баённомалари ҳам кўшиб қўйилди. Натижада текшириши учун прокуратурага беш эмас, балки тўқсон олтита саҳифадан иборат жиноят иши тақдим қилинди.

Савол: *юқоридаги жиноятнинг исбот қилиш предмети нима?*

Савол: *ушбу уйда яшовчиларни сўроқ қилиш баённомаларида ишга тааллуқли ҳолатлар мавжудми, агар мавжуд бўлса, улар қайсилар?*

2-масала

2009 йил 30 май куни фуқаро Р. Ботиров турмуш ўртоғи А. Ботирова ва вояга етган қизи А. Собирова билан бирга, Ғафур Ғулом номли истироҳат боғи ҳудудида бўлган вақтида, хотини билан жанжаллашиб қолиб, уни уриб, баданига енгил даражадаги тан жароҳати етказди. Жабрланувчи А. Ботированинг аризасига асосан жиноят иши кўзғатилди. А. Собировани гувоҳ тариқасида сўроқ қилишга эҳтиёж туғилди, у била туриб ёлғон гувоҳлик берса, жинойий жавобгарликка тортилиши ҳақида терговчи томонидан огоҳлантирилди. Отасига қарши гувоҳлик беришни истамаганига қарамай, терговчи А. Собировани шунга кўндирди.

Савол: *терговчининг ҳаракатлари ва олинган далилнинг қанчалик мақбуллигини баҳолаб беринг.*

Савол: *терговчи сўроқ қилиш қоидаларига тўла риоя қилдими?*

3-масала

Дўкондаги пул маблағларининг талон-торож қилингани тўғрисидаги жиноят иши юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси тайинланди. Уни ўтказиш пайтида камомад дўкон ғазначиларидан бири А. Пўлатованинг ҳаракатлари натижасида содир этилганлиги аниқланди. А. Пўлатова экспертиза ўтказилишида шахсан иштирок этмаганини важ қилиб, ушбу экспертизанинг далилий аҳамиятини тан олмади.

Савол: *экспертизанинг мақбуллиги нуқтаи назаридан уни баҳоланг.*

Савол: *фуқаро А. Пўлатова ўтказилган экспертизада қатнашиши мумкинмиди?*

4-масала

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидагилар олинди:

- фуқаро С. Алиев номига берилган паспорт;
- хонтахтада турган ароқ шишасидан бармоқ излари;
- механик таъсир ўтказилиб, бузиш излари қолган кириш эшиги кесақисининг арралаб олинган бўлаги;
- бир жуфт қўлқоплар (жабрланувчининг тушунтиришича, унга тегишли эмас);
- пойафзал изидан олинган гипсли кўчирма.

Савол: *санаб ўтилган объектлардан қайсилари ашъвий далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйилиши зарур?*

Савол: *объектларнинг ҳар қайсиси жиноят ишига қандай тартибда қўшиб қўйилади?*

5-масала

Ички ишлар органи собиқ ходимининг хонадонида ўғрилиқ содир этилди. Жабрланувчи ҳодиса жойини кўздан кечиришни яхши биларди, тезкор тергов гуруҳининг келишини кутиб ўтирмай, унинг ўзи кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказди. Баённома тузди, бармоқ изларини олди ва кулф ригелининг қисқичидан кўчирма нусха тайёрлади. У ушбу материалларни олиб, ИИБга келди ва уларни содир этилган жиноят ҳақидаги аризага қўшиб, терговчига топширди.

Савол: юқорида кўрсатилган ҳолатда ёки қўшимча расмийлаштирилганда, айтиб ўтилган объектлардан бирортаси ашёвий далил бўла оладими?

6-масала

Фуқаро У. Жамолов 2008 йил 10 октябрь куни Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 75-уйнинг 32-хонадонидан номаълум шахслар «Bosh» фирмасида ишлаб чиқарилган музлатгичини ўғирлангани ҳақида милицияга мурожаат қилди. Ушбу факт юзасидан жиноят иши кўзғатди, дастлабки терговда У. Жамоловнинг кўшниси фуқаро П. Одилов ўғрилиқни бир ўзи содир этганлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Савол: терговчининг П. Одиловга ишонishi ва унинг бир ўзи жиноий жавобгарликка тортишини инобатга олиб, жиноят ишини тўлиқ ва тўғри тергов қилинган, деб ҳисобласа бўладими?

Савол: қайси тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали П. Одиловнинг кўрсатмалари тўғри ёки ёлгонлигини аниқлаб, ушбу жиноятни нечта шахс содир этганлигини исботласа бўлади?

7-масала

Фуқаро У. Турдиев 2009 йилнинг 29 декабрь куни Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани прокурорига шикоят билан мурожаат қилди. Унинг ёзишича, бир кун аввал Олой бозорида гўшт сотаётганида, унинг ёнига профилактика инспектори келиб, 10 кг қўй гўштини танлаб, ўлчатгандан кейин, пулини тўламасдан: «Қассоблар менга ҳар ой ҳақ тўлайди, сен эса бу 10 кг гўштни менга Янги йил совғаси деб бергин, шунда икки ой ҳақ тўламайсан», – деган. Фуқаро У. Турдиев бу гапни уяли телефонига ёзиб олган ва буни унинг ёнида савдо қилувчи бошқа қассоблар ҳам тасдиқлашини ёзиб, қонуний чора кўришни сўради.

Савол: профилактика инспекторининг айбини исботлайдиган далиллар борми?

Савол: уяли телефонга ёзилган аудио ва видео ёзувлар дастлабки терговда далил сифатида эътироф этиладими?

8-масала

2009 йил 10 август куни Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани ИИБнинг навбатчилик қисмига фуқаро О. Бўронова мурожаат қилиб, соат чамаси 12⁰⁰ ларда кўчада дугонаси билан кетаётганида, илгари унга номаълум бўлган шахс бўйнидан нархи 400 000 сўмлик тилла занжирини юлиб олиб, қочиб кетганини айтди. Ўтказилган тезкор

қидирув тадбирлари натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумон қилинувчи сифатида С. Тўхтаев ушланди.

Савол: *ушбу жиноятни содир этишда гумон қилиниб, ушланган С. Тўхтаевнинг айби бор ёки йўқлигини аниқлаш ва исботлаш учун терговчи томонидан ёки унинг топширигига асосан қандай тергов ҳаракатлари ўтказилиши керак?*

Савол: *тергов ҳаракатлари давомида гумон қилинувчи С. Тўхтаевнинг айбини исботлайдиган қандай далиллар олинishi мумкин деб ҳисоблайсиз?*

9-масала

Тошкент шаҳри, Миробод тумани прокуратурасида 3/565-жиноят иши бўйича тергов ўтказилди. Дастлабки терговни амалга ошириш даврида терговчида ушбу жиноят иши бўйича тўпланган материаллардаги фуқаро А. Муродовнинг ўлимига олиб келган сабаблар шубҳа уйғотди. Экспертизанинг хулосасига қониқмай, терговчи қўшимча экспертизани ўтказиш зарур деб ҳисоблаб, фуқаро А. Муродов кўмилган мазорга борди, гўрковларга кўрсатма бериб, уларнинг иш ҳақини тўлаб, мурдани гўридан қазиб олдирди, уни махсус автомашинада қайтадан қўшимча экспертиза ўтказиш учун моргга олиб борди.

Савол: *бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *ушбу ҳолатда терговчида суд тиббий экспертизасига шубҳа ўйгонганда, у қандай тартибда, қайси тергов ҳаракатини ўтказиши лозим эди?*

10-масала

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБнинг терговчиси лейтенант Б. Азизовнинг иш юритувида 5/460-жиноят иши мавжуд бўлиб, ушбу иш бўйича фуқаро А. Қўзиев ЖК 166-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбланмоқда. Жабрланувчи фуқаро О. Олимованинг айтишича, ўша талончилик жиноятини содир этган шахс ташқи кўринишидан унга ўхшар экан.

Савол: *терговчига айбланувчи А. Қўзиевнинг юқоридаги жиноятни содир этган-этмаганлигини аниқлаш учун қандай тергов ҳаракатини ўтказиши зарур бўлади?*

Савол: *терговчи ушбу тергов ҳаракатини ўтказиши учун нималарга эътибор қаратиши ҳамда таъминлаши зарур, деб ўйлайсиз?*

11-масала

Эксперт иштирокида ўғрилиқ содир этилган хонадонни кўздан кечириш жараёнида терговчи кириш эшиги олдида ёндирилган гугурт чўпларини ва ҳовлида бармоқ излари қолдирилган дераза ойналарининг синиқларини топди. Жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили қўшнилар орасида суриштирув ишларини олиб борди. Кинолог эса хизмат қидирув ити билан из бўйлаб тахминан етти юз метр масофага борди, транспорт серқатнов бўлган катта йўлга чиққач, изни йўқотди.

Топшириқ: қандай манбалар ушбу ўғрилиқ жинояти бўйича далилий аҳамиятга эгаллигини таҳлил қилинг.

Савол: олинган маълумотлар далилий аҳамиятга эга бўлиши учун улар қандай манбалар билан мустаҳкамланиши лозим?

12-масала

Ҳ. Солиҳова уйни эгаллаш мақсадида эри ва қайнотасини захарлаб ўлдиришда айбланиб, жинойий жавобгарликка тортилган. Сўроқ жараёнида Ҳ. Солиҳова шифокор Р. Асқаров билан яқин алоқада бўлиб юрганини, Р. Асқаров унга марҳумларнинг ўзлари захарланиб қолган, деб кўрсатиш йўллари айтганини, эри билан қайнотасини қандай қилиб ўлдириш мумкинлиги тўғрисида маслаҳат берганини ва ушбу жиноятни яширишда ёрдамлашганини таъкидлаган. Мурдалар суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиладиган куни Ҳ. Солиҳова шифокор Р. Асқаровнинг олдига келиб, у билан гаплашган.

Иш бўйича Ҳ. Солиҳова одам ўлдириш жиноятини содир этганидан сўнг, Р. Асқаровдан ташқари бошқа шахсларга ҳам ёрдам беришларини сўраб, мурожаат қилганлигини тасдиқловчи далиллар бор. Хусусан, у суд тиббиёт эксперти Э. Пўлатовга учрашиб, мурдаларнинг суд тиббиёт экспертизаси натижалари билан қизиққан.

Ҳ. Солиҳова ушбу жиноятни содир этишдан аввал суд тиббиётига оид китобларни сотиб олган. Захар топиш йўллари қидирган, бир неча одамлардан уни топиб беришларини илтимос қилган.

Савол: иш бўйича мавжуд маълумотлар Ҳ. Солиҳованинг айбини исботловчи далил бўла оладими?

Савол: мазкур жиноят иши бўйича қандай маълумотлар далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Савол: ушбу жиноят иши бўйича шифокор Р. Асқаровни ҳам жинойий жавобгарликка тортишга далил-исботлар етарлими?

13-масала

Я. Илёсов ўғрилиқ жинояти бўйича гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилинаётганда, ушбу жиноятни содир этмаганини ва ўғрилиқ содир этилган вақтда у бошқа шаҳарда хизмат сафарида бўлганлигини таъкидлади. Я. Илёсов ушбу кўрсатмасини тасдиқлаш учун терговчига ўзининг шаҳардан қачон кетганлиги ва қачон қайтганлигини тасдиқловчи темир йўл чипталарини тақдим этди.

Топшириқ: *далил ва унинг манбаларини айтиб беринг.*

Топшириқ: *уларнинг ўғрилиқ жинояти бўйича аҳамиятини аниқланг.*

14-масала

Ички ишлар органининг ходими З. Одиловга тунда хотини Ф. Одилова билан меҳмондорчиликдан қайтаётган вақтда, номаълум шахслар томонидан оғир тан жароҳати етказилди, у касалхонага олиб борилгандан сўнг, олган тан жароҳатининг оғирлиги натижасида вафот этди.

Иш бўйича жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ф. Одилова турмуш ўртоғи билан ўз уйларига яқинлашганларида, уларни нотаниш икки эркак киши тўхтатганини, улардан бири З. Одиловга мурожаат қилиб, гаплашиб олишлари кераклигини айтган. З. Одилов эса хотинидан уйга кириб кетаверишини сўраб, ўзи икки номаълум эркак билан қолган. Ф. Одилова уйига кириб, бир неча дақиқадан сўнг турмуш ўртоғидан ҳавотирланиб, уни кутиб олиш мақсадида ташқарига чиққанда З. Одиловнинг қонга беланган ҳолда қор устида ётганини кўрган. Шунда турмуш ўртоғига: «Фотима, менга пичоқни Камолов санчди. У Илҳом билан бирга эди», – деган. Ф. Одилова бу пайтда турмуш ўртоғининг олдида ҳеч кимни кўрмаганини таъкидлаган.

Топшириқ: *Ф. Одилованинг кўрсатмасидаги эрининг ўлими олдидан айтган сўзлари қисмини таҳлил қилинг.*

15-масала

Хизмат ити қишлоқ дўконида содир этилган ўғрилиқ жинояти юзасидан воқеа жойидан из олиб, кинологни йўл қурувчилари яшаётган чодир олдига олиб борди. Ит у ерда қурувчи К. Амировга ташланишга ҳаракат қилди. Ишга доир тўпланган далилларга асосан К. Амиров айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинди. Терговчи жиноят иши юзасидан тузилган айблов хулосасида айбланувчи К. Амировга хизмат қидирув ити иштирокида одорологик

(ҳид бўйича) таниб олиш ўтказилганлигини эслатиб ўтди. Лекин айбланувчи К. Амиров дастлабки терговда ҳам, суд жараёнида ҳам ўзини айбдор деб тан олмай, мазкур жинотни содир этмаганлигини, тунда кимдир унинг этигини кийиб кетганлигини таъкидлади.

Суд ўзининг айблов ҳукмида бошқа далиллар қаторида судланувчининг айби суд одорологияси тергов ҳаракати баённомаси билан ҳам ўз тасдиғини топган, деб таъкидлади.

Топшириқ: *ушбу ҳолатни инобатга олиб, масалани қонунда кўрсатилган далиллар нуқтаи назаридан таҳлил қилинг.*

16-масала

Терговчи тамагирлик жинояти бўйича жиноят иши кўзғатилишидан бир неча кун олдин, оператив йўл билан олинган, айбланувчилардан бирининг сўзлашувлари ёзилган магнитофон тасмасини ашёвий далил тариқасида ишга қўшди ва бу ҳақида ўзи тузган маълумотномага қайд этди.

Савол: *овоз ёзилган ушбу тасма суд учун далил сифатида хизмат қила оладими?*

17-масала

Айбланувчи О. Умаровнинг хонадонида эксперт иштирокида тинтув тергов ҳаракати ўтказилди ва унинг махсус билимлари ёрдамида қимматбаҳо буюмлар ва терговни қизиқтирувчи ҳужжатлар яширилган хилватгоҳ топилди.

Савол: *ушбу ҳолат бўйича қандай процессуал ҳужжат қайд этилиши лозим?*

Топшириқ: *бундай ҳужжат қандай далилий манбалар қаторига киритилишини аниқланг.*

18-масала

А. Валиев одам ўлдириш жинояти бўйича ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилди. Терговчи воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида бош кийим ва қонга беланган рўмолчани топди. Ушбу нарсалар жиноятни содир этган шахсга тегишли бўлиши мумкин, деган гумон асосида воқеа жойида хизмат қидирув итидан ҳам фойдаланилди. Хизмат қидирув итига воқеа жойидан топиб олинган бош кийим ҳидлатилгандан сўнг, ит бир гуруҳ одамлар орасидан ушбу жиноятни содир этганликдан бўйин

товлаётган А. Валиевга бориб ёпишди. Терговчи А. Валиевни иккинчи бор бошқа одамлар гуруҳига қўшганда, унинг ўзи хоҳлаган жойида турганида, бошқа қидирув итидан, шунингдек, бош кийим ёки рўмолчадан фойдаланилганда ҳам, итлар ҳид бўйича А. Валиевга ташланаверди. Терговчи ҳар сафар ит ўзгартирилиб ўтказилган тажрибалар тўғрисида алоҳида баённома тузди.

Савол: *юқоридаги ҳаракатлар асосида тузилган баённомалар далилий аҳамиятга эгами?*

19-масала

Айбланувчи Ф. Мамадалиев дастлабки сўроқ жараёнида одам ўлдириш жинояти содир этганлик айбига тўлиқ иқроор бўлиб, воқеани ҳар томонлама батафсил сўзлаб берди. Терговчи унинг ушбу кўрсатмаси юзасидан баённома тузганида, айбланувчи ўз кўрсатмаларидан бош тортиб, унга имзо чекмади. Шунда терговчи айбланувчининг кўрсатмалари магнит тасмасига ёзиб олинганини айтди. Шунга қарамасдан, айбланувчи Ф. Мамадалиев сўроқ баённомасига имзо чекишдан ва бундан кейин кўрсатма беришдан бош тортди. Терговчи дастлабки терговни тамомлаб, сўроқ жараёнида айбланувчининг кўрсатмаси ёзилган магнит тасмани унга илова қилди, иш юзасидан айблов хулосасини тузди ва жиноят ишини тасдиқлаб, судга юбориш учун прокурорга жўнатди.

Савол: *айбланувчи Ф. Мамадалиевнинг магнит тасмасига ёзилган кўрсатмаси далилий аҳамиятга эгами?*

20-масала

Гуруҳлар ўртасидаги жанжал оқибатида мактаб ўқувчиси И. Салимов ўлдирилган. Унинг ўлими умуртқа поғонаси ва миясига пичокдан жароҳат олгани натижасида содир бўлган. Терговнинг дастлабки босқичида ушбу жиноятга алоқадор гувоҳларни аниқлашнинг иложи бўлмади. Жанжал кечки пайт, яъни қоронғи тушганда содир этилган. Мурда топилган жойдан унинг умуртқа поғонасига санчилган пичоқ топилган. Бир қанча шахсларнинг кўрсатмаларидан сопи органик шишадан ясалган пичоқ уч ой муқаддам жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққан К. Қорабоевга тегишли экани, бундан ташқари, у ушбу жанжал вақтида воқеа содир бўлган жойда бўлганлиги аниқланди.

Савол: *ушбу пичоқ қандай асосларга мувофиқ, қайси далилий ашё манбалари қаторига киритилиши мумкин?*

Топшириқ: *умумий қоидаларга асосан ушбу далилларни аниқлашнинг усулларини таҳлил қилинг.*

21-масала

Темир йўл ҳаракати хавфсизлигининг бузилиши тўғрисида кўзғатилган жиноят ишининг дастлабки терговда жабрланувчининг тунда маст ҳолда темир йўлга йиқилгани оқибатида ҳалок бўлгани аниқланди. Электровоз узоқ масофага жабрланувчининг танасини темир йўлда судраб боргани туфайли мурда икки қисмга бўлиниб, таниб бўлмас даражага келиб қолган. Мутахассис шифокор иштирокида жабрланувчининг тана қолдиқларини кўздан кечирган терговчи С. Муродов ушбу воқеа юзасидан суд тиббий экспертизаси ўтказилиши бефойда, деган хулосага келиб, ишни тугатди. Лекин ушбу ишни кўриб чиққан судья терговчи суд тиббий экспертизасини тайинланмагани боис, дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган деб ҳисоблаб, ишни кўшимча тергов юритиш учун қайтариб юборди.

Топшириқ: *судьянинг қарорига баҳо беринг.*

Топшириқ: *жиноят иши бўйича экспертиза тайинлаш асосларини тушунтиринг.*

29-мавзу. ЖИНОЙ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ

1-масала

Фуқаро У. Болтаев 2009 йил 10 март куни Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани ИИБга мурожаат қилиб, номаълум шахслар унинг уйидан “SONI” фирмасида ишлаб чиқарилган аудиомагнитофонини ўғирлагани учун уларга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўради. Ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумон қилинган фуқаро А. Давлатов ушланди ва терговчи томонидан 10 сутка муддатда хизмат хонасида етарли далилларни йиғиш мақсадида ушлаб турилиб, барча тергов ҳаракатлари ўтказилди.

Топшириқ: *терговчининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *терговчи гумон қилинувчи А. Давлатовни қанча муддатга ва қаерда ушлашга ҳақли эди?*

2-масала

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ИИБ тергов бўлини маси терговчиси лейтенант И. Қосимов 2009 йил 25 апрель куни иш

юритувидаги 5/265-жиноят ишида айбланувчи сифатида жалб қилинган Ф. Полвоновга нисбатан эҳтиёт чораси ўрнида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат олишни танлади. Айбланувчи Ф. Полвонов ЖК 169-моддасининг 4-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганига қарамай, уни очикда қолдирди. Терговчининг қарорига рози бўлмаган туман прокурори уни бекор қилди, айбланувчи Ф. Полвоновга нисбатан камокқа олиш эҳтиёт чорасини танлаб, ижро этилишини талаб қилди.

Топшириқ: *юқорида кўрсатилганларни инобатга олган ҳолда, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *прокурор терговчининг қарорини бекор қилиши мумкинми?*

Савол: *терговчи прокурорнинг қарорига рози бўлмаса, қандай тартибда иш юритиши лозим?*

3-масала

Фуқаро А. Тошматов босқинчилик жиноятини содир этганликда гумон қилинди, унга нисбатан Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ИИБ тергов бўлинмасининг терговчиси капитан Ф.Файзуллаев 5/415-жиноят ишини кўзғатди. А. Тошматов жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида жалб қилиниб, унга гаров эҳтиёт чораси қўлланилди. Терговчи А. Тошматовга: «Беш юз минг сўм олиб келасан», – деб, уни уйига қўйиб юборди. Эртаси куни А. Тошматов шунча миқдордаги пулни терговчига хизмат хонасида ҳеч ким йўқлигида қолдириб кетди.

Топшириқ: *терговчининг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.*

Савол: *А. Тошматов гаровга қолдирган беш юз минг сўм пулни қонуний тарзда қайтиб олиши учун ҳужжатлар қандай тартибда расмийлаштирилиши ва бу вақтда кимлар иштирок этиши лозим эди?*

4-масала

Ички ишлар органининг ходими ишдан қайтаётганида, бир шахс бошқа шахсга пичоқ билан зарба берганини кўрди ва тан жароҳати етказган шахсни ушлади. Уни яқин орадаги ички ишлар бўлимига олиб келиб, навбатчи қисмга топширди.

Савол: *ким ушлаб туриш баённомасини расмийлаштириши лозим?*

Савол: *ушлаб туришининг процессуал тартиби қандай?*

5-масала

Илгари талончилик жиноятини содир этгани учун судланган У. Ҳошимов жиноят содир этишда гумон қилиниб, унга қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланди. Ўн сутка ичида уни айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун етарли далиллар тўпланмади. Терговчи прокурордан У. Ҳошимовни гумон қилинувчи сифатида яна беш сутка ушлаб туришга рухсат беришини сўради. У ўз илтимосини беш суткадан кейин ягона гувоҳ бўлган Н. Камоловнинг хизмат сафаридан қайтишини, у У. Ҳошимовни таниб олишда иштирок этишини, шундан сўнг У. Ҳошимовга нисбатан айб эълон қилиш мумкин, деган фикрлар билан асослади.

Топшириқ: *терговчининг ҳаракатларига баҳо беринг.*

Савол: *прокурор қандай қарор қабул қилиши керак?*

6-масала

3. Ашуров «Ўзбекистон» ресторанида безорилик ҳаракатини содир қилди, ёнидаги пичоғи билан фуқаро Ф. Зокировнинг кўкрак қафасига зарба урди ва унга оғир тан жароҳатини етказиб, ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетди. Амалга оширилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида у қўлга олинди.

Савол: *3. Ашуровга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга етарли асослар мавжудми?*

Топшириқ: *мазкур факт юзасидан тегишли процессуал ҳужжатни тузинг.*

7-масала

А. Қаюмов ва Ш. Бердиев жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, эҳтиёт чораси сифатида А. Қаюмовга қамоқ, Ш. Бердиевга эса муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат олиш қўлланилган. А. Қаюмов терговчининг ҳаракатлари устидан прокурорга шикоят ёзиб, унда озиқ-овқат дўконида Ш. Бердиев билан биргаликда ўғрилик жиноятини содир этганини, аммо унинг очикда қолдирилгани адолатсизлик эканини маълум қилди.

Савол: *А. Қаюмовнинг шикояти асослими?*

Савол: *биргаликда жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳар хил эҳтиёт чораларини қўллаш мумкинми?*

8-масала

«Нексия» русумли автомашинанинг ҳайдовчиси Б. Назиров светофорнинг қизил чироғидан ўтиб кетиб, чорраҳада 6 ёшли

Ш. Тўраевани босиб кетди. Унинг отаси қизининг ҳалок бўлганини эшитиб, Б. Назировни ўзининг ов милтиғидан отиб, ўлдирмоқчи бўлди. Аммо терговчи ҳайдовчининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унга қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллади. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун белгиланган тартибда санкция олинди.

Савол: *ушбу ҳолатда эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос тўғри танланганми?*

Савол: *қамоққа олишнинг тартиби қандай?*

9-масала

14 ёшли мактаб ўқувчиси Ғ. Ботиров жиноий гуруҳнинг таъсирига тушиб, унинг аъзолари билан талончилик жиноятини содир этаётганида, қўлга олинди. Вояга етган жиноятчиларга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланди. Ғ. Ботировнинг қўшма корхонада ҳуқуқшунос лавозимида ишловчи отаси қамоқда сақлаш жойи ўғлига салбий таъсир этишидан ҳавотирланиб, терговчидан ўғлини ҳибсга олмасликни сўради ва унинг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафолат берди. Шунингдек, у ўғлини шахсий кафилликка беришни сўради. Терговчи Ғ. Ботировга нисбатан шахсий кафиллик эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор чиқариб, унинг отасидан шахсий кафиллик тўғрисида тилхат олди.

Терговчи икки кундан сўнг Ғ. Ботировни сўроққа чақирганида, унинг уйдан қочиб кетгани ва қаерда эканини унинг отаси ҳам билмаслиги маълум бўлди. Ғ. Ботировнинг отаси терговчига ўғли ўзини алдагани ва озодликда юрган жиноятчилардан кўрқиб, қочиб кетгани тўғрисида тушунтириш хати берди.

Савол: *эҳтиёт чораси тўғри қўлланилган эдими?*

Савол: *ушбу ҳолатда кафилликка олган шахсга нисбатан қандай оқибатлар келиб чиқиши мумкин?*

10-масала

Акциядорлик жамиятининг раиси Т. Ринатов тергов қилинганда унинг 2000000 сўмни талон-тарож қилганлиги аниқланди. Сўроқларнинг бирида терговчи Т. Ринатовга қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашини айтганда, у ўзини очикда қолдиришни сўради. Шу билан бирга, 500000 сўм миқдорида гаров бериши мумкинлигини билдирди.

Савол: *терговчи гаров эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосни қондириши мумкинми?*

Савол: *гаров эҳтиёт чорасини қўллашнинг тартиби қандай?*

11-масала

Жиноят содир этишда гумон қилинган Ш. Бозоровга нисбатан айб эълон қилишдан олдин эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш чораси қўлланилган. Ш. Бозоров сўроқ қилинганида, ўзининг ноқонуний қамокқа олинганини, жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ва эҳтиёт чораси қўлланиши устидан тегишли прокурорга шикоят қилишини айтди. Терговчи унинг қамокқа олинишига прокурор санкция берганлигини билдириб, унга қаерга ва кимга шикоят қилиши мумкинлигини тушунтирди.

Савол: *терговчининг тушунтириши тўғрими?*

Топшириқ: *дастлабки терговда эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишга қарши шикоят келтириши тартибини изоҳлаб беринг.*

12-масала

Ҳарбий қисмнинг аскари М. Охунов шаҳарга чиққан вақтида, спиртли ичимлик ичиб, безорилик ҳаракатини амалга оширди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳудудийлик принципига кўра, жиноят ишини кўзғатган Мирзо Улуғбек тумани ИИБнинг тергов бўлини маси терговчиси М. Охуновга эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш тўғрисида қарор чиқарди.

Топшириқ: *терговчининг ҳаракатига баҳо беринг.*

Савол: *М. Охуновга қандай эҳтиёт чораси ким томонидан қўлланилиши лозим?*

13-масала

Фуқаро З. Юсупов Камоловлар истиқомат қиладиган уйга қасддан ўт кўйган. Ёнғин тез ўчирилганига қарамасдан, келтирилган моддий зарар 320000 сўмни ташкил қилган.

Айбланувчи З. Юсупов мактаб ўқувчиси эди, у ўз жиноятига чин кўнгилдан пушаймон бўлди. Унинг ота-онаси мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар.

Савол: *З. Юсуповга ота-онасининг кузатуви остига олишни топшириши эҳтиёт чорасини қўллаш мумкинми?*

30-мавзу. «СУРИШТИРУВ» ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1-масала

Туман прокуратурасининг терговчиси О. Тўлагановнинг иш юритувида мактаб ўқитувчиси Ш. Ризаевнинг ўлдирилганлиги тўғрисидаги жиноят иши мавжуд. Ш. Ризаев мактаб хўжалик бўлимининг мудирини Я. Темиров томонидан ўлдирилган, деган тусмолни текшириш мақсадида терговчи 10-синф ўқувчилари А. Мирзаев ва У. Ғуломовни таклиф қилди, улардан хўжалик бўлимининг мудирини кимлар билан учрашишини кузатишларини ва унга маълум қилишларини сўради. Шундан сўнг терговчи Я. Темировнинг уйида тинтув ўтказди ва у ердан мархумнинг қаламтарошини топди. О. Тўлаганов театр устахонасида чол кўринишида грим қилиб, юз соҳасига ажин солдириб, Я. Темировнинг отасининг уйида ижарага бир ҳафта яшади. Бу ҳолат Я. Темировнинг қотилликка алоқадорлигини исботловчи далилларни тўплашга ёрдам берди. Терговчи О. Тўлаганов кўшимча материалларни тўплаб, Я. Темировни ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқарди ва прокурордан санкция олди.

Савол: *О. Тўлагановнинг ҳаракатлари қонунийми?*

Савол: *терговчи қонунга биноан кимга тезкор қидирув ҳаракатларини ўтказишни топшириш ваколатига эга?*

Савол: *тезкор қидирув йўли билан олинган маълумотларнинг процессуал аҳамияти нимадан иборат?*

2-масала

Вояга етмаганлар А. Бекназаров ва З. Қорахонов нафақахўр М. Дадамирзаевга тан жароҳати етказдилар ва бу ҳолат жабрланувчи саломатлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келди. Ички ишлар органи жиноят ишини кўзғатди.

Топшириқ: *мазкур ишнинг терговга тегишлилигини аниқланг.*

3-масала

Туман прокурори фуқароларга тажовуз қилиб, уларнинг мулкани эгаллаш мақсадида босқинчилик билан шуғулланувчи Х. Ғойибназаров ва бошқаларнинг жиноят ишлари материаллари билан танишиб чиқди ва терговчига ёзма кўрсатмалар берди. Уларнинг қилмишларини ЖКнинг талончилик жиноятини кўзда тутган

моддасидан босқинчилик жиноятини кўзда тутган моддасига қайта квалификациялашни, айбланувчи Ғ. Пирмуродовга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириб, уни қамоқдан озод этишни тавсия қилди. Шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчилар ўртасида бир қанча юзлаштиришлар, Ҳ. Ғойибназаровнинг ота-онасининг уйида тинтув ўтказиш ҳақида ҳам кўрсатма берди.

Терговчи прокурорнинг кўрсатмаларидан норози бўлди. Чунки у айбланувчиларнинг ҳаракатларига қўйган квалификациясини тўғри, Ғ. Пирмуродовга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, озодликка чиқарилса, у қочиб кетиши мумкин, прокурор таклиф қилган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг вақти келган эмас, деб ҳисоблайди.

Савол: бундай ҳолларда терговчи прокурорнинг кўрсатмаларини бажармаслиги мумкинми ва у қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак?

4-масала

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган катта ва мураккаб жиноят бўйича кўзғатилган ишни тергов қилаётган прокуратура терговчиси кўп ва узоқ машаққатлардан сўнг айбланувчиларни тўла қош этадиган далилларни йиғди. Терговчи оммавий ахборот воситаларида терговга тааллуқли текширилмаган маълумотлар чоп этилганлиги туфайли ўз ташаббуси билан кўпгина интервьюлар берди. У интервьюларида айбланувчиларнинг бевосита қош этилгани, оқланиши тўғрисидаги хабарларни инкор этди, агар суд айбловга рози бўлса, ҳукмда уларга қандай жазо чоралари белгиланиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Айбланувчиларнинг ҳимоячилари прокурорга мурожаат этиб, терговчини тергов сирларини ошкор қилгани учун терговдан четлаштиришни ва унга нисбатан жиноят иши кўзғатишни талаб қилдилар.

Савол: ҳимоячиларнинг аризалари бўйича қандай қарорлар қабул қилиниши мумкин?

Савол: тергов сирлари нималардан иборат ва улар нега қонун билан мустаҳкамланган?

5-масала

И. Иброҳимов оғир жиноят содир этгани қош этилгунча, бир неча маротаба сохта тусмолларни келтирди, ўз кўрсатувларини ўзгартирди ва терговни сохта йўлга буришга ҳаракат қилди. Терговчининг дастлабки терговни зукколик ва тиришқоқлик билан олиб боргани туфайли И. Иброҳимов содир этган жиноятини бўйнига олишга

мажбур бўлди ва қилмишига иқрорлигини, ҳаққоний кўрсатувлар бериш ниятидалигини билдирди. У баъзи тергов ҳаракатларининг (асосан кўздан кечириш) баённомаларини кўрсатишни сўради. Бундай илтимосдан хотирасида қайси жойда қандай жиноятни содир этганлигини тиклаб, гапириб бермоқчилигини айтди, унинг талаби қондирилди.

Терговчи ҳаққоний кўрсатувларни далил сифатида мустаҳкамлаш учун ҳодиса содир бўлган жойларга холислар ва мутахассислар билан борди. Айбланувчи И. Иброҳимов уларга қандай жиноятни қаерда содир этганлигини гапириб берди. Бу жараёнда видеоёзув қўлланиб, унинг кўрсатувлари баённомаларга қайд этилди.

Топшириқ: *терговчининг ҳаракатларини баҳоланг.*

Савол: *агарда айбланувчи кейинчалик ўз кўрсатувларидан бош тортса, бундай ҳолда унинг кўрсатувлари далилий аҳамиятга эга бўладими?*

6-масала

Фуқаро Э. Орифжонов безорилик қилиб, илгари ўзига нотаниш вояга етмаган Ю. Ҳамидовага тан жароҳати етказди. Бу ҳолат туфайли жабрланувчи ўз саломатлигини тиклаш мақсадида 24 кун давомида касалхонада даволанди. Ички ишлар органи жиноят ишини кўзгатди.

Топшириқ: *мазкур ишнинг терговга тегишлилигини аниқланг.*

Савол: *жиноят ишини қўзғатиш учун асос борми?*

Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органларининг фаолияти

31-мавзу. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО БИЛЛНИНГ ЮРИДИК МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

1-масала

2010 йил июнь ойида Қирғизистонда юз берган фожиали воқеалар

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2010 йил
14 июндаги махсус баёноти*

2010 йил 10 июнь ва кейинги кунлар давомида Қирғизистон жанубининг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятининг кўчалари ва уйларида босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига нисбатан қотиллик, зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ва талон-тарож ҳолатлари содир этилган ва жазосиз қолган. Оммавий тус олган бу каби ҳолатлар Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида яшаган ўзбек миллатига мансуб

аҳолига нисбатан содир этилган. Уюштирилган, бошқарилган ва ифвогарлик характериға эға бундай хатти-ҳаракатлар миллатлар ўртасида низо кўзғатиш, Қирғизистон жанубида яшаган камсонли миллатлар вакиллари учун чидаб бўлмайдиган шароитни вужудга келтириш ниятида узокни кўзлаб, содир этилди. Ўзбекистон қабул қилган қочқинларнинг сони 80 мингдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2010 йил 11 июнь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган ШХТ йиғилиши қатнашчиларига ҳамда 2010 йил 16 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунга Қирғизистондаги фожиали воқеаларда кўплаб бегуноҳ инсонларнинг ҳуқуқлари кўпол равишда бузилганлиги ҳақида муурожаат қилди.

Савол: Қирғизистонда 2010 йил июнь ойидаги фожиали воқеалар оқибатида қочқинларга Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қандай ёрдамлар кўрсатди?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилиши мавжуд бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжат нормалари бузилган ҳисобланади?

2-масала

Яновский Польшага қарши

1999 йил 21 январдаги суд қарори

1992 йил 2 сентябрь куни икки нафар муниципалитет полициячиси кўча савдогарларига Здунска Воля майдонида савдо қилишларини тақиқлаган ва бу майдонни тарк этишларини талаб қилганлар. Журналист Яновский воқеага аралашиб, полициячиларга уларнинг ҳаракатлари ҳуқуқий асосга эға эмаслиги ва улар тадбиркорлик соҳасидаги эркинликни кафолатловчи ҳуқуқларни бузаётганликларини айтган. Кейинчалик шаҳар прокурори Яновскийга қарши жиноят иши кўзғатган. Биринчи босқич суди Яновскийни икки нафар муниципалитет полициячисини оғзаки ҳақоратлагани учун шартли равишда саккиз ой қамоқ ва жаримага ҳукм қилган. Яновский муниципалитет полициячиларини ҳақоратлагани учун ҳукм этилишини конвенциянинг 10-моддасида кафолатланган сўз эркинлиги ҳуқуқининг бузилиши, деб таъкидлаган.

Савол: жаноб Яновскийнинг полициячиларни ҳақоратлагани учун ҳукм этилишида инсон ҳуқуқлари бузилганми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган ҳисобланади?

3-масала

К. Ф. Германияга қарши

1997 йил 27 ноябрдаги суд қарори

1991 йил 4 июль куни полициячилар Ульмен шаҳридаги квартирасининг ижара ва телефон сўзлашувлари ҳақини тўламасдан, тарк этишни режалаштирганликлари учун К. Ф. ва унинг хотинини қамоққа олишди. Эртасига эр-хотинни қамоққа олишга прокурор рози бўлмади ва уларни озод қилди. 1991 йилнинг октябрь ойида жаноб К. Ф. прокуратурага 4 июль воқеаларида иштирок этган полициячиларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиб, асосиз қамоққа олингани ва камситувчи муомала қилинганини билдирди. Жаноб К. Ф. 1993 йил 14 декабрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига берган шикоятда ўзининг ушланиши ва полиция маҳкамасида қамоқда сақланиши Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 5-моддаси 1-бандига зид эканини таъкидлаган.

Савол: жаноб К. Ф.га нисбатан полиция ходимларининг ҳаракатларида инсон ҳуқуқларининг бузилиши мавжудми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?

4-масала

Калашников Россия Федерациясига қарши

2002 йил 15 июлдаги суд қарори

Аризачи судга майдони 17 кв.м. бўлган саккизта ётоқ жойли камерада 24 нафар маҳкум орасида сақлангани, ухлаш учун шароит бўлмагани, маҳкумларнинг унитаздан бир метр масофада жойлашган столда овқат ейишлари, камерада шамоллатиш асбобининг йўқлиги, ёзда иссиқ, қишда эса совуқ бўлиши, чойшаб, ликобча берилмагани, камералар суваракларга тўлгани, аризачида тери касалликлари ва замбуруғ инфекциялари пайдо бўлгани, оёқ ва айрим қўл бармоқларидаги тирноқларининг кўчгани, у сақланаётган камерага олти марта сил ва заҳм касалига чалинган маҳкумларнинг жойлаштирилгани ҳақида шикоят билан мурожаат қилиб, тергов ҳибсхонасида сақлаш шароитлари конвенциянинг 3-моддасига зид эканлигини баён қилган.

Савол: жаноб Калашниковга нисбатан Россия Федерацияси томонидан инсон ҳуқуқлари бузилганми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?

5-масала

Сёринг Бирлашган Қиролликка қарши

1989 йил 7 июлдаги суд қарори

1985 йил 30 март куни 18 ёшли жаноб Сёринг ўз дугонасининг ота-онасини Виржиния штатида жойлашган уйида ўлдирган. Жиноятчи воқеа жойидан қочиб яширинган, аммо Англияда қўлга олинган. 1986 йил 31 июлда Америка Қўшма Штатлари ҳукумати икки мамлакат ўртасида тузилган тутиб топшириш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ, уни экстрадиция қилишни талаб қилган. Жаноб Сёрингга АҚШда ўлим жазоси берилиши, Англияда эса бу жазо чораси бекор қилинганлиги туфайли экстрадиция масаласида қийинчиликлар туғилди. 1988 йил 3 августда ички ишлар вазири жаноб Сёрингни АҚШ маъмурларига топшириш ҳақидаги фармойишни имзолади. Жаноб Сёринг Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига берган шикоятда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3-моддаси бузилгани, Британия маъмурлари уни ўлим жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган АҚШга топширишни рад этмаганликлари ва у «ўлим жазосини кутиб ётган маҳбуслар камераси синдроми»га дучор бўлганлигини ёзган.

Савол: жаноб Сёрингга нисбатан Британия маъмурларининг ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари бузилганми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?

32-мавзу. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИБ ТУРУВЧИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАСНИФИ

1-масала

Ван Мехелен ва бошқалар Нидерландияга қарши

1997 йил 23 апрелдаги суд қарори

Нидерландиянинг тўрт нафар фуқароси – Генрик Ван Мехелен, Виллем Венериус, Иоганн Венериус ва Антониус Амандус Прюижмбоом 1989 йил январь ойида Оирсчотадаги почтага қуролли босқинчиликни содир этганлари учун ҳибсга олинганлар. Ушбу босқинчилик туфайли полициячилар жароҳатланганлар. Босқинчиларга жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда ўғрилиқ содир этганлик ва қасддан одам

ўлдиришга суиқасд қилганлик айблари эълон қилинган. Суд ўз қарорларида аризачиларни айбдор, деб топган ва ҳар бирини ўн йил муддатга қамокқа ҳукм қилган. Юқори инстанция суди ҳам аризачиларни айбдор, деб топди ва ҳар бирини 14 йилга қамокқа ҳукм қилди. Аризачилар Европа комиссиясига ёзган шикоятларида ҳукм аноним гувоҳлар берган кўрсатмалар асосида чиқарилгани ва бу Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси 6-моддасининг 1;3-бандини бузиш эканлигини таъкидлаганлар.

Савол: *Нидерландиянинг тўрт нафар фуқароларига нисбатан инсон ҳуқуқлари бузилганми?*

Савол: *агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?*

2-масала

Рибич Австрияга қарши

1995 йил 4 декабрдаги суд қарори

1988 йил 31 май куни Австрия фуқароси жаноб Рибич ва унинг хотини наркотик моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага чиқарганликда гумон қилиниб, ҳибсга олиндилар ва 2 июнь кунигача полицияда қамокда сақландилар. Жаноб Рибич 2–3 июнь кунлари касалхонада текширувдан ўтди, тиббий хулосага кўра, унинг ўнг қўлида бир неча кўкарган жойлар мавжуд. Воқеа радио орқали эълон қилингандан кейин, жаноб Рибичга ёмон муносабатда бўлганликда гумон қилинган полициячиларга қарши жиноят иши қўзғатилган. 1989 йил 13 октябрь куни Вена шахрининг жиноят суди полициячилардан бирини баданга шикаст етказишда айбдор деб топди, юқори инстанция суди эса 1990 йил 14 сентябрда полициячини оқлади.

Жаноб Рибич Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 3-моддаси бузилгани ҳақида шикоят қилди.

Савол: *жаноб Рибичга нисбатан полиция ходимларининг ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари бузилганми?*

Савол: *агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?*

3-масала

Макканн ва бошқалар Бирлашган Қиролликка қарши

1995 йил 27 сентябрдаги суд қарори

Бирлашган Қироллик фуқаролари Даниэль Макканн, Майред Фаррелл ва Шон Сэвиж 1988 йил 6 март куни Гибралтарда Британия ҳарбий хизматчилари томонидан отиб ўлдирилганлар. Террорчилик ҳаракати содир этилиши мумкин, деган хулосага келгач, ҳарбий хизматчилар Макканн, Фаррелл ва Сэвижга ўқ узиб, ўлдирдилар. Кўздан кечирилганда, учала гумон қилинувчининг бирортасида ҳам қурол, масофадан туриб бошқариш механизми ёки портлатиш қурилмаси йўқлиги аниқланган. Суд юз берган воқеани қонуний, деб ҳукм чиқарди. Ҳалок бўлганларнинг ота-оналари ҳукмдан норози бўлиб, Мудофаа вазирлиги устидан Шимолий Ирландия Юқори судига даъво қилдилар. Бироқ Ирландия судида Қиролликка қарши суд жараёнини амалга ошириш мумкин эмаслиги маълум бўлди. 1991 йил 14 августда ота-оналар Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига Даниэль Макканн, Майред Фаррелл ва Шон Сэвижнинг ўлдирилишида Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 2-моддаси бузилди деб, шикоят қилдилар.

Савол: Бирлашган Қироллик фуқароларига нисбатан Британия ҳарбий хизматчиларининг ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари бузилганми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?

4-масала

Кайя Туркияга қарши

1998 йил 19 февралдаги суд қарори

Туркия фуқароси аризачи жаноб Меҳмет Кайянинг ёзишича, унинг акаси Абдулменаф Кайяни Туркия хавфсизлик кучларининг аскарлари отиб ўлдирганида, у қуролсиз бўлган, аммо жасади ёнига Калашников русумли автомат қўйилган. Ҳукумат баёнотига кўра, Курдистон Ишчилар партияси аъзолари томонидан ўққа тутилган аскарлар уларга жавобан ўқ уза бошлаганлар, жангдан сўнг эса автомати ёнида бўлган Абдулменаф Кайянинг жасади топилган.

Аризачи акасининг 1993 йил 25 март куни хавфсизлик ходимлари томонидан конвенциянинг 2-моддасига хилоф тарзда асоссиз ўлдирилгани, давлат органлари жаноб Абдулменаф Кайянинг ҳалок бўлиши сабабини тергов қилмагани ва бу билан Европа конвенциясининг 6, 13, 14-моддалари бузилганлиги ҳақида шикоят қилган.

Савол: жаноб Абдулменаф Кайяга нисбатан Туркия хавфсизлик ходимларининг ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари бузилганми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?

5-масала

Эрдагоз Туркияга қарши

1997 йил 22 октябрдаги суд қарори

1992 йил 16 сентябрь куни тунги соат 2⁰⁰ да полицияга жаноб Эрдагознинг дўконига кимдир тош отиб, ойналарини синдиргани ҳақида аноним кўнғироқ бўлди. Полиция воқеа жойига жаноб Эрдагоздан тахминан ярим соат аввал етиб келиб, дўкон ойналарининг синганлигини қайд этди, етказилган зарарни баҳолаш учун баённома тузди. Жаноб Эрдагоз аризасида ҳужумни шахсий адовати бўлган жаноб Х. А. уюштирган, деб кўрсатиб, унинг ҳибсга олинишини талаб қилди. 16 сентябрь куни тахминан соат 11³⁰ да Эрдагоз далилларни қалбакилаштиришда гумон қилиниб, ушланди. Шу куннинг ўзида прокурор сўроқ қилганидан сўнг, жаноб Эрдагоз озод қилинди. 17 сентябрь куни жаноб Эрдагоз прокуратурага полиция ходимлари устидан шикоят қилди. Унинг йўлланма асосида Адама шаҳри касалхонаси тиббий текширувида белининг чап томонида юзаки тирналишлар, иккала тиззасидан пастроқда кўкариш ва шишлар борлиги аниқланди. У 1993 йил 1 май куни Европа комиссиясига Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3 ва 5-моддалари бузилгани, полиция томонидан шафқатсиз муомала қўллангани ва қонунга хилоф тарзда қамоқда сақлангани ҳақида арз қилди.

Савол: жаноб Меҳмет Эрдагозга нисбатан полиция ходимларининг ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари бузилганми?

Савол: агарда инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бузилган?

33-мавзу. ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ

1-масала

Хуртадо Швейцарияга қарши

17549/90-шикоят

1989 йил 5 октябрь куни жаноб Хуртадо Вод кантони полицияси томонидан ҳибсга олинган. Аризачининг ёзишича, унинг уйига киришда кулоқни шанғиллатувчи граната портлатилган, жаноб Хуртадо ерга ётқизилиб, қўлига кишан солинган, бошига ёпинчиқ кийдирилиб, уни хушидан кетгунча дўппослаганлар. 7 октябрь куни жаноб Хуртадо шифокор ёрдами сўраган. Шифокор унинг 13 ва 16 октябрь кунларидаги рентген текширувидан олд қовурғасининг синганлигини аниқлади. Жаноб Хуртадо баданига шикаст етказилгани ва ҳуқуқларининг поймол қилингани ҳақида шикоят ёзган. Суд шикоятни кўриб чиқиб, иш кўзғатиш учун асос йўқлигини аниқлаган. Жаноб Хуртадо Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси 3-моддасининг бузилгани, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомалага дучор бўлгани ҳамда конвенциянинг 13-моддасида кўрсатилган самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан маҳрум этилгани ҳақида арз қилган.

Савол: жаноб Хуртадога нисбатан Вод кантони полицияси ходимлари томонидан инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала амалга оширилганми?

Савол: қайси конвенциянинг нормалари бузилган бўлиши мумкин?

2-масала

Сур Туркияга қарши

1997 йил 3 октябрдаги суд қарори

Жаноб Сур 1992 йил 11 май куни Истамбул полицияси томонидан қамоққа олинди. 12 май куни полициячилар жаноб Сурни бир неча порция олтинга мис қўшиб қадрсизлантиргани хусусида сўроқ қилди. Прокурор уни судгача қамоқда бўлишини сўраганда, суд рад жавобини бериб, жаноб Сурни қўйиб юборди. 14 май куни жаноб Сур полициячилар ҳаракати устидан прокуратурага шикоят қилди. У шикоятида полициячилар уни айблаш учун кўзлари боғлиқ

ҳолда ушлаб, мушт ва таёқлар билан дўппослагани, оёқ ва қўлларига электр улаб, қийноққа солганини ёзган. 15 май куни жаноб Сурни суд тиббиёти шифокори текшириб, чоти ўртасида зарбалардан ҳосил бўлган катта кўкариш, кафтларининг ички томонида шиш ва қон қотиши борлигини аниқлаган ва вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, деб топган. Суд кўпчиликнинг овози билан полициячиларни оқлади ва аризагининг товон тўлаш ҳақидаги талабини рад этди. Жаноб Сур 1993 йил 15 март куни Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3 ва 13-моддалари бузилгани ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига шикоят қилди.

Савол: жаноб Сурга нисбатан Истамбул полицияси ходимлари томонидан инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала амалга оширилганми?

Савол: қайси конвенциянинг нормалари бузилган?

3-масала

Томази Францияга қарши

1992 йил 27 августдаги суд қарори

Франция фуқароси Феликс Томази 1983 йил 23 март куни Бастиа полицияси томонидан одам ўлдиришда иштирокчиликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган. 1983 йил 25 март куни унга айблов эълон қилиниб, узоқ вақт қамоқда сақланган. У полиция ўзига шафқатсиз муомалада бўлгани ҳақида шикоят қилган. Уни бир неча тиббий экспертлар текширганларида, баданида турли шикастланишларни аниқлаганлар. 1998 йил 22 октябрь куни Томазини суд оқлади. Жаноб Томази Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига Бастиа полициясида сақланганда, унга нисбатан Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3-моддасига хилоф тарзда шафқатсиз муомала қилингани, қамоқда сақланиш муддатининг чўзилгани эса конвенциянинг 5-моддаси 3-бандининг бузилгани, полицияда қилинган муомала туфайли унга етказилган зарарни қоплаш талаби битилган шикояти эса узоқ вақт текширилаётгани конвенциянинг 6-моддаси 1-бандининг бузилиши, деб арз қилди.

Савол: франция фуқароси Феликс Томазига нисбатан Бастиа полицияси ходимлари томонидан инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала амалга оширилганми?

Савол: қайси конвенциянинг нормалари бузилган?

4-масала

Ягиз хоним Туркияга қарши

1996 йил 7 августдаги суд қарори

1989 йил 4 декабрь куни Измир шаҳридаги туғруқхонадан янги туғилган чақалоқ ўғирланди. 1989 йил 14 декабрда ушбу ҳолат бўйича туғруқхона ҳамшираси Ягиз хоним полиция маҳкамасида сўроқ қилинган ва 15 декабрь куни чақалоқ ўғирлашда иштирокчиликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган. Ягиз хоним 20 декабрь куни прокуратурага берган аризасида айрим полициячилар унинг товонига қон чиқмагунча урганликлари, юбкасига пичоқ боғлаб, оёқларини қимирлата олмайдиган қилиб кўйганликлари, елкасига юк ўрнатганликлари, товони шишмаслиги учун ҳўл полда юришга мажбур қилганликлари ва шилқимлик қилинганлигини ёзган. Суднинг 1990 йил 16 ноябрдаги қарори билан полициячилар оқланди. Ягиз хоним 1991 йил 8 октябрда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3-моддаси бузилганлиги ҳақида шикоят билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига мурожаат этди.

Савол: Ягиз хонимга нисбатан Измир шаҳри полицияси ходимлари томонидан инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала амалга оширилганми?

Савол: қайси конвенциянинг нормалари бузилган?

5-масала

Аксой Туркияга қарши

1996 йил 18 декабрдаги суд қарори

Туркия фуқароси жаноб Аксой 1992 йилнинг ноябрь ойида террорчиликда гумон қилиниб, Қизилтепа полицияси томонидан ҳибсга олинди. 14 кун ҳибсда сақланиб, 1992 йил 10 декабрь куни озод қилинди. Полиция маҳкамасида унга «Фаластинча осиш», яъни орқага қайириб боғланган кўлларидадан осиш, яланғочлаш, электр токи билан қийнаш, уриш ва сўкишлар қўлланган. Кўлларидадан осганликлари туфайли улар ҳаракатланишдан тўхтаган. 1992 йил 8 декабрда жаноб Аксой озод қилинди. 15 декабрь куни эса жаноб Аксой кўлларининг икки томонлама шол ташхиси билан касалхонага ётқизилди ва унга шиналар қўйилди. Жаноб Аксой 1993 йил 20 майда Инсон ҳуқуқлари

бўйича Европа комиссиясига йўллаган шикоятда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3-моддаси, конвенциянинг 5-моддаси (3-банди) ва 6-моддаси (1-банди) бузилгани ҳақида ёзган.

Савол: жаноб Аксойга нисбатан Туркиянинг Қизилтепа полицияси ходимлари томонидан инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала амалга оширилганми?

Савол: қайси конвенциянинг нормалари бузилган?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АСОСИЙ АДАБИЁТ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2010. – 40 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2008 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2008. – 396 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2009 йил 1 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2009. – 632 б.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2007. – 496 б.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси (2008 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2008. – 155 б.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (2010 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2010. – 432 б.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 2007. – 344 б.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2010 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2010. – 400 б.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси. – Т., 2001. – 92 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 август конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1991. – № 11. – 246-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат герби тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 9. – 328-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат байроғи тўғрисидаги»ги 1991 йил 18 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 1. – 27-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мадҳияси тўғрисида»ги 1992 йил 10 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 1. – 52-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги 1989 йил 21 октябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – № 12. – 258-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9. – 229-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2006. – № 4. – 157-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2005. – № 1. – 18-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги 2009 йил 24 июнь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – № 40. – 432-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 9. – 338-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002. – № 24. – 190-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002. – № 24. – 192-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 2003 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 214-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Референдум тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – № 1. – 37-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 2003 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 138-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь

қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 33-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 1. – 14-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 1. – 12-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 5. – 221-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2002 йил 13 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 1. – 7-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – № 9. – 355-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 1995 йил 30 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – № 9. – 183-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги 1995 йил 6 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – № 6. – 166-м.

Якубов А.С. ва бошқ. Юридик тайёргарлик: Дарслик. – Т., 2009. – 624 б.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / проф. Ҳ.Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2009. – 568 б.

Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т., 2002. – 720 б.

Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Чизмалар альбоми. – Т., 2002. – 154 б.

Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С. Якубов ва Р. Кабулов таҳрири остида. – Т., 2004. – 413 б.

Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2002. – 270 б.

Кадыров М.М. Уголовное право: Особенная часть / Под ред. У. Таджиханова. – Т., 1997. – 507 с.

Миразов Д. М. Жиноят содир этиш шароит ва ҳолатларини тиклаш жиноят иши бўйича далилларнинг муҳим манбаи. – Т., 1997. – 29 б.

Миренский Б.А., Асомутдинов А.Х., Камалходжаев Д. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. – Т., 2002. – 154 б.

Миренский Б.А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 2000. – 766 б.

Мирзаев Т.К. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишга доир процессуал чоралар. – Т., 2001. – 94 б.

Мирзажанов К. Амнистия и помилование как принцип гуманизма в уголовной политике. – Т., 1995. – 110 с.

Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – 320 б.

Раҳмонқулов А.Х., Кадирова В.В. Жиноят процессининг чизмаларда ифодаланиши. – Т., 2003. – 141 б.

Таджиханов У., Одилқориев Х. Конституциявий ҳуқуқ. Таъриф ва чизмалар: Ўқув қўлланма. – Т., 2002. – 271 б.

Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – 749 б.

Уголовное право. Общая часть: Альбом схем. – Т., 2002. – 154 с.

Уголовное право. Особенная часть: Альбом схем. – Т., 2002. – 258 с.

Умаррахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. – Т., 1998. – 316 с.

Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Дарслик. – Т., 2004. – 428 б.

Соттиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланма. – Т., 2005. – 72 б.

Жиянов М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мураккаб ягона жиноят тушунчаси ва турлари. – Наманган, 2005. – 45 б.

Рустамов Ш.М., Муҳаммедов У.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташкилий-ҳуқуқий мақомини белгиловчи янги қонунлар: Чизмалар альбоми. – Т., 2005. – 219 б.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. – Т., 2000. – 448 б.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Ҳ. Р. Раҳмонқулов ва И. Б. Зокировнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1999. – 559 б.

Хакимов Р.Т. Международное гуманитарное право. – Т., 1998. – 92 с.

Холмўминов Ж. ва бошқ. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи. 1-қисм: Чизмалар альбоми. – Т., 2002. – 150 б.

Холмўминов Ж. ва бошқ. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи. 2-қисм: Чизмалар альбоми. – Т., 2002. – 234 б.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ

Абдурасулова К.Р., Эшонқулов У.П. Халқаро терроризм ва уюшган жинойтчиликка қарши курашда халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик // Ҳуқуқ-Право-LAW. – 2000. – № 1. – Б. 88–90.

Бердияров Ш.Н. Қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш – ҳуқуқий ислохотларнинг таркибий қисми // Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007. – Б. 111–114.

Бердияров Ш.Н. Парламент маданиятининг таркибий қисми // Ҳуқуқ ва бурч. – Т., 2007. – № 10–11. – Б. 102.

Бердияров Ш.Н. Парламент назорати ролини ошириш омиллари // Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари: Илмий-амалий семинар материаллари. – Т., 2005. – Б. 67–69.

Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. – Т., 1997. – 236 с.

Исламов З. Общество. Государство. Право. В 2-х т. Т.1. – Т., 1999. – 242 с.

Исламов З. Общество. Государство. Право. В 2-х т. Т.2. – Т., 1999. – 263 с.

Исмоилов Б.И. Международные стандарты личных прав человека и национальное законодательство Республики Узбекистан. – Т., 2000. – 114 с.

Исмоилов Б.И., Рахимова Г.И., Джамилова Л.А. Права человека в Республике Узбекистан. – Т., 2001. – 36 с.

Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве по борьбе с преступностью // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2004. – С. 201–207.

Кабулов Р. Понятие и значение состава преступления по уголовному праву Республики Узбекистан // Ҳуқуқ-Право-LAW. – 2002. – № 3. – С. 25–26.

Кабулов Р. Понятие хищения чужого имущества и его отграничение от смежных составов преступлений. – Т., 1997. – 133 с.

Кабулов Р. Уголовная ответственность за нарушение санитарного законодательства или правил борьбы с эпидемиями // *Хуқуқ-Право-LAW.* – 2000. – № 1. – С. 67–68.

Кабулов Р. Уголовно-правовое понятие вменяемости и невменяемости // *Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения.* Вып. 2. – Т., 2000. – С. 36–39.

Кабулов Р. Ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг фарқи // *Қонун номи билан.* – 1997. – № 3. – Б. 34–35.

Кабулов Р. Ўқотар қуролларни ғайриқонуний эгаллашга қарши жиной-ҳуқуқий курашиш чоралари // *Хуқуқ-Право-LAW.* – 2000. – № 4. – Б. 58–60.

Қаландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиной-ҳуқуқий нормаси билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар // *Хуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.* – Т., 2004. – Б. 107–110.

Каюмов Р.К. Закон о гражданстве // *Ведомости Верховного суда Республики Узбекистан.* – 1993. – № 6.

Матчанов А.А. Қидирув фаолиятида прокурор назорати // *Қонун ҳимоясида.* – 2000. – № 11–12. – Б. 16–17.

Матчанов А.А. Розыскная функция следователя // *Щит.* – 2000. – № 10–11. – С. 6–9.

Миразов Д.М., Бадалбоев А.А. Ўз ҳуқуқларининг биласизми? – Т., 1997. – 208 б.

Нарматов Н.С. «Қўриқлаш» хизматининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини қонуний тартибга солиш // *Хуқуқ-Право-LAW.* – 2003. – № 2. – Б. 14–17.

Нарматов Н.С. «Қўриқлаш шартномаси» тушунчаси ва моҳияти // *Хуқуқ-Право-LAW.* – 2000. – № 3. – Б. 37–40.

Нарматов Н.С. Фуқаролар хонадонларини қўриқлаш шартномаси // *Қалқон.* – 2001. – № 10. – Б. 16–17.

Ниязов А.К. Ответственность за угрозу убийством или применением насилия // *Конституция – ҳуқуқий давлат куришининг асоси.* – Т., 1996. – Б. 51–153.

Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т., Мухаммедов У.Х. Икки палатали парламент. – Т., 2004. – 204 б.

Одилқориев Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг ҳуқуқий табиати // Ҳаёт ва қонун. – 1994. – № 4.

Одилқориев Ҳ. Фуқаровий жамиятнинг ҳуқуқий маданияти // Аёл ва ҳуқуқий маданият. – Т., 1999. – Б. 40–48.

Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., – 1999. – № 6. – Б. 75–76.

Пайзиев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида «жиноят» тушунчаси // Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2004. – Б. 102–104.

Пардиев А.А. Жиноят предмети – сифатсиз маҳсулот // Давлат ва ҳуқуқ. – 2004. – №3. – Б. 30–32.

Права человека: Единство общечеловеческого и национального: Сборник международных договоров и законов Республики Узбекистан. Т.2. / Сост. А. Х. Саидов. – Т., 1995. – 384 с.

Ражабова М.А. Терроризм жиноятининг субъекти // Қонун ҳимоясида. – 2002. – № 5. – Б. 23–24.

Ражабова М.А. Терроризм: жиноятнинг субъектив томони // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 43–44.

Раҳманкулов А.Х. Виды юридической ответственности по законодательству Республики Узбекистан // Қонун номи билан. – 2000. – № 2–3. – С. 93–96.

Раҳманкулов А.Х. О формировании содержания понятия юридической ответственности // Ҳуқуқ-Право-LAW. – 2000. – № 2. – С. 45–50.

Раҳмонқулов А.Х. Юридик жавобгарлик нима? // Қонун ҳимоясида. – 2000. – № 1. – Б. 13–15.

Раҳманкулов Х.Р., Раҳманов А. Права человека: история и современность. – Т., 1998. – 261 с.

Рустамбаев М.Х. Ответственность за преступления против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. – Нукус, 1992. – 228 с.

Рустамбаев М.Х., Якубов А.С. Новый Уголовный кодекс Республики Узбекистан // Звезда Востока. – 1995. – № 1–2.

Рўзиев Р. «Хўжалик шартномаси» тушунчаси ва мазмуни // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 1999. – № 4. – Б. 15–20.

Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш (Қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти масалалари). – Т., 2004. – 310 б.

Саидов А.Х. Мустақиллик бу – ҳуқуқ. – Т., 1996. – 32 б.

Саидов А.Х., Джумабаев К.Н. Грани первой Конституции независимого Узбекистана. – Т., 1993. – 267 с.

Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – 670 б.

Саидов Б.А. Дастлабки терговда шахсинг шаъни ва кадр-қимматининг таъминланиши // *Ҳуқуқ-Право-LAW*. – 2000. – № 2. – Б. 78–80.

Саидов Б.А. Жамоат тартибини сақлашда шахсинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг таъминланиши // *Ички ишлар идораларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Конференция материаллари*. – Т., 2001. – Б. 24–27.

Саидов Б.А. Жиноят процессида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши (Назария ва амалиёт) // *Адвокат*. – 2001. – № 2. – Б. 26–27.

Саидов Б.А. Манфаат ёхуд унинг жиноятларни тергов қилиш жараёнидаги ўрни // *Қонун ҳимоясида*. – 2002. – № 2. – Б. 22.

Саидов Б.А. Турар жой дахлсизлиги // *Ҳаёт ва қонун*. – 2003. – № 5. – Б. 44.

Сатторов А. Омбудсман – ҳуқуқ ҳимоячиси (Хорижий ва миллий тажриба). – Т., 2000. – 39 б.

Сатторов А. Турли мамлакатларда омбудсман институти фаолиятининг ўзига хосликлари // *Ҳаёт ва қонун*. – 2000. – № 4. – Б. 22–26.

Соттиев И.А. Қонун хатодан холи бўлиши шарт // *Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари*. – Т., 2004. – Б. 89–92.

Таджиханов Б.У. Терроризм и его отграничение от экстремизма // *Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами*. – Т., 2004. – С. 235–239.

Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. – Т., 1997. – 182 с.

Таджиханов У. Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва истикболлар // *Ҳуқуқ-Право-LAW*. – 2000. – № 1. – Б. 17–25.

Умарханов А.Ш. Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш чораларини такомиллаштириш юзасидан баъзи мулоҳазалар // *Ҳуқуқ-Право-LAW*. – 2002. – № 4. – Б. 82–84.

Умарханов А.Ш. Терроризм жиноятларини кўриш жараёнида одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш институтини қонуний тартибга солишнинг баъзи масалалари // *Терроризмга қарши курашнинг илмий-назарий муаммолари: Илмий-назарий конференция материаллари*. – Т., 2002. – Б. 199–205.

Умарханов А.Ш. Ёлғон кўрсатув бериш ёхуд одил судлов амалиётига доир айрим мулоҳазалар // *Ҳаёт ва қонун*. – 2004. – № 3. – Б. 23–24.

Умарханов А.Ш. Жиноят судлов ишларини юритишда иштирокчиларнинг ҳимоясини таъминлашга имкон берадиган шароитлар тўғрисида // *Ҳуқуқ-Право-Law*. – 2003. – №3. – Б. 60–61.

Халилов Э.Х. Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишда ҳокимият вакиллик органларининг роли // *Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш: Республика семинар кенгашининг материаллари*. – Т., 2000. – Б. 2–13.

Халилов Э.Х. Правосознание в структуре общественной жизни. – Т., 1997. – 48 с.

Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси // *Ўзбекистон Республикаси (энциклопедия)*. – Т., 1997. – Б. 188–191.

Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги фаолияти // *Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари: Илмий-амалий анжуман ҳужжатлари*. – Т., 1998. – Б. 6–10.

Хамроев С.И. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш // *Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари*. – Т., 2004. – Б. 93–96.

Холмўминов Ж.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш. – Т., 1994. – 154 б.

Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи: Дарслик. – Т. 2003. – 258 б.

Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. – Т., 2000. – 352 б.

Холмўминов Ж.Т. Экология ҳуқуқи: Чизмалар альбоми. – Т., 2002. – 200 б.

Холмўминов Ж.Т., Маллаев Н.Р. Атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш: Ўқув қўлланма. – Т. 2004. – 93 б.

Холмўминов Ж.Т., Нарматов Н.С. Ҳуқуқий фанлар тизимида фуқаролик ҳуқуқи ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2004. – Б. 125–131.

Холмўминов К. Т. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Ҳаёт ва қонун. – 1997. – № 2. – Б. 6–8.

Хўжсаназаров И.Э. Жабрланувчи билан ярашганлик туфайли айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал жиҳатлари // Ҳуқуқ-Право-LAW. – 2002. – №4. – Б. 84–86.

Шакуров Р.Р. Теоретические основы реализации уголовно-правовых поощрительных норм // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2004. – Б. 239–243.

Эгамбердиев Э. Мулкий муносабатлар ёхуд шартнома муносабатлари // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 10. – Б. 16–20.

Эгамбердиева Н. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шартлари // Қонун ҳимоясида. – 2000. – № 5–6. – Б. 17–19.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	4
---------------	---

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

5-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари.....	5
6-мавзу. Шахсининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми. Фуқаролик. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тизими.....	7
7-мавзу. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг тизими.....	8

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

10-мавзу. Айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	9
11-мавзу. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс)лар.....	19

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

15-мавзу. Ишончнома. Даъво муддати. Мулк ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш.....	21
16-мавзу. Ички ишлар органлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар ва шартномалар.....	22
17-мавзу. Фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик.....	23

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

18-мавзу. «Жиноят» тушунчаси ва белгилари.....	24
19-мавзу. «Жиноят учун жавобгарлик» тушунчаси ва асослари. «Жиноят таркиби» тушунчаси.....	27
20-мавзу. Жиноят таркибининг объектив белгилари.....	30
21-мавзу. Жиноят таркибининг субъектив белгилари.....	34
22-мавзу. «Тамом бўлмаган жиноят» ва «Жиноятда иштирокчилик» тушунчалари. Бир қанча жиноят содир этиш.....	37
23-мавзу. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар.....	41
24-мавзу. Жазо ва уни тайинлаш.....	43

25-мавзу. Жавобгарлик ва жазодан озод қилиш. Судланганлик.....	45
26-мавзу. Алоҳида турдаги жиноятларнинг хусусиятлари.....	47

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

27-мавзу. Жиноят процесси иштирокчилари.....	73
28-мавзу. Далиллар ва исботлаш жараёни.....	81
29-мавзу. Жиноий-процессуал мажбурлов.....	89
30-мавзу. «Суриштирув» тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.....	94

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАОЛИЯТИ

31-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро биллнинг юримдик мазмуни ва аҳамияти.....	96
32-мавзу. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятини тартибга солиб турувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг таснифи.....	99
33-мавзу. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция.....	103
<i>АДАБИЁТ</i>	107

ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК КУРСИДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Мухаррир М.С. Раҳмонова
Техник муҳаррир Х.М. Қиличев

Босишга рухсат этилди 31.08.2011 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 7,5.
Адади 150 нусха. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.